**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

# СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ АСОСЛАРИ

**ФАНИДАН МА'РУЗА МАТНЛАРИ ТЎПЛАМИ**

**Тошкент-2005**

**СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ АСОСЛАРИ**
**маъруза матнлари тўплами**

**--Т.: ТМИ, 2005. – 201 бет.**

**Аннотация**

Мазкур маъруза матнларида «Солиқ қонунчилиги асослари» фанининг предмети ва вазифалари, солиқ қонунчилигининг ривожланиш тарихи, солиқ ҳуқуқига оид қарашлар, солиқлар борасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик турлари, солиқ органларининг ҳуқуқий фаолиятлари, солиқларга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш чора-тадбирлари тегишли муаммолар билан биргаликда кенг ёритилган.

Маъруза матнлари 5340800 – «Солиқлар ва солиққа тортиш» бакалавриат йўналиши учун мўлжалланган.

Мазкур маъруза матнлари тўплами «Солиқлар ва солиққа тортиш» кафедраси мажлисида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

«2» июль 2005 й. 14-сон мажлис баёни.

**«Солиқлар ва солиққа тортиш»**
**кафедраси мудири:** **доц. А. Жўраев**

Мазкур маъруза матнлари тўплами институт қошидаги Олий ўқув юртлараро илмий-услубий Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

7 июль 2005 й. 4-сон мажлис баёни.

**Ректорнинг ўқув ва методик**
**ишлар бўйича муовини** **проф. А. Воҳобов**

**Тузувчилар:** **доц. А. Жўраев**
**к. ўқ. Н. Артиков**
**асс. А. Шернаев**

**Тақризчилар:** **доц. И. Рахимбердиев**
**доц. Ф. Бозоров**

**ТМИ, 2005**
**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта**
**махсус таълим вазирлиги**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

# СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ АСОСЛАРИ

## МАЪРУЗА МАТНЛАРИ ТЎПЛАМИ

**Тошкент-2005**

## 1-Мавзу: Солиқ ҳуқуқи тушунчаси, методи ва предмети (4 соат)

1. Солиқ тушунчаси ва унинг аҳамияти.
2. Солиқ ҳуқуқининг ривожланишида ижтимоий- иқтисодий муҳит.
3. Солиқ ҳуқуқи ҳақидаги қарашлар ва унинг таърифи.

### 1. **Солиқ тушунчаси ва унинг аҳамияти**

Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган солиқ тизими кўп томонлама миллий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттириш билан бирга, кўп жиҳатдан солиқ солишнинг ғарб тизими кўрсаткичларига тўғри келади, бу эса, давлатимиз ижтимоий – иқтисодий ривожланишининг стратегик мақсадлари билан узвий боғликдир. Солиқ тизимининг тузилиш тамойиллари, одатда, у ёки бу мамлакат ривожланишининг иқтисодий ривожланишига боғлиқ бўлиб, умумий қонуниятларга эга.

Ўзбекистон солиқ тизимининг ривожланиши негизига бир қанча тараққий этган хорижий давлатларда асосий ҳисобланган ва ўз самарадорлигини кўрсатган солиқ тизимининг тузилиш тамойиллари асос қилиб олинган. Улар орасида давлат томонидан қаттиқ марказлаштирилган бошқарув асосида солиқ тизимини бир бутунлигини таъминлайдиган тизимлилик; солиқни ундиришнинг кенг қонунчилик асоси; айрим ҳолларда солиқ тўловчига солиқ солишнинг аниқ тизимини танлаш ҳуқуқи берилган солиқлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик; солиқларни умумдавлат (марказий) солиқлари ва маҳаллий солиқларга қатъий бўлиш; ҳар йили солиқлар ставкаларини аниқлаш ҳамда давлат томонидан ҳар йили қабул қилинган давлат бюджети тўғрисидаги қонун доирасида сиёсий ўзгаришлар ва иқтисодий конъюктурани ҳисобга олган ҳолда, солиқ сиёсатини амалга ошириш имконияти билан таъминланган солиқ тизимининг қайишқоқлиги (мослашувчанлиги); мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган, ривожланиш

суръатлари, иқтисодий соҳаларнинг молиявий аҳволи, инфляция даражаси, вилоятлар ва туманлар иқтисодий ривожланишини тенглаштириш каби омиллар ҳисобга олинган, ёрқин ифодаланган солиқ тизимининг ижтимоий йўналиши тамойиллари ажралиб туради. Бундан ташқари, солиқ тизимининг ривожланиш негизида маълум ҳуқуқий институтлар ва тушунчалар ётади, уларни эътиборга олмаслик солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилишини келтириб чиқаради, солиқ йиғимларидан келиб тушадиган маблағларнинг кескин камайишига сабаб бўлади. Солиқнинг маъмурийлаштириш ташкилий-ҳуқуқий унсурларининг мувозанатлашувига, назоратнинг шакл ва услубларига ҳам катта эътибор қаратилади.

Солиқ институтларининг юзага келиши давлат ва бозор инфратузилмаси мавжудлиги ҳамда уларнинг ишлаши билан боғлиқ объектив зарурият натижасидир. Агар собиқ режали тақсимот тизими доираларида корхоналар фойдасининг турли ишлаб чиқариш фондларини шакллантиришдан қолган қисми бюджетга ўтказилаг бўлса, бозор иқтисодиёти солиқ муносабатларининг аҳамиятлилигини ҳокимият органларини молиявий маблағлар билан таъминлаш усули сифатида, иқтисодий жараёнларга тараққий этган давлатнинг таъсир кўрсатувчи муҳум унсури сифатида белгилаб берди. Давлат билан солиқ тўловчилар – юридик ва жисмоний шахслар ўртасида солиқ солиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи янги ҳуқуқий тизим яратилди.

Иқтисодиётнинг давлат томонидан солиқлар орқали тартибга солиниши давлат бюджетини шакллантириш, солиқ солиш воситасида жамиятдаги у ёки бу жараёнларнинг ривожланишига таъсир кўрсатиш услуби ҳисобланади. Шундай қилиб, давлатнинг мавжудлиги солиқлар билан узвий боғлиқ, чунки тушадиган тушумлар давлат иқтисодий мустақиллигининг бош манбаидир.

Солиқлар давлат бюджети даромадларининг марказий институти бўлганига ҳали ҳатто 200 йил тўлгани ҳам йўқ. Улар қадимги дунёда ҳам олинган, аммо у вақтларда солиқлар озод – эркин бўлмаган кишининг белгиси бўлиб хизмат қилган. 1776 йили Адам Смит ўзининг «Иследование о природе и причинах богатства народов» асарида тўловчи солиқлар «қуллик эмас озодлик

кўрсаткичидир» деган эди. «Опыт теории налогов» асарида (1818 йил) Н.И.Тургенев шуни таъкидладики, «билим муваффақиятлари уларнинг халқлар урф – одатларига фойдали даражасига қараб солиқлар тизимининг такомиллашувига ҳам таъсир этган», «…солиқлар билимга эга бўлиш билан бирга пайдо бўлиб, унинг белгиси бўлиб қолди. …Солиқларнинг тайинланиши, тақсимланиши ва йиғилиши усулига қараб халқ орасида тарқалган маълумотлар тўғрисида; йиғиладиган солиқлар миқдорига қараб унинг бойлиги ҳақида фикр юритиш мумкин; бу билимлилик ва маърифатни англатадиган иккита энг асосий хусусиятлардир».

2. **Солиқ ҳуқуқининг ривожланишида ижтимоий- иқтисодий муҳит**

Солиқлар ҳуқуқининг пайдо бўлиши ва ривожланиши жамиятнинг демократлашуви, ҳуқуқий давлат ғояси билан боғлиқдир. Солиқ солиш ҳуқуқий табиат нуқтаи – назаридан ижтимоий ишлаб чиқариш билан давлат ўртасидаги мулкий муносабатларни тартибга солиш, уларни муайян доирага киритиш чора – тадбиридир. Солиқ ҳуқуқнинг асосий вазифаси мулкчилик ҳуқуқини давлатнинг ноқонуний ва чекланмаган даъво, талабларидан ҳимоялаш, солиқ тўловчи билан давлат манфаатлари мувозанатини сақлаб туришдир. *Солиқ ҳуқуқига нисбатан турли олимлар томонидан турлича талқинлар келтирилиб, турлича таърифлар берилганлиги,солиқ ҳуқуқи мавзусидаги бош муаммони келтириб чиқаради. Солиқ муносабатларининг ижтимоий муносабатлар таркибида жуда чигаллашиб кетганлигидан юқоридаги муаммонининг солиқ тизимининг амалиётдаги ҳолати яхшиланишига олиб келади.*

Солиқларнинг ҳуқуқий табиатига парламентнинг солиқни тасдиқлаш ҳуқуқи ва халқнинг солиқ тўлаш учун рози бўлиш ҳуқуқи сифатида қаралиши лозим.

Солиқ соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос ҳусусиятларидан бири шундаки, солиқнинг ундирилиши бутун халқнинг вакили сифатида парламент билан келишилади, лекин ҳар бир алоҳида шахс билан келишилмайди. «Одамлар жамиятга бирлашиб ва ҳукуматга олий ҳокимиятни топшириш билан бирга унга солиқ талаб қилиш ҳуқуқини ҳам топширишди.. Кўпгина давлатларда солиқнинг киритилиши халқ

вакилларининг розилиги билан амалга оширилади». Бироқ бунда шу нарса ҳаққоний қайд этилганки, ҳукумат давлатнинг ҳақиқий эҳтиёжларини қондириш учун қанча керак бўлса шунча миқдорда олиши керак, лекин халқ қанча беришга қодир бўлган миқдорда эмас оптимал даражада белгилаш лозим.

Бошқа хусусияти қуйидагилардан иборат: солиқ солиш механизмидан давлат томонидан мажбур этиш, ҳокимиятни амалга ошириш усули сифатида фойдаланилади. Кўпгина мамлакатларда солиқ солиш тўғрисидаги масалаларининг референдум йўли билан ҳал этилиши конституция орқали таъқиқланган.

Масалан, Дания давлатининг 1953 йилги Конституцияси 42-параграфининг 6-қисмига биноан турли хилдаги молиявий бюджет муаммолари референдум предмети бўла олмайди; ўзини - ўзи бошқариш тўғрисидаги 1990 йил LXV қонунига мувофиқ маҳаллий бюджет ва маҳаллий солиқлар тўғрисидаги масалалар Венгрияда ҳам референдумга киритилиши мумкин эмас; Руминия Конституциясининг 73-моддаси 2-қисмига мувофиқ «фискал муаммолар фуқороларнинг қонунчилик ташаббуси  предметини ташкил эта олмайди».; 1978 йилги Испания Конститутцияси ҳам (87-моддаси 3-қисми) солиқ масалалари бўйича бундай ташаббуснинг қўлланилишига йўл қўймайди.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида, шунингдек, солиқ кодексида солиқнинг таърифи берилмаган. Ваҳоланки, у ўзининг ҳуқуқий табиати нуқтаи - назаридан солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатлари меъёрларининг тўғри ва бир хил қўлланилиши, шунингдек, солиқ органларининг ваколатини юридик жиҳатдан аниқ белгилаб берган бўлар эди.

Солиқнинг асосий юридик белгиси – уни белгилашнинг бир томонламалик хусусиятидир; унинг бошқа белгилари: солиқ якка тарзда ҳолисона, қайтариб бермаслик шартлари билан ундириб олинади.

Солиққа тортишда юзага келадиган ҳуқуқий муносабат қарз ва қарздор муносабатидир. Қарз ва қарздор муносабатининг юзага келиши учун тараф мавжуд бўлиши керак. Солиқ муносабатларида бу тарафлардан бири солиқ ундирувчи ва иккинчиси эса солиқ тўловчидир. Солиқ муносабатларининг

иштирокчилари бўлган ҳар иккала тарафнинг ҳуқуқ ва бурчлари қонун томонидан белгиланади.

Солиқ ундирувчи – қонун томонидан солиқ ундириш ваколати берилган маъмурий ташкилотларга солиқ ундирувчи дейилади. Бу ваколат бир мамлакатда устунлик ҳақига эга бўлган, бошқача қилиб айтганда, мамлакатда фуқаролар ва мол-мулк устидан ўз ваколатини қўллаш ҳуқуқига эга бўлган, ижтимоий органга оиддир.

Солиқ ундиришнинг асоси давлатнинг қонун ёрдамида фуқароларнинг солиққа тортиш ҳуқуқига асосланганидан солиқ ундирувчи давлат ёки унинг томонидан ваколат берилган ижтимоий ташкилотлардир.

Ўзбекистон каби марказий давлатларда солиққа тортиш ҳуқуқи фақатгина давлатга оиддир. АҚШ ёки Швецария каби федерал давлатларда бу ҳуқуқ марказий федерал давлат билан федерал ҳокимиятларга оид эканлиги давлатлар конституцияларида кўрсатиб ўтилган. Бу тур давлатларда федерал давлат билан федерация аъзолари ўртасида алоҳида солиқларни ўз ичига олувчи солиқ соҳалари белгиланган. Марказий давлатларда давлат ўзининг солиққа тортиш ҳуқуқини баъзи ҳолларда маҳаллий идораларга бериши мумкин. Масалан, Конститутциямизнинг 100-моддасида шундай дейилади: -«маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига қуйидагилар киради: …маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш; …».

Солиқ тўловчи – солиқ тўловчилар юзасидан қарздорлик нуқтаи-назаридан солиқ ундурувчи қаршисида солиқ тўловчи туради.

Солиқ муносабатларининг умумий таркибида давлатлар ўртасидаги солиққа оид муносабатлар алоҳида аҳамиятга молик ҳисобланади. Шу маънода давлатлар ҳуқуқнинг таркибий қисмларидан бири молия ҳуқуқи ва солиқ ҳуқуқининг халқаро жиҳатларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Давлат ҳуқуқи, турли сиёсий жамиятларга мансуб бўлган кишиларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқини бир бўлимидир. Юқоридаги таърифда номлари зикр этилган кишиларнинг бир қисми исталган давлат учун

солиқни юзага келтирувчи фаолият билан шуғулланувчидир. Ҳозирги даврда турли давлат фуқаролари ўртасида ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар жуда ривожланган. Асосан XIX асрдан бошлаб, халқаро инвестициялар, қарзлар, экспорт ва импорт, туризм ва ҳақозо сабаблари солиқ муносабатлари ҳам ортмоқда.

Давлатнинг солиққа тортиш ваколатлари асосий қоида сифатида фақатгина мазкур давлатда амал қилинади.

Сўнги юз йилликда халқаро муносабатларнинг авж олиши ва ривожланиши натижасида икки томонлама солиққа тортиш муаммосини юзага келтирди. Бир солиқ тўловчининг битта иқтисодий фаолият ёки даромад юзасидан, бирдан ортиқ давлатга солиқлар бўйича қарздор бўлиши, солиққа тортишнинг адолат принципига зиддир. Бу масалада, авваллари бир қанча давлатлар ўзларининг солиққа тортиш ваколатлари доирасини торайтириш йўли билан икки томонлама солиққа тортишни бартараф этиш учун бир ёқлама ҳаракат қилганлар.

Аммо бир тарафлама қилинган ҳаракатлар самарасиз эканлигидан бу масала асосан халқаро шартномалар йўли билан ҳал этилмоқда. Халқаро солиқ шартномалари тузиш билан бирга ушбу шартномани тузган икки ёки ундан ортиқ давлатлар ўзларининг солиққа тортиш ваколат доираларини чегаралашини тан олган ҳисобланадилар. Солиққа тортиш ваколати доирасини чегаралаш шаклидан бири турли мамлакатлардаги иқтисодий фаолиятлари юзасидан, яшаб турган жойларининг солиқ тўловчиси эканлиги ёки қаерда яшашларидан қатъий назар фуқаролигини қабул қилган мамлакатнинг солиқ тўловчиси бўлишидир. Шу тариқа солиқ тўловчи бир давлатнинг солиқ қонунларига кўра ва бир марта солиқ тўлайди. Кейинчалик кишилар ҳисобга олинмаган ҳолда даромад, мулк ва меросликлардан олинадиган солиқларда ушбу манбалар жойлашган мамлакатнинг солиққа тортиш қонунларига амал қилина бошлади. Ушбу тушунчада амал қилинган қоида – «даромад қаерда юзага келса, иқтисодий нуқтаи назардан ўша ерга оиддир».

Солиқнинг ушбу давлат томонидан ундирилиши тўғри бўлади. Халқаро солиқ шартномаларининг илк намуналаридан бири сифатида Франция билан Бельгия ўртасида 1843 йилда тузилган шартномадир. Ушбу шартномага кўра хар икки давлат солиқларнинг тўланиши қулайлаштириш мақсадида, тўловчилар ҳақида барча маълумотлар ўзаро алмашишни келишиб олган эди. Кейинги даврларда бу турдаги шартномаларнинг сони жуда кўпайиб кетди. Бундай шартномаларга мисол қилиб Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг ҳамда АҚШнинг бу давлатлар билан тўзган шартномаларини келтиришимиз мумкин.

Бир қанча давлатлар тарафидан, яъни кўп томонлама шартномаларга мисол қилиб эса, 1848 йили Гаванада 23 давлат ўртасида имзоланган «умумий тижорат ва тарифлар тўғрисидаги шартнома» (ГАТТ)ни келтиришимиз мумкин.

Халқаро солиқ шартномалари асосан Конституция ҳукмлари доирасида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг 78-моддасида шундай дейилади: -«Ўзбекистон Республикаси олий Мажлисининг мутлоқ ваколатлари жумласига: 21- банд –Халқаро шартномаларни ва битимларни ратификация (тасдиқлаш) ва денонсация (барвақт тўхтатиш) қилиш киради».

**3. Солиқ ҳуқуқи ҳақидаги қарашлар ва унинг таърифи** Давлатчилик шаклларидан бири солиқ қонунчилиги тизимининг мавжудлигидир. Ҳар бир давлат ўзининг ташкилий, ички функцияларини молиявий сармоялар асосида бажаради. Қадимий Греция, Рим давлатларида ҳам ўзига хос солиқ тизимлари мавжуд бўлган. Йиғилган хосилдан, чорвадан ундан бир қисми жамоа эҳтиёжи учун ажратилган. Ушбу «тўловлар» умумхалқ байрамлари ташкил қилинганда, қуролли кучларни таъминлашда ишлатилиб келинган. Файласуф Агриппа ўз асарларида қуйидагиларни ёзган эди; «Ҳар бир давлатга, унинг шаклига қарамай – демакратиями, монархиями унга пул манбалари керак. Молиявий сармоялар эса солиқлар орқали йиғилади». Белгиланган тўловларни тўламаган фуқароларга нисбатан жазо қўлланилади. Қонунбузарлар масалан, фуқаролик ҳуқуқидан маҳрум қилинадилар.

Мустақилликка қадам қўйилиб бозор муносабатларига босқичма босқич ўтилиши жараёнидагина Ўзбекистонда мустақил солиқ тизими ривожлана бошлайди.

1997 йил 14 апрелда 1998 йил 1 январдан кучга киритиладиган Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Бунда Солиқ олишнинг барча ҳуқуқий жабҳалари атрофлича ёритилади.

Ушбу қонун ҳужжатининг эълон қилиниши солиқ идоралари фаолиятида ва солиқ тўловчилар уларнинг давлат олдидаги мажбуриятларини ижро этиши борасидаги сифат жиҳатидан янги босқич бошланганлигини билдиради.

Шуниси диққатга сазоворки, Солиқ кодекси қабул қилингандан сўнг солиқ тизими фаолияти кўплаб қонунлар ва қарорлар эмас, балки ягона яхлит қонун билан бошқарилмоқда, бу албатта солиқ тўловчиларнинг солиқ хизмати бўйича ишларини бирмунча енгиллаштирди.

Ҳар бир шахс солиқ кодексида белгиланган солиқ ва йиғимларни тўлаши шарт. Солиқ солиш – юридик шахсларга нисбатан мулкчилик шаклидан қатъий назар, қонун олдида тенглик, жисмоний шахсларга нисбатан эса жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглик асосида амалга оширилади.

Олинган манбалардан қатъий назар, барча даромадларга солиқ солиниши билан биргаликда солиқ тўловчиларга солиқ имтиёзларини берилиши ҳам кўзда тутилган.

Солиқ Кодекси солиқ тўловчилар учун солиқ ҳуқуқ тартиботининг ҳуқуқий асоси бўлганлигидан солиқ ҳуқуқи тўғрисидаги тушунчаларга тўхталиб ўтишимиз жоиздир, чунки кодексидаги барча муносабатлар бевосита солиқ ҳуқуқи орқали амалга оширилади.

Ҳуқуқий тадқиқот деганда ижтимоий нормал, қонунга мувофиқ келиши, яъни ҳуқуқ асосида, қонуннинг хукмронлиги натижасида вужудга келтирилган тартиб тушунилади.

Солиқ ҳуқуқи – молия ҳуқуқининг ҳуқуқий институтларидан бири бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқ соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

Юқорида айтилганлардан қуйидаги хулоса келиб чиқадики, ҳуқуқ манбаи тушунчаси, унинг модда шакли орқали тегишли ҳуқуқни ифодаланишидир. Чунончи, солиқ ҳуқуқи манбаи – солиқ қонунчилиги асосидир.

Масалан; агар  фуқаролик ҳуқуқида, унинг асослари сифатида ҳар хил битимлар бўлса, солиқ ҳуқуқи манбаи сифатида, давлат томонидан қабул қилинган қонун – қоидалар ҳисобланади. Демак, солиқ ҳуқуқи манбаи деганда давлат томонидан белгиланган тартибда солиқ қонунчилиги доирасида қабул қилинган қонунлар, йўриқномалар, буйруқлар ва қоидалар тушинилади.

Республикамиз мустақиллигининг дастлабки пайтларидан бошлаб, солиқ солиш уни қонуний таъминлаш ва ҳуқуқий расмийлаштириш тизими ҳамда уни амалга ошириш механизми жорий этилди. Бу йўналишда солиқ ҳуқуқи ўз ичига ҳуқуқий меъёрларни, солиқ тизимини барпо этишнинг асосий қоидаларини мустаҳкамланган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни, солиқ ҳуқуқига оид муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва маъсулиятларини, шунингдек, у ёки бу қоидалар, тўлов турлари, ҳолатлар ва амалларни тушунтирувчи назарий қоидаларни олади.

Солиқ муносабатлари юқорида айтганимиздек биринчидан, ушбу муносабатларнинг субъекти бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг даромадларини, иккинчиси эса давлат бюджетини шакллантириш соҳасида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар билан тавсифланади.

Давлат бюджети даромадининг асосий манбаларидан бири сифатида, солиқ тўловчининг даромадлари ҳисобига давлат бюджетини шакллантириш мақсадида, солиқ ҳуқуқининг танлашга йўл қўймайдиган яъни императив меъёрларнинг қўлланиши, солиқ қонунчилиги талабларини бажаришга мажбур этади ва солиқ тўловчилар билан солиқ идоралари ўртасидаги ўзаро муносабат доирасини аниқ белгилайди.

Бу имтиёзлар солиқ доираларига, солиқ қонунларида аниқланган қоида бузилишларни бартараф этиш тўғрисида солиқ тўловчиларга кўрсатмалар бериш улар ижросини назорат қилиш ва молиявий жазо чоралар қўллаш каби ҳуқуқларни ҳам беради.

Солиқ тўловчи бўлиб, юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланар экан, юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати ташкил этилган пайтда юзага келади ва унинг устави, низоми ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида фаолияти белгиланади. Жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати эса фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларга эга бўлганда вужудга келади.

Демак муносабат бўлиши учун камида икки томон мавжуд бўлиши керак. Солиқ субъектлари бу солиқ тўловчилар (ҳуқуқий ва жисмоний шахслар) ва солиқ ундирувчилар (солиқ идоралари) дир, ёки солиқ тўловчилар билан давлат ўртасида муносабат бўлади. Ушбу муносабатларда мулкчилик шаклидан қатъий назар барча қатнашувчилар субъектлар бўлиб, ҳисобланиб, улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрганиш ва яхшилаш солиққа тортишнинг муҳим вазифаларидан биридир. Чунки, бу субъектларнинг амалдаги ҳуқуқий асослари мавжуд бўлиб, улар бутун фаолияти давомида шу асослардан фойдаланадилар ва унга бўйсунадилар.

Республикамизда солиқ тизимини ҳуқуқий тартибга солишда тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари юзасидан бир томондан солиқ тўловчи ва иккинчи томондан солиқ идоралари ўртасидаги ўзаро муносабатлари аввало республика Конституцияси ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунда солиқ идораларининг ўз фаолиятлари чегарасида амалга ошириладиган барча ҳуқуқ ва бурчлари, вазифалари ҳамда жавобгарликлари батафсил ёритиб берилган. Солиқ идоралари ходимларининг аниқ қонун-қоидалар билан ҳимояланишини уларнинг самарали меҳнат фаолиятлари давомида тегишли ҳуқуқлардан фойдаланиш билан биргаликда жавобгарлик ҳиссини ҳам унутмаслик шартларини қўяди. Бу эса солиқ муносабатларининг амалга ошиши

жараёнларида ҳар хил салбий ҳолатларни олдини олиш учун манба бўлиб хизмат қилади.

Солиқ муносабатлари амалга ошаётган шароитда солиқ тўловчи ва солиқ ундирувчилар ўртасида ўзаро келишмовчиликлар ва англашилмовчиликлар бўлиб туриши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Дунёдаги бирорта мамлакатда солиқ тизими низоларини ҳал этиш механизмларисиз фаолият кўрсата олмайди. Юзага келган низолар Давлат Солиқ Қўмитаси, Молия Вазирлиги, Адлия Вазирлиги, Суд ва қонунларга риоя этилиш учун маъсул Прокуратура органлари билан ҳамкорликда ҳал қилинади. Бундай низоларни ҳал этиш бюджетнинг, шунингдек, кенг доирали солиқ тўловчиларнинг манфаатларига даҳл этадиган масалаларга таллуқлидир.

Солиқ кодексининг асл мазмуни солиқ тўловчилар ўртасидаги ижро интизоми, солиқларни барқарор тарзда йиғиб олиш ва давлатимиз молия тизимининг барқарорлигини таъминлашдир.

Ушбу йўналишда муваффақиятга эришиш, солиқ қонунчилигини ҳуқуқий меъёрлари устидан назоратни ягона тизимини, солиқларнинг тўғри ҳисобланиши, бюджетга тўлиқ ва ўз вақтида келиб тушиши билан белгиланади.

У ёки бу субъект ўртасидаги солиққа тортишдан келиб чиқадиган муносабатлар ва ижтимоий алоқалар воситасида тартибга солиб борилади. Турли даражадаги меъёрий ҳужжатларда аксини топган ушбу ҳуқуқ нормаларининг йиғиндиси, ўзаро алоҳида ҳамда ривожланишда бўлган ҳолда, солиқ ҳуқуқини ташкил этади.

Солиқ ҳуқуқи, нисбатан янги тушунча ва молия илмида кам ўрганилганидан унинг предмети, методик ҳамда ҳусусиятларни топиш, ҳуқуқий табиатини ва қайси тармоққа оидлигини аниқлаш етарлича мураккаб ҳамда актуал масаладир.

Ушбу ҳолат охирги пайтлардаги адабиётларда юқоридаги мавзуда ишларнинг камлиги натижасида ҳам мураккаблашган.

Аввало шуни таъкидлаш керакки ҳуқуқ назариясида ҳуқуқ тармоқларини таснифлашда ҳуқуқий тартибга солиш яъни у ёки бу ҳуқуқий ташкилот

нормалари ёрдамида тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар доирасини асос қилиб олинади. Солиқ ҳуқуқининг предметини кўп тармоқли ва комплекс характерга эга бўлган ижтимоий муносабатлар ташкил этади. Бундан ташқари, жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий муносабатларнинг мутахассислашган соҳаси ҳамдир. Бу ҳолат солиқларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий мазмунидан келиб чиққан ҳолда яъни ижтимоий маҳсулотнинг бир қисмини зарурий тўлов сифатида давлат ихтиёрига ўтказишдан келиб чиқади. Бу эса ҳуқуқий тартибга солиш предмети бўлиб ҳисобланади.

Ҳуқуқий тамойиллар дейилганда, бутун ҳуқуқий институтлар ёки тармоқлар тизимининг моҳиятини белгилаб берувчи асосий ҳуқуқий вазиятлар тушунилади. Бундан ташқари умуммажбурий ҳуқуқий мустаҳкамланган тамойиллар, ҳуқуқнинг мазкур соҳасининг ташкил бўлиши ва ривожланишида ўзига хос йўл кўрсатувчи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимига хос бўлган умумтармоққа оид, қонуннинг устиворлиги, бирлиги, адолатлилиги ва шу каби тамойиллар, тизимнинг таркибий қисми бўлмиш солиқ ҳуқуқига ҳам хосдир. Тармоққа хос бўлган тамойилларга қаралганда эса уларнинг баъзилари белгиланган солиқ қонунлари меъёрларида тўғридан – тўғри акс этган, баъзилари эса бир қанча меъёрларнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда ташкил бўлади. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг ташкил бўлишида, солиққа тортишнинг тамойиллари назардан четда қолган.

Ҳозирги пайтда солиқ ҳуқуқининг қуйидаги тамойилларини санаб ўтишимиз мумкин:

1. Солиқ юкининг тенглиги тамойили.
2. Солиқларнинг фақат қонунан жорий этилиши.
3. Солиқ қонунларининг солиққа оид бўлмаган қонунлардан устиворлиги.
4. Барча солиқ элементларининг солиқ қонунчилигида акс этиши.
5. Солиқ қонунларининг тадқиқотида манфаатлар уйғунлиги тамойиллари.

Л. Миронованинг фикрига кўра солиққа тортиш жараёнида юзага келадиган муносабатлар солиқ ҳуқуқининг предмети ҳисобланади. Аммо бу қараш солиққа оид муносабатларининг барчасини ўз ичига олмайди.

И. Денисовнинг эса солиқ ҳуқуқининг предметини жуда кенгайтириб юборган. Унга кўра «турли даражадаги бюджетларга ва эквиваленти бўлмаган пул тўловларига мажбурий, ҳусусий эквиваленти бўлмаган пул тўловларининг жорий этилиши ва ундирилиши билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар».

Е. Покачалованинг фикрига кўра эса «солиқнинг предмети юридик ва жисмоний шахслардан бюджет тизимига ва баъзи ҳолларда бюджетдан ташқари мақсадли фондларга солиқларни белгилаш ва ундириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар».

Солиққа тортиш ўзининг мазмун ва шаклига кўра жуда мураккаб ҳамда кўп тармоқли эканлигидан солиқ ҳуқуқининг предметини топиш муаммоси бир қанча назарияларни кўриб чиқиш билан ҳам, ҳал бўлди дейиш қийин[1].

Солиқ соҳасидаги ҳамда шу билан бирга солиқ - ҳуқуқий тартибга солиш предметига кирувчи ижтимоий муносабатларни таснифламоқчи бўлсак улар қуйидагилар ҳисобланади:

-биринчи гуруҳ - марказий ва маҳаллий даражадаги ҳокимиятларга солиқ ва тўловларни белгилаш билан боғлиқ муносабатлар;

-иккинчи гуруҳ - марказий ва маҳаллий даражадаги ҳокимиятларга солиқ ва тўловларни жорий этиш билан боғлиқ муносабатлар;

-учинчи гуруҳ - солиқ ишлаб чиқариш жараёнида, яъни солиқнинг маълум бир турини ҳисоблаш ва тўлашда юзага келадиган солиқни ундириш билан боғлиқ муносабатлар.

Солиқнинг назорати ҳам ушбу гуруҳга киради.

Давлатнинг солиқ сиёсати соҳасидаги миллий солиқ тизимининг ташкил этилиши ва фаолияти билан боғлиқ бўлган халқаро солиққа тортиш билан боғлиқ масалалар ва бошқа шу каби муносабатлар юқоридаги гуруҳларнинг

---

[1]И.А.Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» Т.: «Ўзбекистон» 1995 йил 266 бет. 9-13 ва 21-79 бетлар.

тегишлисига кириш характерига эга. Юқоридагилардан ҳулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, давлат билан солиқ тўловчилар ўртасидаги солиқни белгилаш, жорий этиш ҳамда ундириш билан боғлиқ муносабатлар солиқ ҳуқуқининг предметини ташкил этади. солиқ муносабатларининг ўзига хос хусусиятларидан бири мулкий характерда эканлигидандир. Солиқ мажбуриятини бажариш давлат ихтиёрига белгиланган пул маблағларини ўтказишни билдиради.

## Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Солиқ тушунчасини ифода этувчи унсурлар таркиби нималардан иборат?
2. Давлатнинг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжини солиқлар орқали қондирилишини тавсифланг?
3. Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар таркибидаги солиқларнинг ўрнини кўрсатинг?
3. Солиқ ҳуқуқи ҳақидаги қарашларни ифодалаб беринг?

## Таянч сўз ва иборалар

Солиқ тушунчаси,
ижтимоий-иқтисодий муҳит,
ижтимоий муносабатлар,
солиқ муносабатлари,
солиқ муносабатлари субъектлари,
солиқ ҳуқуқи тушунчаси.

## 2-мавзу: Солиқ субъектлари ва бошқа ташкилий унсурларнинг солиқ ҳуқуқий муносабатларидаги ўрни

**Режа:**

1. Солиқ ҳуқуқий муносабатларининг солиқ муносабатлари назарияси билан боғлиқлиги
2. Солиқ субъектлари солиқ муносабатларида ҳуқуқий унсур сифатида
3. Солиқ муносабатларининг бошқа ташкилий унсурлари

### 1. Солиқ ҳуқуқий муносабатларининг солиқ муносабатлари назарияси билан боғлиқлиги

Давлатлар ўзларига юкланган вазифаларни бажаришлари учун молиявий манбаларга ёки маълум маблағларга эҳтиёж сезадилар. Фуқароларнинг жамият фаолиятида жисман ёки ўз мол-мулклари билан қатнашиши, харбий хизматни ўташлари кўринишида амалга оширилади. Бундан ташқари, давлат томонидан мол ва хизматлар ишлаб чиқиши (кўрсатилиши) учун маҳсулот керак бўлган омилларга эга бўлишида, имкониятларида мавжуд ҳисобланган даромад манбаларининг қайсиларига ва қай тарзда мурожаат қилишларига боғлиқ. Бу манбаларга солиқлар, пул чиқариш, ички ва ташқи қарзлар, давлатаро ёрдамлар кабилар киради.

Ҳозирги пайтда давлатлар учун энг муҳим даромад манбалари солиқлар бўлиб ҳисобланади. Масалан: давлат бюджети даромадларида солиқларнинг салмоғи АҚШда 90%, Германияда 80%, Японияда 75%, Россияда 93,5 % ва Ўзбекистонда %ни ташкил этган.

Ижтимоий харажатларни солиқлар ёрдамида молиялаштириш давлатчилик тизимининг юзага келиши билан пайдо бўлган дейилади. Шу маънода солиққа тортиш тарихини шартли равишда қуйидагича тўрт босқичга бўлиб қараб чиқамиз.

Солиққа тортишнинг **биринчи босқичи** солиқ муносабатларининг тартибсиз ривожланганлиги ва тасодифийлиги каби ўзига хос хусусиятларга эга бўлган. Йиғимлар асосан натура шаклида бўлиши билан бирга, тартибсиз кўринишда бўлган. Товар – пул муносабатларининг ривожлана бориши натижасида солиқлар ҳам аста-секин пул шаклида ундирила бошлаган. XV асрга келиб молиявий билимлар асоси юзага кела бошлади. XVI асрга келиб давлатнинг молиявий манбаларга эҳтиёжлари ортиб кетганлигидан, турли божлар, тўловлар ва солиқларни жорий этишларига тўғри келди. XVII аср охирига келиб солиқлар давлат даромадларининг асосий манбаи бўлиб қолди.

Тўғри ва эгри солиқларни ўз ичига олган солиққа тортиш тизимлари пайдо бўлиши билан **иккинчи босқич** бошланди.

**Иккинчи босқичда** молия илми ривожига инглиз ва немис олимлари сезиларли ҳисса қўшилди. (Т.Гоббс, Д.Локк, Л.Фон Секендорф ва ҳакозо) Француз олими Ф. Кенс биринчилардан бўлиб халқ хўжалиги жараёни билан солиққа тортишнинг узвий боғлиқлигини кўрсатиб берди. Солиққа тортиш назариясининг асосчиси – шотланд иқтисодчиси ва молиячиси А. Смитнинг 1776-йилда чиққан, Халқ бойлиги сабаблари ва табиатининг тадқиқоти бир қанча давлатлар молиявий хўжалик фаолиятларини юритишларига кучли таъсир кўрсатди.

XIX асрда молия илми немис олимлари: К.Рау, Ж.Сисмонди, А.Вагнер ва Э.Селигмонларнинг қилган ишлари ёрдамида анча такомиллашди. Солиққа тортиш тизимининг ривожланишидаги **учинчи босқич,** унинг табиати билан боғлиқ илмий-назарий изланишларнинг бошланиши бўлди. Биринчи жаҳон урушидан сўнг илмий асосланган ҳолда солиқ ислоҳотлари ўтказилди ҳамда шу даврда замонавий солиқ тизимига асос солинди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин молиядан, давлат иқтисодиётини тартибга солиш воситасидек янги сифатда, фойдалана бошланди.

Ҳозирги даврни ҳам ўз ичига олувчи тўртинчи босқичда, солиққа тортишнинг барча томонларини қамраб олган илмий-тадқиқотларнинг янада чуқурроқ олиб борилиши билан ўзига хослик кашф этади. 1980 йилларнинг

ўрталарида А.Лаффернинг бюджет концепцияси кўпроқ эътироф этила бошланди, унга кўра солиқ тушумлари иккита омилнинг маҳсули ҳисобланади, улар: солиқ ставкаси ва солиқ базаси деб белгиланган. Саноати ривожланган ва бозор иқтисодиёти такомиллашган давлатлар, тўғри ва эгри солиқлар тизимини такомиллаштирувчи, ҳамда иш фаоллигини рағбатлантирувчи солиқ ислоҳотларини олиб боришди. XX асрнинг 90 йиллари бошларида мустақил Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг ташкил бўлиш ва шаклланиш даври бўлди.* Бу даврда солиқлар эскидан мавжуд бўлган корхоналар даромадини режали тақсимлаш ўрнига жорий этилди, ҳамда давлат ижтимоий жараёнларнинг ривожланшига солиқлар воситасида таъсир эта бошлади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки бугунги кунгача ҳар жиҳатдан мукаммал бўлиб ҳисобланадиган солиқ тизимининг ўзи мавжуд эмас.

Барча мамлакатларда солиққа тортишнинг самарали ва адолатли услубиятини қидириб топиш мақсадида солиқ сиёсатининг илмий назарий асослари устида ишлар олиб борилмоқда. Бу мақсадга хизмат қилувчи воситалардан бири бўлиб эса солиқ назарияларини билиш ҳисобланади.

Солиқ назарияси бу – солиқларнинг моҳияти ва табиати, уларнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақидаги илмий қарашлар тизимидир.

Солиққа тортишнинг барча жиҳатларига умумлаштирилган ҳолда ёндашган қарашлар (умумий солиқ назариялари), ҳамда солиққа тортишнинг алоҳида олинган масалаларини тадқиқ этган қарашлар (хусусий солиқ назариялари) мавжуд.

Умумий солиқ назариячлари солиққа тортишнинг мавжудлигини бир бутун ҳолда қарайди.

Қуйидаги (N) таблицада умумий солиқ назариялари тўғрисидаги қарашлар, ўрта асрлардан бошлаб то ҳозирги кунгача тартиб билан жойлаштирилган.

| Умумий солиқ назариялари | | |
|---|---|---|
| **Номланиши** | **Вақт** | **Асосчилари** |
| Айрибошлаш назарияси | Ўрта асрлар | - |
| Атомистик назария | Уйғониш даври | С.Де Вобан, Монтескье, Гоббс, Вольтер, Мирабо |
| Суғурта устамаси сифатидаги солиқ назарияси | XIX асрнинг 1-ярми | Дж.Мак-Куллок, А.Тьер |
| Нафлилик назарияси | XIX асрнинг 1-ярми | Ж.Симонд де Сисмонди |
| Мумтоз назария | XVIII асрнинг 2-ярми XIX асрнинг 1-ярми | А.Смит, Д.Рикардо |
| Солиқнинг қурбонлик сифатидаги назария | XX аср охири XX аср боши | Н.Канар, Б.Мильгаузен, Д.Милл |
| Жамоа эҳтиёжлари назарияси | | |
| Назарияси | XIX аср охирги чораги XX аср боши | Э.Селигмен, Р.Стурм, Л.Штейн, А.Шеффле, Ф.Нитти |
| Кейня назарияси | XX аср 1-ярми | Дж. Кейнс |
| Монетор назария | XX аср 50-йиллари | М.Фридман |
| Таклиф иқтисоди назарияси | XX аср 80-йиллар боши | М.Бернс, Г.Стайн, А.Лоффер |

**Айрибошлаш назарияси** – солиққа тортишнинг қайтариб бериш шартига асосланганлигини билдиради яъни тартибни сақлаш каби хизматлар учун ҳақ сифтаида солиқлар тўлашади.

**Атомистик назария -** ҳам юқоридаги назариянинг бир кўринишларидан ҳисобланиб унга кўра фуқаро давлат кўрсатаётган хизматларга шартнома асосида солиқ кўринишида ҳақ тўлаган. Бу ерда солиқ жамият аъзоларининг

тинчлиги ва кўраётган хизматлари учун мажбурий тўлов сифатида намоён бўлади.

**Нафлилик назариясига** кўра солиқлар бир вақтнинг ўзида ҳам қурбонлик ва айни пайтда наф кўриш учун ҳақ ҳисобланади.

**Суғурта атамаси** сифатидаги солиқ назариясида, солиқларга қандайдир таваккалчиликлар пайтида қўлланилган тўлов сифатида қаралади.

**Мумтоз назария** тарафдорлари фикрига кўра солиқлар давлат бошқаруви харажатларини қопланиши керак деб ҳисобланган.

Ҳуқуқий давлат таълимотининг юзага келиши янги назарияларнинг яъни **«қурбонлик назариясининг»** ва **«жамоа эҳтиёжлари»** назарияларининг пайдо бўлиши олиб келди. Иккала назария ҳам солиқларнинг, жамиятнинг давлатчилик тизимидан келиб чиқадиган мажбурийлик ғоясини илгари суришган. Қурбонлик назарияси XIX асрда пайдо бўлди ва XX асрнинг илк ўн йиллигида ўзининг долзарлигини сақлаб қолди. «Жамоа эҳтиёжлари» назарияси XIX аср охири ва XX аср бошларидаги воқеликни акс эттирган бўлиб давлат харажатлари ортиши ва солиқ юкининг орттирилган пайтларини ёқлаган ҳисобланади**.**

**Кейнс назариясининг** марказий ғояси шундан иборат эдики, унга кўра солиқлар, иқтисодиётни тартибга солишнинг асосий қуроли сифатида, уни ривожлаштиришнинг ҳал қилувчи таркибий қисми деб қаралган. Бунга кўра жамғармалар, даромадларнинг пассив манбаси сифатида қаралиб, иқтисодиёт тараққиётига салбий таъсир кўрсатади, шунинг учун ҳам жамғармаларни солиқлар ёрдамида ундириб олиш керак.

Пул муомаласининг миқдорий баҳоланишига асосланган **монетар назария**га кўра солиқлар пул муаомаласига бошқа унсурлар қаторида таъсир кўрсатади ва улар ёрдамида муомаладаги ортиқча пуллар олинади ҳамда шу йўл билан иқтисодиёт ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар камаяди.

Таклиф иқтисоди назарияси охирги икки назарияга қараганда солиқларни иқтисодий ривожланиш ва тартибга солишнинг муҳим

омилларидан деб таъкидлади. Ушбу назарияга кўра солиқ босқичини қанчалик камайтирилса, тадбиркорлик ва инвестицион фаолликни оширади. Юқоридаги назария доирасида, бюджет даромадларининг солиқ ставкалари даражасига математик боғлиқлигини америкалик олим А.Лаффер аниқлаб кўрсатди. Энди хусусий солиқ назарияларини кўриб чиқсак, умумий кўринишда (N) шакл.

Хусусий солиқ назарияларни гапирганимизда энг аввало тўғри ва эгри солиқларга тортишнинг мутаносиблиги назарияси ҳақида гапириш керак бўлади.

(N) шакл

| Хусусий солиқ назариялари | | |
|---|---|---|
| **Номланиши** | **Вақти** | **Назариянинг моҳияти** |
| Тўғри ва эгри солиққа тортишнинг мутаносиблиги назарияси | Ўрта аср боши | Солиқ тизимлари тўғри солиқлар асосида ташкил бўлади, эгри солиқлар зарарли ҳисобланади |
| | Ўрта аср охири | Солиқ тизимлари эгри солиқларга асосан ташкил этилади |
| | XIX аср охири | Эгри ва тўғри солиқлар ўртасида мутаносибликни сақлаб туриш керак |
| Ягона солиқ назарияси | Ҳар хил пайтлар | Ягона солиқ бу – белгиланган солиқ объектига бирдан-бир қўйилган солиқ бўлиб ҳисобланади |
| Пропорционал ва прогрессив солиққа тортиш назарияси | Ҳар хил пайтлар | Солиқ ставкалари қатъий фоизларда делгиланади ёки солиқ тўловчи даромади ўсишига қараб ортиб боради |
| Солиқларни қайта юклаш назарияси | XVII аср ўрталари | Солиқ юкини тақсимлаш фақат айрибошлаш жараёнидагина амалга оширилиши мумкин. |

Молия илми, тўғри ва эгри солиққа тортишнинг таъсири (баланслаштирилган) мувозанатлаштирилган солиқ тизимини ташкил этишда,

қандай эканлиги ҳақида кўп изланишлар олиб борди. XIX асрнинг ўрталарида келибгина олимлар солиққа тортишнинг тўғри шакли устуворликка эга бўлиши шарти билан, иккала солиққа тортиш шаклини мутаносиб ривожлантириш керак деган хулосага келишди.

Ягона солиқ назариясининг моҳиятини, солиқлар учун фақат даромад манба қилиб олиниши керак, деган тушунча ташкил этади. Шунинг учун ҳам назарий жиҳатдан бошқа солиқ турларига қараганда оддий, самарали, мақсадга мувофиқдек кинади. Аммо бир қанча давлатлар солиққа тортиш амалиёти бу тушунчанинг ҳаётга тадбиқ этилиши мумкин эмаслигини бир неча бор исботлашган. Пропоционал солиққа тортиш назарияси солиққа ториладиган объектлар ҳажми ортиши билан солиқ таъзийқининг (босқичи) енгиллаштирилишини назарда тутади. Ушбу солиққа тортиш назариясининг тарафдорлари бўлиб аҳолининг бойроқ қисми ҳисобланади.

**Прогрессив солиққа тортиш** назарияси, солиқ тўловчининг даромадлари ёки мулкий ҳолати яхшиланиб ортиб борган сари солиқ юкини ҳам ортиб боришини таъминлаш керак деган фикр билдиришади. Камбағаллар кўзи билан қаралганда, солиқлар пропорционал эмас, прогрессив бўлиши керак.

Солиқларни қайта юклаш назарияси, солиқ юкини тақсимлашни солиққа тортиш шакллари нуқтаи назаридан адолатли олиб борилишини ва талаб ҳамда таклиф эластиклигини ҳисобга олган ҳолда ўрганади. Тадқиқотлар даромад манбалари ҳамда тўловчилар гуруҳи юзасидан олиб борилади. Ушбу назариянинг бир қанча турлари мавжуд: абсолют, оптимистик, пессимистик ва ҳакозо.

**2. Солиқ субъектлари солиқ муносабатларида ҳуқуқий унсур сифатида.**

Солиқ давлатнинг ижтимоий харажатларниқоплаш мақсадида солиққа тортиш салоҳиятига таянган ҳолда бир томонлама, шахсларнинг тушум ва мол-мулкларидан  оладиган иқтисодий қийматлари ҳисобланади.* Шу сабабли солиқ, давлат билан шахслар ўртасида бўладиган молиявий муносабатни юзага келтиради ва бу муносабатлар белгиланган қонун қоидалар ёрдамида тартибга

солинади. Солиқ муносабатлари жуда мураккаб бир тизимни ташкил этади, чунки бир қанча ўз-ўзига мустақил ҳисобланган унсурларнинг ўзаро уйғунликдаги харакати натижаидагина солиқ муносабатлари тизими ривожлана олади.

Солиқ муносабатларининг ташкилий унсурларини асосан икки гуруҳга бўлган ҳолда қараб чиқдик. Буларнинг биринчиси солиқ муносабатлари натижасида юзага келадиган икки томонлама ҳақ-ҳуқуқлар ва вазифалар ҳисобланиб, ўз таркибига; солиқ ундирувчи, солиқ тўловчи, солиқнинг мавзуси, солиқни юзага келтирувчи воқеа кабиларни олиб, солиқларнинг моддий жиҳатлари бу гуруҳни ташкил этади.

Иккинчи гуруҳга эса солиқларга шаклий жиҳатидан ёндашган ҳолда; -солиқларнинг белгиланиши ҳисобланиши, ундирилиши, солиқ низолари ва уларнинг техник жиҳатлари киритилади.

Юқорида ҳам айтиб ўтганимиздек, икки томонлама муносабатлар деганда биз, солиқ муносабатларини ташкил этувчи асосий томонлар; -солиқ ундирувчи ва солиқ тўловчиларнинг бир-бирларига бўлган муносабатларини назарда тутган эдик, ҳамда солиқнинг асосий субъектлари сифатида кўриб чиқамиз. Шу ўринда «солиқ субъектлари» сўзининг маъносини аниқлаштириб ўтишни маъқул кўрдик.

Солиқ сўзининг маъносини олдинроқ ҳам қараб чиққанмиз, шунинг учун «субъект» сўзининг маъносига эътибор берсак бу сўз лотинча «subjectum» сўзидан олинган бўлиб, қуйидаги маъноларни билдиради:

1) Ташқи дунёни (объектни) таниётган ва ўзининг амалий фаолияти билан унга таъсир кўрсатаётган инсонни;
**2)** қандайдир хусусиятларни ўзида жамлаган шахсни;
**3)** ҳуқуқий маънода ҳуқуқ ва мажбуриятлар эгасини
**4)** мантиқий эга, баҳс мунозара предмети:
**5)** граматикада эгани билдиради.

Бу таърифдан ўрин олган унсурларга қисқача тўхталиб ўтадиган бўлсак, шундай дейиш мумкин, солиқ олиш салоҳияти фақатгина давлатга оид. Баъзан

давлат ўз салоҳиятидан келиб чиқиб, қуйи поғонадаги ижтимоий ташкилотларга ҳам солиқ белгилаш ваколатини бериши мумкин. Солиқни жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқий мажбурийликка асосан тўлайдилар ва бу тўловлари эвазига давлатдан ҳеч қандай ҳақ талаб қила олмайдилар.

Хусусий иқтисод соҳасида амал қиладиган бу қоида яъни маълум миқдорда ихтиёрий тўланган ҳақ эвазига бирон-бир товар ёки хизматга эга бўлиш мумкинлиги, ижтимоий иқтисод соҳасида баъзи истисно тарзидаги ҳолатлардан ташқари пайтда амал қилмайди. Солиқ пул шаклида тўланади. Тарихда солиқнинг товар ёки хизматлар шаклида тўланганлиги ҳолатлари маълум аммо хозирда бу шаклдаги амалиётга дуч келинмайди. Юқоридагилардан сўнг солиқларнинг фарқли белгиларини чизма шаклда қуйидагича кўрсатишимиз мумкин.

| |
|---|
| 1. Мажбурийлик ⟶ Ҳар бир солиқ тўловчи шахс қонунда белгиланган солиқ ва тўловларни тўлашга мажбур |

| |
|---|
| 2. Шахсга қайтариб бермаслик ⟶ Ҳар бир солиқ тўловчи шахс тўлаган солиғи эвазига қандайдир моддийлик олмайди |

| |
|---|
| 3. Пул шаклида тўлаш ⟶ солиқларни натурал кўринишда тўлаш мумкин эмас |

| |
|---|
| 4. Фаолиятни молиявий таъминлаш ⟶ Солиқ ва бошқа тўловлар тегишли бюджетлар учун даромад манбаи |

| |
|---|
| 5. Солиқ ва тўловларни жорий белгилан қилишнинг умумий шартлари ⟶ Солиққа тортишнинг қуйидаги унсурлари -гандагина солиқлар жорий этилади: |

Мана шу санаб ўтилган маъноларидан биз учун муҳими ва солиқ субъекти дейилганда тушуниладиган учинчи маънодагиси ҳисобланади. Чунки солиқ муносабатлари тизимининг бир маромда ривожланиши амалга ошириш учун, солиқдаги ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўз зиммаларига олиб-эгалик қиладиган томонлар яъни солиқ субъектлари ўртасидаги муносабатларимкон даражасида мукаммаллашиши керак бўлади.

Субъект сўзи солиқ муносабатларида ҳуқуқий маънода киритилган. Солиқ муносабатларида қатнашувчи томнлар солиқ субъектлари бўлиб ҳисобланади.

Амалиётда кўпинча солиқ субъекти дейилганда фақатгина солиқ тўловчилар тушунилади. Аммо ҳеч қандай солиқ муносабатсиз бўлмайди. Муносабат бўлиши учун эса камида иккита томон мавжуд бўлиши керак. Демак, солиқ субъектлари бу солиқ тўловчилар (ҳуқуқий шахслар ва жисмоний шахслар) ва солиқ ундирувчилар (солиқ идоралари)дир. Қисқача қилиб буни солиқ тўловчиларнинг давлат билан муносабатлари дейишимиз ҳам мумкин. Шу муносабатларда қатнашувчилар субъектлар бўлади ва субъектлар ўртасидаги муносабатларни ўрганиш ҳамда яхшилаш солиққа тортишнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Солиқ муносабатларининг ташкилий унсурлари таркибида асосий ва муҳим ўрин тутувчи, солиқни юзага келтирувчи воқеа тушунчаси бўлиб ҳисобланади. Солиқни тўловчилар яъни давлат томонидан ваколат берилган орган, солиқни юзага келтирувчи воқеаларнинг умумий чегарасини белгилаб беради. Замонавий солиққа тортиш амалиётида бу чегарани белгилаш қуйидагича амалга ошириладики, унга кўра солиққа тортиш предмети ва солиққа тортиш объекти белгилаб олинади. Солиққа тортиш предмети бу – мавжуд бўлган буюмлар (ер, автомашина, бошқа мол-мулклар) ва номоддий бойликлар (давлат рамзлари, иқтисодий кўрсаткичлар ва ҳакозолар) ҳисобланади ҳамда уларнинг мавжудлиги билан солиқ мажбуриятлари юзага

келиши қонунлар томонидан мустаҳкамланади. Солиққа тортиш объекти-субъектнинг солиқ тўлаши кераклигини шартлайдиган ҳуқуқий фактлар (харакат, воқелик, ҳолат кабилар). Уларга товарларни реализация қилиш юзасидан амалга оширилган оборот, мулкиятга эгалик қилиш, олди-сотди муомалаларини амалга ошириш, меросхўр бўлиш, даромад олиш ва ҳакозолар киради.

### 3. Солиқ муносабатларининг бошқа ташкилий унсурлари

Солиққа тортиш объекти билан, солиққа тортиш предмети тушунчалари бир хил эмас. Бунда солиққа тортиш предмети ҳақиқатда (ҳуқуқий жиҳатдан эмас) мавжудликаломатини билдиради. Предмет ер участкаси деб олсак, унинг мавжудлиги ҳеч қандай солиқ жавобгарлиги билан боғлиқ эмас, солиқ объекти эса ерга бўлган эгалик ҳуқуқи ҳисобланади. Иккала тушунчани аниқ ажратиб кўрсатишнинг зарурати шундаки, қонун қўювчи, бир хил ва ўхшаш предметлар орасидан солиқни белгилашда аҳамиятли ҳисобланганини танлаб олади. Масалан: жисмоний шахсларнинг ялпи даромадлари сифатида нафақат пул ва моддий бойликларни олиш тушунилади, балки улар билан бирга турли хил имтиёзлар, енгилликлар ҳам солиққа тортишнинг муҳим предметлари бўлиб ҳисобланади. Шу сабабдан тушунчаларни турлича ҳамда хато талқин қилиш ёки тушуниш, солиқ тўловчилар ҳақ ҳуқуқлари камситилишича ёхуд солиқ тўлашдан қочиш учун бир қанча йўллар очилишига олиб келиши мумкин. Ўз навбатида солиққа тортиш объектини, солиқ манбасидан фарқлаш керак. Солиқ манбаи бу – солиқ тўлашда фойдаланиладиган заҳира ҳисобланади. Иккита манба мавжуд, булар солиқ тўловчининг (капитал) сармояси ва даромад.

Назарий жиҳатдан солиққа тортиш объектларини қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

-мулкий ва номулкий ҳуқуқлар;

-субъектнинг фаолияти;

-хўжалик фаолияти натижалари.

Солиққа тортиш объектлари турларини схема кўринишида қуйидагича кўришимиз мумкин.






Солиқ муносабатларининг ташкилий унсурларидан яна бири солиқ ставкаси ҳисобланади. Солиқ ставкаси деганда, солиқ объектининг ҳар бир солиқ бирлиги учун давлат томонидан белгилаб қўйилган меъёр тушунилади. Бу ставка қатъий суммаларда ёки фоизларда объектга нисбатан қўлланилади. Бозор иқтисодиёти шароитида пул инфляцияси учраб турганлигидан қатъий суммалардаги солиқ ставкаларини қўллаш анча қийинлашиб боради. Шунинг учун ҳам, солиқ ставкаларининг аксарияти фоизларда белгиланади. Солиқ

ставкалари пропорционал, прогрессив ҳамда регрессив кўринишларда бўлиши мумкин.

Солиқларнинг ҳисобланиши, ташкилий унсурларнинг кейингиси ҳисобланади. Солиқларнинг ҳисобланиши, қонунларда белгиланган солиқ объекти ва ставкаларига асосан, солиқ идоралари томонидан ҳисобланиб олиниши керак бўлган миқдорни топадиган идорий муомаладир.

Халқаро амалиётда бухгалтерия ва солиқ ҳисобларининг 2 та модели мавжуд.

Биринчиси «континентал» модель деб аталиб, унда бухгалтерия ва солиқ ҳисоби амалда бир-бирига мувофиқ келади ҳамда бухгалтерия ҳисоби барча фискал-ҳисоб вазифаларини бажаради.

Солиқ муносабатларининг ташкилий унсурларини ҳар бир давлат ўз ижтимоий, иқтисодий, тарихий, маданий ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда тузиб чиқади, бу эса ўз навбатида солиқ муносабатларининг ташкилий унсурлари амалиётга тадбиқ этиш нуқтаи назардан етарлича қайишқоқ ва мавжуд бўлган вазиятга кўра ўзгарувчанлигидан далолат беради. Аммо ташкилий унсурларнинг қонунан мустаҳкамланганлигини таъминлашда, мавжуд вазият ва ҳолат тақозо этадиган бирон-бир унсур назардан четда қолган ёки қоладиган бўлса, солиқ муносабатларининг кўзланган мақсад йўлида ривожланмасдан қолишга олиб келади.

Солиқ субъектлари ҳисобланган, солиқ тўловчилар ва солиқ ундирувчилар ҳам, ташкилий унсурларнинг таркибидан жой олишлари билан бирга, ташкилий унсурларнинг таркиби, ҳолати, харакат доираси кабиларга таъсир этиб ўзгартира олиш хусусиятга эгалигидан, солиқ муносабатларининг белгиланган йўналишда ривожланиб такомиллашувига хизмат қилади.

Солиқларнинг қайси ҳолатларида юзага келиши, кимларнинг солиқ тўловчи бўлиб ҳисобланиши, миқдори ва қай тарзда ҳисобланиб олиниши каби мавзулар, хозирги пайтда ривожланган давлатларда, бир томондан давлат раҳномолигига боғлиқ кишиларнинг ва иккинчи томондан солиқ идораларининг фолият асосларини белгилаб берувчи ҳамда амал қилиниши

мажбурий ҳисобланган қонунлар ёрдамида тартибга солинади. Солиқлар фақат қонунга асосан жорий қилинади ёки бекор қилинади, шунинг учун ҳам солиқларнинг ҳуқуқий асоси қонун ҳисобланади. Замонамиз давлатларида, энди тарихда бўлгани каби давлат кучини ўз қўлида тутвчиларнинг хохиш-истакларига кўра солиқ белгиланмайди. Солиқларнинг ҳуқуқий асосларга мустаҳкамланганлиги, бошқача қилиб айтганда қонунга асосан олиниши, ҳуқуқий давлат тушунчасининг оқибати ҳисобланади. Ҳуқуқий давлат молиявий, иқтисодий ва сиёсий функциялари мавжудлигини ифодалашади. Қандай гуруҳлаштириш функциялари моҳиятан бир хил ҳисобланади. Биз солиқларнинг функцияларини ташкилий унсурлар нуқтаи назаридан молиявий, иқтисодий ва ижтимоий шаклларда қараб чиқишга харакат қиламиз.

1) Молиявий функция.

Молиявий функция, солиқларнинг анъанавий функцияси ҳисобланади. Унга кўра солиқлар ижтимоий харажатларни молиялаштириш учун олинади. Ҳозирда ҳам функцияси ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ижтимоий харажатлар ортган сари солиқлар ҳам ортиши керак, акс ҳолда ижтимоий харажатларни камайтиришга тўғри келади. Ижтимоий харажатларнинг камайтирилиши эса жамиятнинг шаклланган иқтисодий ва ижтимоий ҳолатида осон бир иш эмас. Бу функция бетараф давлат тушунчасининг самараси сифатида юзага келган.

2) Иқтисодий функция

Солиқ, давлат тушунчаси натижасида юзага келган ривожланиш оқибати, давлатнинг бетарафликдан курашувчан давлат ҳолатига ўтганлиги сабабли, янги функциялар билан тўлдирилди. Иқтисодий функция ҳам мана шулардан бири бўлиб ҳисобланади. Унга асосан, солиқлар белгиланган иқтисодиймақсадларга эришилишида таъсирчан бир рол ўйнаши керак. Чунки солиқлар ҳам давлатнинг иқтисодиётга қилаётган таъсирида асосий восита ҳисобланади. Мана шу йўналишда солиқ сиёсати олиб борилиши ва керакли тузатиш ҳамда ўзгартиришлар олиб борилиши зарур ҳисобланади. Шу мақсадда, солиқлардан бериладиган имтиёз ва енгилликлардан фойдаланиб баъзи қолоқ ҳудудлар молиявий таъминланиб ривожлантирилади ёки бўлмаса,

оқсаётган соҳаларнинг такомиллаштирилиши рағбатлантирилади. Тезлаштирилган амортизацияни қўллаш ва баъзи иқтисодий фаолиятлар билан шуғулланувчиларга енгилликлар берилиши ёки имтиёзларнинг жорий этилиши ҳам иқтисодий функциясининг таркибий элементи ҳисобланади. Давлат қаттиқ валютага бўлган эҳтиёжни қоплаш мақсадида мамлакатга валюта олиб келувчи соҳаларни солиқдан озод қилиш орқали ташвиқ этади.

Четдан валюта келиб тушганлиги тасдиқлангандан сўнг эга бўлинган даромадларнинг бир қисми солиқдан озод этилади. Бошқа томондан эса иш хажмлари кичик бўлган ишлаб-чиқарувчиларга солиқ имтиёзларининг берилиши, бу гуруҳнинг иш юритишларига кенгроқ имконият яратиш ва бу йўл билан иқтисодиётга қўшаётган ҳиссаларини орттириш мақсадида амалга оширилади.

3) Ижтимоий функция

Солиқдан, ижтимоий адолатнинг ўрнатилишида бир ижтимоий сиёсат унсури сифатида ҳам фойдаланилиши мумкин. Солиқларнинг ижтимоий томонига аҳамият берган илк иқтисодчи олим A. Wagner бўлиб ҳисобланади. A. Wagner, ижтимоий ҳаётда турли омилларнинг таъсирида юзага келган даромад ва мол-мулклар мутаносиблигини ва адолатсизлигини солиқ воситасида тузатиш мумкинлигини ёқлаб чиққан. Даромадларни юқори бўлганларга нисбатан юқори ставка қўллаш, даромадлари пастроқ бўлганларга нисбатан пастроқ ставка қўлланилиши ижтимоий функциянинг бир кўриниши сифатида намоён бўлади. Ҳозирда АҚШ, Англия ва Франция каби ривожланган ғарб мамлакатларида паст даромадга эга бўлган шахсларга, минимум даромадни ҳар бир шахсга кафолатлаш мақсадида «негатив даромад солиғи»дан фойдаланишни амалга оширишмоқда. «Негатив даромад солиғи»да маълум миқдордаги даромадга эга бўлмаган кишиларни солиққа тортмаслик билан бирга, уларга хукумат томонидан пул тўланишини ёқлаб чиқишади.

Солиқнинг ижтимоий функцияси, даромад ва мол-мулкдагитенгсизликларни мувозанатлаштириши билан бирга наркотик ва спиртли истеъмол қилишни чегаралаш, аҳоли ўсиши, атроф-муҳитдан

фойдаланишни яхшилаш каби бир қанча мақсадларда амалга оширилади. Ҳақиқатда ҳам атроф-муҳитни сақлаш муаммоси билан солиқларни ушбу мавзу билан уйғунлаштирган ҳолда жорий этиш, долзарб муаммо ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда давлат зиммасидаги мажбурият ва вазифаларнинг чегараси ортиб бориши натижасида, молиявий манбалардан аҳамиятлиси ҳисобланган солиқларнинг ялпи миллий маҳсулотга нисбатан салмоғи ортиб бормоқда. Бунинг натижасида солиқларнинг, шахслар ўртасидаги муносабатга, иқтисодиётнинг таклиф унинг ишлашига, бўлган таъсири сезиларли даражада ортган. Солиққа тортиш тамойиллари дейилганда, солиқ тизимига, халқ томонидан қабул қилинган иқтисодий ва ижтимоий шакл ва йўналиш бериш учун фойдаланиладиган омиллар тушунилади. Замонавий давлатчилик сиёсатларида бир қатор мақсадлари олға сурилиши кўзда тутиладиган бўлган билан, улар орасида 2 таси энг муҳим ҳисобланади. Булар солиқ оғирлигининг тақсимланишида адолат ва киши бошига тўғри келадиган реал даромаднинг энг юқори савияга чиқарилиши. Шу мақсадларнинг биринчисида, яъни солиқ оғирлигнинг тақсимланишида адолатнинг қарор топтирилишида солиқ тизимининг барқрор ишлашини таъминлаши билан бир қаторда, солиққа тортишнинг бошқа тамойилларини аниқ йўналитиришга хизмат қилади.

Солиқ оғирлигини тақсимлашни адолатли амалга ошириш масаласини кўриб чиқиш учун, солиқларнинг фойдаланиш тамойилига асосанми, йўқса тўлов қуввати тамойилига асосан белгиланганлигини аниқлаб олиш зарур.

Солиқ оғирлиги «фойдаланиш» тамойилига асосланган ҳолда тақсимланадиган бўлса, шахсларга солиқ белгилаш, давлатнинг мол ва хизматларидан фойдаланиш даражасига қараб амалга оширилади. Бу тамойилга асосан давлат кўрсатаётган хизматлардан ким қанча фойдаланаётган бўлса ўша миқдорда солиқ тўлайди. Солиқ оғирлигини фойдаланиш тамойилига кўра амалга ошириш кераклигини ёқлабчиқарувчилар, хусусий секторда амалда бўлган юқоидани давлат секторига ҳам кўчирмоқчи бўлишади.

Бу қоиданинг моҳияти шуки. Бозордан бирор-бир мол сотиб олган одам, унинг қаршилигида бир ҳақ тўлайди. Ўша киши сотиб олган молнинг ҳақини

бошқаси тўлаши бозор иқтисодиёти қоидаларига тўғри келмайди. Солиққа тортишнинг «фойдаланиш» тамойилига кўра белгиланиши, қуйида батафсил сўз юритадиганимиз ва ҳозирда солиқ оғирлигини тақсимлашда ягона омил ҳисобланган тўлов қуввати тамойилининг, шахсларнинг инвестицион фаоллигини, ишлаш иштиёқига салбий таъсир этиши натижасида иқтисодий ўсишга халақит бераётгани учун ҳам ўз тарафдорларига эгадир.

## Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Ижтимоий ҳаётда солиқ муносабатларининг ўрнини қандай белгиларга кўра аниқланади?
2. Солиқ субъектларини маъноси нима?
3. Солиқ назариялари билан солиқ ҳуқуқий муносабатининг боғлиқлиги нимада?

## Таянч сўз ва иборалар

-солиқ ҳуқуқий муносабатлари

-солиқ субъектлари

-ҳуқуқий ташкилий унсурлар

-солиқ назариялари

## Фойдаланилган адабиётлар:

Асосий адабиётлар:2,3,6,8,11,13.

Қўшимча адабиётлар: 18,19,22,23.

## 3-Мавзу: Солиқлар ва солиқ қонунчилигининг шаклланиш босқичлари.

**Режа:**

1. Солиқ қонунчилигининг ривожланиш босқичлари.
2. Охирги йиллардаги солиқ қонунчилигида таркибий ўзгаришлар.
3. Маълумотларга ишлов беришнинг ягона комьпютер тизимини жорий қилишнинг солиқ қонунчилигидаги ўрни.

### 1. Солиқ қонунчилигининг ривожланиш босқичлари.

Мустақиллик йилларидаги солиқ сиёсати ва қонунчилигини шаклланишини тўрт босқичга бўлиб таҳлил қилиш мумкин.

Биринчи босқич (1991-1994) йилларини ўз ичига олиб, бунда Республика солиқ органлари ишлаб чиқаришнинг пасайиши шароитида солиққа тортиладиаган базани камайтириб бориб, асосий эътиборни давлат бюджетини маблағ билан тўлдириш яъни солиқларни хазинавий функциясини бажарди.

Солиқ қонунчилигимизни биринчи босқичда Республика солиқ тизимининг Солиқларнинг кўплиги, билан солиқ ставкаларининг юқорилиги шунингдек корхона ва ташкилотлар даромадининг 45% бюджетга олиниши билан характерланади.

Бундан ташқари Солиқ қонунларимиз корхона ва ташкилотларни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришини жихозланишини чегаралаб қўйган, солиқ қонунчилигидаги имтиёзлар ҳам бу муносабатга ўз таъсирини кўрсатмаганлиги яққол намоён бўлади.

Ишлаб чиқаришнинг пасайиб бориши, солиқларнинг хазина функциясининг кучайиб кетиши натижаси ҳамда "ёввойи" бозор иқтисодининг талабига кўра солиқ қонунчилигимиз олдига солиқ юкини камайтиришни обеъктив зарурат қилиб қўйди ва солиқларнинг ишлаб чиқаришни рағбатлантириш функциясини янада ошириш шунингдек солиқлар

структурасини такомиллаштиришга оид солиқ қонунлари, йўриқномаларини, кўрсатмаларни ишлаб чиқишга олиб келди.

Республикада Солиқ қонунчилигининг шаклланишининг иккинчи босқичи 1995-1996 йилларни ўз ичига олади. Иккинчи босқичда обеъктив зарур бўлган вазифаларни хал этиш амалга оширилди ва булар қўйдагилардир.

- Солиқлар тўғрисидаги кўпчилик қонунлар ва қонун ости норматив ҳужжатларга ўзгартирилишлар киритилиб, солиқларнинг кўпчилиги қисқартирилди.
- Ер ости бойликлари солиғи фондларни минерал хом - ашё базасини кенгайтириш учун мажбурий тўлов билан бирлаштирилди.
- Транспорт солиғи билан мулк солиғи бирлаштирилди.
- Қимматли коғозлар билан операция учун солиқ бекор қилинди.
- Кичиқ корхоналар учун ялпи даромаддан 30 % ли ягона солиқ ўрнатилди.
- Ресурс ва хом - ашё учун тўлов 6 % ли бекор қилинди.
- 20% ли амортизация ажратмасидан бюджетга тўлов бекор қилинди.
- Ўрмончилик даромадидан солиқ бекор қилинди.
- фуқаролардан олинадиган даромад солиғи шкаласи ўзгартирилди ва прогрессив шкала киритилди.
- Экология солиғи 1 % ўрнатилди.
- Даромад солиғидан солиқ юки сиғимини ресурслар ва мулк солиғига ўтказилди.
- Ресурс тўловлар 1,5 баробарга оширилди.
- Сув учун тўловни олдинги солиқ қонунчилигимизга асосан фақатгина саноат корхоналари ва электростанциялар тўлаган бўлса, эндиликда барча халқ хўжалик тармоқлари тўлаш лозим қилиб қўйилди.
- Республикада товар - ишлаб чиқарувчиларни манфаатини химоя қилиш мақсадида республикадан ташқаридан келтирилган спиртли ичимликлар, тамаки махсулотлар, автомабиллар учун акциз солиғи

ўрнатилди ва акциз маркалари жорий қилинди.

Солиққа тортиладиган базани аниқлаш ва солиқ ставкалари такомиллаштирилди яъни "Солиққа тортиладиган базани аниқлашда, маҳсулот таннархига киритиладиган харажатлар тўғрисида"ги Низом кучга киритилди.

Халқ хўжалигининг баъзи тармоқларида даромад солиғи ўрнига фойдадан солиқ олишга ўтилди.

Фойда солиғининг дифференциялашган 33 % дан ставкаси 20 % ставка билан алмаштирилди.

Колхозчилар мехнат ҳақи фондидан ажратмалар бекор қилиниб, фуқоролардан олинадиган даромад солиғига ўтилди.

Қўшилган қийматдан олинадиган солиқнинг роли ва тартиби ўзгартирилди. Бунда ҳам дифференциялашган солиқ ставкасига ўтилди ва 18 % дан -20 % ли солиқ ставкаларига ўтилди.

- Солиқ имтиёзларига ўзгартирилиш киритилиб, қишлоқ хўжалиги корхоналарига нефть ва минерал ўғитлар учун солиқ тўлашдан озод этилди.

Четга маҳсулот чиқарувчи корхоналарни шу маҳсулот ишлаб чиқариши учун сарфланган материал ресурслар харажати суммаси ҚҚС дан озод этилди.

Баъзи тармоқларни ривожлантириш учун солиқларни рағбатлантириш функциясида фойдаланилди яъни, қишлоқ хўжалик учун халқ истъемол моллари ишлаб чиқариш учун, болалар кийим - кечаги ишлаб-чиқариш учун, қўшма корхоналар, чет эл инвесторлари учун солиқ қонунчилигимизда ва сиёсатимизда қулай шароит яратилди.

Юқоридаги фикрларга қараб айтиш мумкинки, Республика солиқ сиёсати ва қонунчилигида ўтказилган чуқур ислохотларни барчаси давлатимиз иқтисодиётини танназулдан олиб чиқиб, нормал халқ хўжалигини яратишдек муҳим бўлган бозор иқтисодиётининг талаби эди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ қонунчилигининг шаклланишининг учинчи босқичи 1996 йил июлидан 1997 йилни 24 апрелигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу босқичда солиқ Кодексини лойиҳаси ишлаб чиқилиб ва 135

моддадан, 41 бобдан ҳамда 71 саҳифадан ифодаланган Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексини қабул қилиш билан тугади.

Солиқ қонунчилигининг тўртинчи босқичи 1998 йилни 1 январидан бошланиб хозирда ҳам солиқ кодексига асосан йўриқномалар ва кодекснинг моддаларига шарҳлар ишлаб чиқилишлар билан давомийлигини сақлаб қолмоқда.

**2. Охирги йиллардаги солиқ қонунчилигида таркибий ўзгаришлар.**

Жамият ва иқтисодиётни янада ривожлантириш стратегисининг моҳиятини,Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида қилган маърузасида таъкидлаганидек, сиёсий, иқтисодий ҳаётдаги эркинлаштириш, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш ташкил этади.

Иқтисодни эркинлаштириш йўлидан бориш шунингдек ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантриш,бозор инфратузилмасини ривожлантириш, молия ва банк тизимлари фаолиятини такомиллаштириш, ташқи иқтисодий фаолият ва валюта бозорини ташкил этишнинг бутун тизимини қайта кўриб чиқиш, корхоналар хўжалик фаолиятига давлат, турли текширувчи ва назорат қилувчи органларнинг аралашувларини чеклашни англатади.

Эркинлаштириш Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизимига ҳам муқаррар равишда таъсир кўрсатади. Мустақилликнинг тўққиз йили мобайнида яратилган тамомила янгича солиқ тизими ўзгармасдан, қотиб долган тарзда қолиши мумкин эмас. У жўшкин механизм бўлиб, ривожланиб ва ўзлуксиз такомиллашиб бормоқда. Ўзбекистонда солиқ тизимини ривожлантириш мамлакатда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар билан биргаликда амалга оширилмоқда. Солиқ сиёсати қайтадан талқин этилмоқда, бу ҳол солиқ тартибининг ўзгаришида ўз ифодасини топмоқда.

Солиқ тизимини ўзгартиришда корхона зиммасидаги солиқ юкини камайтириш асос қилиб олинмоқда. Иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида корхоналар учун белгиланган солиқларнинг юқори ставкалари маблағларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва уни техника билан қайта

жихозлашга, шунингдек оборот маблағларини тўлдиришга йўнал-тириш имконини бермаган, бу эса ишлаб чиқариш-нинг тушкунлигига олиб келган эди. Бунинг устига, солиқ юки узоқ, вақт сақланиб қолганида инфляциянинг юқори даражасини билвосита қўллаб-қувватлаб туриш хатари юзага келади. Бунинг сабаби шуки, ишлаб чиқариш тушкунликка учраганида солиқ массасини фақат корхона даромадларининг инфляцияли ўсиши натижасида кўпайтириш мумкин, бу эса молия тизимининг таназзули, ишлаб чиқаришнинг тушкунликка тушиши ва ижтимоий муаммоларнинг кескинлашишига йўл очади. Шунинг учун солиқ юкини камайтириш ишлаб чиқариш фаолиятини кучайтириш имкониятини юзага келтиради, корхонанинг молиявий ҳолатини мустахкамлайди ва инвестиция фаолиятини жонлантиради, бу ҳол бундан кейинги туб таркибий ўзгаришлар учун ишлаб чиқариш ва технологик асос бўлиб хизмат қилади.

Илгари амал қилиб келган солиқ қонунчилигига локал ўзгартишлар билан бирга Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ишлаб чиқилдики, у солиқ муносабатларини тартибга солишга ёндашувнинг мунтазам ва изчил тусда бўлишини таъминлайди, солиқ қонунчилигида салмоқли барқарорликни яратади.

Республика солиқ идораларида тўпланган иш тажрибасини акс эттириб ва жаҳон тажрибасини ўзида мужассамлаштириб, Солиқ кодекси Ўзбекистон солиқ қонунчилиги ва солиқ солиш тизимини халқаро даражага анча яқинлаштирди. У солиқ тартибини, солиқ солиш ва йиғимлар тамойилларини рўёбга чиқариш шартларини тартибга солади, солиқ солиш соҳасида давлат ҳуқуқ-тартиботи ва қонунга риоя этилишини таъминлайди.

Янгиланган қонунчиликда солиқларни белгилаш, бекор қилиш ёки ўзгартириш, солиқ солиш чоғида даромад ва харажатларни ҳисобга олиш тамойиллари акс этган, солиқ, солиш объектлари, республикадаги ва ундан ташқаридаги солиқ тўловчиларнинг имтиёз ва мажбуриятлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси давлатимиз Конституциясига мувофиқ, келади ва халқаро меъёрлар ҳамда андозаларга

жавоб беради. Бу эса хар бир соҳа ва тармоқнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда солиқ солиш тизимини шакллантириш, рағбатлантирувчилик функциясини кучайтириш, солиқлар ролини ошириш ва уларни бирхиллаштириш мақсадида солиқлар ставкаларини табақалаштириш имконини берди.

Кейинги йилларда Солиқ тушумларининг умумий суммасида бевосита Солиқлар салмоғининг 3,9% (солиқлар бўйича ставкаларни камайтириш ҳисобига) ва билвосита солиқлар ҳиссасини 0,87% га, ресурсга оид ва мулкий тўловлар ҳиссасини 2,36% га кўпайтириш тамойили кўзга ташланди, бу эса солиқ тўловчиларнинг ресурслар ва мол-мулкдан самарали фойдаланишдан манфаатдорлигини оширади. Бевосита солиқлар ҳиссасини камайтира бориб, давлат халқ хўжалиги тармоқларидаги ишлаб чиқаришни рағбатлантиради. Мазкур тамойил сақланиб қолади, зеро, 1999 йилда бевосита солиқлар ҳиссасини 4,29% камайтириш, билвосита солиқлар ҳиссасини 3,53%, ресурсга оид ва мулкий тўловлар ҳиссасини эса 1,39% га кўпайтириш мўлжалланган, яъни солиқлар ёрдамида давлат ишлаб чиқаришнинг иқтисодий шарт-шароитлари, товарлар, хизматлар сотилишини тартибга солишни амалга оширади ва бу билан халқ хўжалиги тармоқларининг иқтисодий фаолиятини амалга ошириш учун муайян «солиқ иқлими»ни яратади.

Давлат солиқ хизмати органларига келиб тушадиган ахборотнинг катта ҳажмларда бўлиши, уларга қисқа муддатларда юқори унумли ва аниқ ишлов бериш зарурлиги, ходимларнинг саъй-ҳаракатларидан бевосита солиқ хизмати органларининг асосий функционал вазифаларини хал этишда фойдаланиш компьютер технологияларини солиқ хизматлари ишининг барча жараёнларига мажбурий тарзда жорий этиш масалаларига катта эътибор беришни тақозо этади.

Шу муносабат билан давлат солиқ органлари фаолиятини ўтган йиллар ичида компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш, малакали ходимларни шакллантириш, компьютер ускуналари, дастурий маҳсулотлар билан таъминлаш соҳасида муайян иш қилинди.

**3. Маълумотларга ишлов беришнинг ягона комьпютер тизимини жорий қилишнинг солиқ қонунчилигидаги ўрни.**

Компьютерлаштиришни амалга ошириш давомида давлат Солиқ, органлари томонидан замонавий шахсий компьютерлар ва бошқа аппаратлар ҳарид қилинди.

2003 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотларига ишлов беришнинг ягона компьютер тизимини (МИЯКТ) янада ривожлантириш ва замонавийлаштириш концепцияси ишлаб чиқилди. У ДСКда солиқ ахборотига ишлов беришнинг автоматлаштирилган тизимларини ривожлантиришнинг асосий тамойиллари ва йўлларини белгилайди.

Техник тизимга оид ва дастурий қарорлар меъморий услубини ишлаб чиқиш чоғида йирик коорпоратив ахборот тизимларини барпо этишнинг энг замонавий технологияларига йўллаш қабул қилинган, бунда мазкур концепцияни доимий равишда ривожлантириш зарурлиги ҳисобга олинади, ускуналар, киши ресурслари ва капитал қўйилмаларга аввалги инвестициялар талафотисиз ахборот тизимларини кенгайтириш ва модернизациялаш имкон берадиган тузилмалаштирилган технологиялар мўлжал қилинади.

Ишлаб чиқилган концепциянинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

. барча таркибий қисмларни самарадор, мақбул жойлаштирилган ва аниқ фаолият кўрсатадиган фойдаланиш тизимига киритиш ҳамда интеграциялаш босқичида МИЯКТни бошқаришдан имкони борича катта самара олиш;

. солиқ инспекторларининг солиқлар, божлар ва бошқа давлат тўловларини йиғиш бўйича янада самаралироқ ишлаши;

. солиқлар ва солиқ тўловчилар бўйича аниқ ахборот олиниши;

. солиқ тўловчи маълумотлари сир сақланишига кафолат берилиши;

. мавжуд ахборотнинг ҳимояланиши *Солиқ* хизмати фаолиятининг турли хилларини автоматлаштириш бўйича кичиқ тизимларни барпо этиш ва фойдаланишга топширишнинг қуйидаги босқичлари белгиланган:

1. Солиқ ахбороти маълумотларига ишлов бериш ва уларни сақлаш учун

ДСИ барча учта даражаси учун ҳисоблаш, периферия, офис ускуналари билан қўшимча равишда жиҳозлаш.

2. Солиқ идораларининг хар бир бўлинмасида локал ахборот-ҳисоблаш тармоқларини (ЛОКАЛ) ўрнатиш учун зарур бўлган коммуникация ускуналари билан жиҳозлаш ва барча мунтазам ҳамда ёрдамчи дастурий таъминот билан бирга ДСИ кенг қамровли коорпоратив ахборот-ҳисоблаш тармоғини (ККАҲТ) яратиш.

3. Тақсимланган маълумотлар базалари билан ишлаш, очиқ тизимлар мафкурасини қўллаб-қувватлаш, солиқ маълумотларининг ягона ахборот маконини барпо этиш учун мижоз-сервер, мижоз-тармоқ ва интернет-технология меъморий услуби сингари энг янги ахборот технологияларини жорий этиш.

Бюджетга солиқ тўловларининг ўз вақтида ва тўлиқ, келиб тушишини таъминлаш ҳамда солиқ идораларида бугунги кун талабларига жавоб берадиган маълумотларни тезкор ишлаш ва узатиш тизимини яратиш учун замонавий телекоммуникация воситаларини жорий этишга доир иш олиб борилмоқда. Ана шу мақсадда республика Давлат солиқ қўмитасида барча бўлинмаларда бундан буён локал ахборот-ҳисоблаш тормоқларини барпо этиш кўзда тутилган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Давлат солиқ қўмитасининг кенг қамровли ахборот тармоғини яратиш тўғрисида»ги қарорига (1997 йил 31 декабрь, 580-сон) мувофиқ, йўлдош алоқа тизими негизида кенг қамровли ахборот тармоғини яратишга доир иш олиб борилмоқда, бу эса барча солиқ идоралари ўртасида узлуксиз электрон алоқани таъминлаш имконини беради.

Давлат солиқ хизмати идораларининг яқин йиллар учун асосий вазифаси хар бир киши ўз жойида ўзига юкланган вазифаларни ўз вақтида ва виждонан бажарилиши бўйича имкони борича барча ишларни қилиши учун саводли, фикрлайдиган ташаббускор ва масъулиятни хис этадиган ходимлар билан шакллантриш ҳисобланади.

Шу муносабат билан ДСҚ, раҳбарияти томонидан 2001 йилга қадар

кадрлар билан ишлаш дастури ишлаб чиқилди, кадрларни тайёрлаш (ўқитиш) ахволи қайта кўрилди, солиқ идораларининг кадрлар таркиби билан ишлаш бўйича комплекс тадбирлари тасдиқланди. Ушбу дастурга мувофиқ қуйидаги тадбирлар мўлжалланган кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишни фақат контракт асосида, умумий жавобгарлик-кафилликни жорий қилиш орқали хар бир даъвогарни шахсан ўрганиш йўли билан амалга ошириш;

. масъулият сезишни ошириш, интизомни мустахкамлаш, нохуш кўринишларнинг олдини олиш, қонунчиликка риоя этилишига доир талабчанликни кучайтириш, ғаразли ҳаракатларга муросасиз муносабатда бўлиш, таъсирчан резервни шакллантириш бобида ташкилий-кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш;

. ДСҚ, минтақаларнинг ДСББ, ДСБ номенклатурасига кирадиган кадрлар резервини янгилашга доир ишни давом эттириш, 2001 йилда Солиқ коллежи курсантларининг биринчи чиқарилиши (200 киши) солиқ идораларида ўз вазифаларини бажаришга киришишларини ҳисобга олиб, янги барпо этилган Солиқ коллежида курсантларни ўқитишга алоҳида эътибор ажратилган.

## Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Солиқ қонунчилигининг шаклланишида ижтимоий муҳитнинг таъсири.
2. Солиқ қонунчилигининг даврий бўлинишини санаб кўрсатинг.
3. Кадрлар резервининг солиқ қонунчилигидаги таъсири нимада кўринади.
4. Солиқ қонунчилигини такомиллаштириш йўналишларига шарҳ беринг.

## Таянч иборалар

солиқ қонунчилигининг шаклланиши,

қонунчилик тизими, МИЯКТ,

профессионал кадрлар таркиби,

солиқ идораларининг минтақавий бўлинмалари,

кадрлар резерви

**Фойдаланилган адабиётлар:**

Асосий адабиётлар:2,3,6,8,11,13.

Қўшимча адабиётлар: 18,19,22,23.

**4-Мавзу: Солиқ ҳуқуқий муносабатларининг асоси, келиб чиқиши ва таркиби.**

**Режа:**

1. Солиқ тўғрисидаги қонун элементларининг ҳуқуқий аҳамияти ва тушунчалари.
2. Солиққа тортиш субъекти, объекти ва предмети.
3. Давлат солиқ юрисдикцияси предмети.

**1. Солиқ тўғрисидаги қонун элементларининг ҳуқуқий аҳамияти ва тушунчалари.**

Солиқ ҳуқуқининг ҳуқуқ тизимидаги табиатини аниқловчи меъзонлардан бири ҳуқуқий тартибга солиш методидир, яъни бу дегани ижтимоий муносабатларга ҳуқуқнинг таъсир этувчи усул ва турларининг йиғиндисидир.

Ҳуқуқий тартибга солиш методларининг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга ва уларни умумлаштирган вақтдагина ҳуқуқий тартибга солишнинг мақсад ва вазифалари амалга ошади.

Солиқ ҳуқуқий тартибга солинадиган муносабатлар тизимини таҳлил қиладиган бўлсак шундай хулосага келишимиз мумкин. Солиқ муносабатларини тартибга солиш методининг ўзига хос томони шундаки, унда томонлардан бири давлат ҳокимияти томонидан иш кўради.

Ушбу метод ҳокимий бўйсиниш асосига қурилган ва ҳуқуқнинг бошқа томонларига ҳам хосдир, аммо бу ерда солиқ муносабатларидан келиб чиқадиган хусусиятлари мавжуддир.

Солиқлар корхона, бирлашма ва ташкилотлар ҳамда аҳолининг ҳар хил гуруҳларга даромадларини қайта тақсимлашнинг иқтисодий воситасидир. Солиқлар орқали давлат бозор инфраструктурасини ривожланиб, хилма-хил мулк шаклдаги корхона ва ташкилотлар яратилса, солиқлардан бюджетга тушумлар кўп бўлади ва давлатнинг ўз функцияларининг бажаришга кенг имконият яратади.

Солиқдан комплекс фойдаланиш халқ хўжалиги структурасини қайта қуришга, хўжаликлар ва алоҳида товар сотиб олиш қобилиятини бошқариб туришга ва инфляция жараёнини жиловлаб туришга имкон беради.

Солиқ тўловчининг даромадлари, муайян товарлар, мол-мулк қиймати, қимматли қоғозларга доир операциялар, табиий ресурслардан фойдаланиш ва ҳақозолар, яъни пул мулкий шаклларда мавжуд бўлган моддий неъматлар солиқ ҳуқуқий муносабатларнинг объекти ҳисобланади.

Энди «солиқ тизимини ҳуқуқий тартибга солиш» тушунчасининг ўзини кўриб чиқамиз.

Солиқ тизимини ҳуқуқий тартибга солиш – солиқ муносабатларини тартибга солишни шундай шаклидирки, унинг воситасида улар иштирокчиларининг хатти-ҳаракатлари, яъни солиқ ҳуқуқий соҳадаги қонун меъёрларини кўзда тутилган талабларига мажбурий талаблари ва ҳуқуққа йўл қўйишлари кўринишида намоён бўладиган давлат идораси ўз ифодасини топадиган ўз ҳуқуқи ва мажбуриятларининг солиқ ҳуқуқи субъектлари томонидан бажарилишига мувофиқлаштирди. Солиқ муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш ўз ичига ҳуқуқ меъёрлари, ҳуқуқий муносабатлар, юридик маъсулият, ҳуқуқий онг ва бошқа шу каби таркибий унсурларни олади.

Солиқ ҳуқуқи субъектлари давлат идорасининг талаблари ва йўл қўйишларига муносабат билдиради, яъни уларнинг ижобий муносабати белгиланган ҳуқуқ-тартиботга мувофиқ келадиган ҳуқуқий хатти-ҳаракатларни ҳосил этади. Салбий муносабат эса ҳуқуқига зид бўлган хатти-ҳаракатни, яъни ҳуқуқбузарликларни ҳосил этади. 1992 йил 8 декабрда, уни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конститутциясининг 51-моддаси солиқ қонунчилиги учун юридик база бўлиб ҳисобланиб, унда шундай дейилган: «фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурлар»; унинг 123-моддасида бундай деб таъкидланади: «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилади».

Республикамизда солиқ тизимини ҳуқуқий тартибга солишда тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари бобида бир томондан солиқ тўловчи ва иккинчи томондан солиқ идоралари ўзаро муносабатлари тизимига алоҳида эътибор берилган. Зеро солиқ муносабатларининг у ёки бу иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчларини эълон қилиш ҳамда ёзиб қўйишнинг ўзи етарли эмас, балки барча муносабатлар кафолатланиши, бурчларини бажариш эса ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш билан таъминланиши ҳам зарурдир.

Солиқ муносабатларининг ҳар бир иштирокчиси ўз бурчларига нималар киришини ва у ёки бу ҳаракатларни қилганда қандай ҳуқуқларга эга бўлишини, муайян ҳолатларда киритилган ва ишлай бошлайдиган воситалар ҳамда русм-қоидалар қандайлигини билиш солиқ тўловчи ўз бурчини бажармаган ёки ноҳалол бажарганда солиқ идоралари у ёки бу санкцияларни, яъни таъсир кўрсатишнинг муайян усулларини , мисол учун банк ҳисобварақлари бўйича ҳисоб – китоб операцияларини тўхтатиб қўйиш маблағларни тўловчининг ҳисоб варақларидан сўзсиз ҳисобдан чиқариш ва бошқа усулларни қўллаши мумкин бўлган ҳолларда жуда муҳимдир

Солиқ тизими муваффақиятли ишлаши учун солиқ қонунчилиги-нинг аниқ тартибини ишлаб чиқиш ҳамда белгилаш зарур. Унинг ҳужжат ва меъёрлари солиқни тартибга солишнинг барча зарур унсурларини ўз ичига олиши керак. Бунда бош омиллар – солиқ ҳуқуқий муносабатлари муайян соҳасининг тўлиқ юридик бошқарилиши ва солиқ амалларининг батафсил тартибга солиниши ҳамда улар мазмунини таъминлашдир.

## 2. Солиққа тортиш субъекти, объекти ва предмети.

Солиқ муносабатларида қатнашувчи томонлар солиқ субъектлари бўлиб ҳисобланади. Амалиётда кўпинча солиқ субъекти деганда солиқ тўловчиларнинг ўзи тушунилади. Аммо ҳеч қандай солиқ муносабатисиз бўлмайди. Муносабат бўлиш учун эса камида икки томон бўлади. Демак, солиқ субъектлари бу солиқ тўловчилар ва солиқ ундирувчилардир ёки солиқ тўловчилар билан давлат ўртасида муносабат бўлади. Шу муносабатда

қатнашувчилар субъектлар бўлади ва субъектлар ўртасидаги муносабатларни ўрганиш ва яхшилаш солиққа тортишнинг муҳим вазифаларидан биридир.

ҳокимиятга эга бўлган солиқ идоралари ва солиқ тўловчининг муносабатлар субъектларидир.

Солиқ тўловчилар – зиммасига солиқлар, йиғимлар ва божлар тўлаш мажбурияти юклатилган юридик ва жисмоний шахслардир.

Ўз мулкига, хўжалик юритишида ёки оператив бошқаришида алоҳида имтиёз ва хусусиятларга эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва (Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 39-моддаси). юридик шахс мустақил баланс ёки сметага эга бўлиши керак.

Фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган (тижоратчи ташкилот) ёки ана шундай мақсади бўлмаган ташкилот (тижоратчи бўлмаган ташкилот) юридик шахс бўлиши мумкин. (Ўзбекистон Республикаси ФК 40-моддасига кўра).

Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс хўжалик ширкати ва жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ва қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда тузилиши мумкин. Тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахс жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд ва муассаса мулкдори молиявий таъминланадиган муассаса шаклида, шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда ташкил этилиши мумкин.

Тижоратчи бўлмаган ташкилот ўз уставида белгиланган мақсадларида мос миқиёсда тадбиркорлик фаолияти билан шуғунлланиши мумкин. Юридик шахслар уюшмалари (иттифоқлар)га бирлашиши мумкин. Юридик шахс Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, корхона устави ва бошқа таъсис ҳужжатлари асосида иш олиб боради.

Юридик шахслар ўзининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолияти мақсадларига мувофиқ фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади. Юридик шахс

ҳуқуқ лаёқати ташкил этилган пайтда юзага келади (Ўзбекистон Республикаси ФК 44-моддасининг 4-қисми) ва уни тугатиш якунланган пайтда тўхтатилади (Ўзбекистон Республикаси ФК 55-моддаси 3- қисми). Юридик шахснинг махсус ҳуқуқ лаёқати унинг устави ёки қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Юридик шахс қонунда рўйхати белгилаб қўйилган айрим фаолият турлари билан фақат махсус рухсатнома (лицензия) асосидагина шуғулланиш мумкин.

Юридик шахснинг ҳуқуқлари фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина чекланиши мумкин. Юридик шахснинг ҳуқуқларини чеклаш ҳақидаги устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Юридик шахс мулкдор ёки у вакил қилган шахс томонидан ваколатли орган фармойиши асосида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ташкил этилади(Ўзбекистон Республикаси ФК 42-моддаси.). Мулкдорлар, хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи субъекти ёҳуд улар вакил қилган шахслар юридик шахсларнинг муассислари ҳисобланади.

Жисмоний шахслар деганда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар тушинилади (Ўзбекистон Республикаси ФК 16-моддаси). Жисмоний шахснинг ҳуқуқ лаёқати фуқаролик ва бурчларга эга бўлиш лаёқатидир. Улар барча фуқаролар учун тенг даражада эътироф этилади. Фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати у туғилган пайтдан эътиборан вужудга келади ва вафот этиши билан тугайди (Ўзбекистон Республикаси ФК 17-моддаси). Солиққа  оид ҳуқуқ лаёқатини шахсларнинг ўз ҳаракатлари билан солиқ солишга имкон яратадиган, яъни даромад олиш шароитини яратиш лаёқати деб белгилаш мумкин. Юридик меъёрларга мувофиқ бу лаёқат 18 ёшда, яъни балоғат ёшига етганда юзага келади.

**3. Давлат солиқ юрисдикцияси предмети.**

Қонунийлик демократик давлат тузумининг асосидир. Бу барчанинг қонун олдида тенглиги, жамиятнинг хар қандай аъзоси, ижтимоий муносабатлар иштирокчисининг унга бир хил буйсуниши демакдир.

Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ қонунийликнинг асосий жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- Юридик ҳужжатлар тизимида қонунларнинг устунлиги, яъни ушбу ҳужжатларнинг қонунларга мувофиқ бўлиши;
- давлат бошқаруви органлари қонунлар асосида ва уларни бажариш юзасидан чиқарган қарорларнинг давлатнинг қуйи органлари ва мансабдор шахслар ҳужжатларидан устун бўлиши;
- маҳаллий органлар марказвй ҳокимият органларининг ҳуж-жатларини қатьиян бажариши, жойларда қонунларга мувофиқ бораётган оператив фаолиятга марказий органларнинг аралашишига йул қўйилмаслигига;
- фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини оғишмай амалга ошириш, давлат ва мансабдор шахслар томонидан фуқароларга нисбатан бирон-бир зўравонлик қилинишига йул қўймаслик;
- фуқароларнинг жамият, давлат ва бошқа фуқаролар олдидаги ўз ҳуқуқий бурчларини қаттиқ, туриб бажаришлари.

Қонунийлик жамият нормал фаолиятининг асоси, мустақил давлатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш вазифаларини муваффақиятли бажаришнинг зарур шарти ва ғоят муҳим шартдир. Унинг яшаши худди ана шунга боғлиқ, қонунийликнинг жамият ҳаётидаги реал роли худди ана шундан иборат. У ижтимоий муносабатдаги барча иштирокчиларнинг ҳаракат бирлигини, интизом ва ҳуқуқий тартибни таъминлайдики, буларсиз иқтисодиётни шакллантириш ва мустаҳкамлашни тасаввур этиб булмайди.

Демократизм қоидаларини (мансабдор шахсларнинг халқ, томонидан назорат қилинишини ва ҳ.к.) бузиш қонунсизлик ва ўзбошимчаликка, фуқароларнинг демократик ҳуқуқбузарлари камситилишига уларнинг ташаббускорлиги ва фаоллиги пасайишига олиб келади. Лекин чинакам халқ, ҳокимиятини қонунларнинг фуқаролар, уларнинг ташкилотлари ва бирлашмалари томонидан бир хил тушунилиши ва оғишмай бажарилишини ҳам тасаввур этиб бўлмайди. Демократиясиз қонунийлик йуқ, лекин қонунсизлик демократия ҳам йўқ.

Қонунийликни мустаҳкамлашнинг асосий махсус воситалари ишонтириш, олдини олиш, қонунни бузувчиларга бевосита жамоат таъсири кўрсатиш, қонунийликнинг юридик кафолатларини такомиллаштирищдан иборатдир. Қонунийликни бузишларга қарши курашда ҳуқуқ, талабларини бажаришга давлат томонидан мажбур қилишдан ҳам зарур даражада фойдаланилади.

Юридик жавобгарлик - бу талабларнинг энг асосий ифодасидир. У тартиббузарларга нисбатан қонуний ҳуқуқий санкцияларни қўллашдан иборатдир. Жиноий жавобгарлик (жиноят содир этганлик учун), маъмурий, интизомий ва фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик (маъмурий ҳуқуқбузарлик учун, хизматда ёки ишда интизомий ножўя ҳаракат, фуқаролик ҳуқуқбузарлиги) фарқланади.

.Юридик жавобгарлик-мураккаб ҳуқуқий ҳодиса бўлиб унинг моҳияти тушунчаси ва мазмуни ҳақида ҳуқуқ фанида узоқ ва жўшқин баҳслар бормоқда. Ушбу баҳсларнинг моҳиятига чуқурлашмаган ҳолда юридик жавобгарлик - жисмоний ёки юридик шахснинг ҳуқуқий норма санкциясида назарда тутилган ҳуқуқбу-зарликни содир этганлик учун муайян шахсий ёки мулкий номақбул оқибатларни бошдан кечиришга мажбурлигидир.

Ҳуқуқшуносликда ҳуқуқнинг бирон-бир соҳасига мансублигига қараб, юридик жавобгарликнинг қуйидаги турларини фарқлаш одат бўлган: а) интизомий жавобгарлик, б) ёлланма меҳнат кишиларининг моддий жавобгарлиги; в) маъмурий; г) жиноий; д) фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик.

Юридик жавобгарлик қуйидаги белгилари ва жиҳатлари билан ажралиб туради.

1. Юридик жавобгарлик давлат томонидан унинг ваколатли органлари орқали тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар - асосан қонунлар, айрим ҳолларда эса - қонун асосидаги ҳужжатларни чиқариш йули билан жорий этилади.

2. У вакил қилинган органлар ва мансабдор шахслар томонидан қаттиқ белгиланган процессуал тартибда қўлланилади,

3. Юридик жавобгарлик давлат томонидан мажбур қилишнинг бир тури бўлиб, жавобгарлик ҳуқуқий нормаларнинг санкциялари билан жорий этилишида

ифодаланади ва давлат, унинг органлари ва мансабдор шахсларнинг ўз ҳукмини ўтказиши, мажбур қилиши воситасидагина амалга оширилиши мумкин. Айбдор ҳатто чиқарилган қарорни ихтиёрий суратда бажарган ёки ўзи келтирган зарарни тулаган тақдирда ҳам давлат кўрган чораларнинг мажбурийлиги ўзгармайди.

4. Юридик жавобгарликка ҳуқуқбузарлик, яъни содир этганлик учун қонунларда, бошқа норматив ҳужжатларда у ёки бу жавобгарлик тури назарда тутилган айбли, қонунга хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик сабаб бўлади. Интизомий жавобгарликка интизомий ножуя ҳаракат, моддий жавобгарликка моддий зиён етказиш, маъмурий жавобгарликка маъмурий ҳуқуқ бўзарлик, жиноий жавобгарликка жиноят, фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликка фуқаролик муомаласи соҳасидаги мулкий муносабатларга, шунингдек шахсий номулкий муносабатларга тажовўз қилувчи ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар асос бўлади.

5. Юридик жавобгарлик ҳамма вақт қонунбузарга нисбатан муайян салбий оқибатлар келтириш билан боғлиқ бўлиб, салбий оқибатлар деганда ҳар қандай ноқулай натижа - масалан лицензия ёки эркинликдан махрум қилиш, жарима ёки ишдан бушатишни ва хоказоларни тушунмок керак.

Солиқ, тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун солиқ тўловчилар (хўжалик юритувчи субъектлар, уларнинг мансабдор шахслари, фуқаролар), ҳам давлат солиқ органлари (уларнинг мансабдор шахслари) ҳам юридик жавобгар бўлишлари мумкин. Бу ҳол Ўзбекистон Республикасининг Давлат Солиқ органлари тўғрисидаги Низомда, Ўзбекистон Республикасининг Давлат Солиқ қўмитаси тўғрисидаги Низомда, республиканинг айрим солиқ, турлари тўғрисидаги қонунларда назарда тутилган.

Бироқ юқорида айтилганлардан санаб ўтилган субъектлар жавобгарликнинг барча турларига жалб қилинадилар, деган маъно чиқмайди. Масалан, интизомий ва жиноий жавобгарлик субъектлари фақат жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Маъмурий жавобгарлик субъекта фақат жисмоний шахслар (фуқаролар ва мансабдор шахслар) гина эмас, балки корхона,

муассаса, ташкилотлар ҳам бўлиши мумкин деб айтиш учун ҳамма асослар мавжуд.

Солиқ тўғрисидаги қонунлар бузилиши муносабати билан интизомий, моддий ва фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик масаласи ҳал қилиш чоғида тегишлича Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, баъзи бошқа қонун ҳужжатлари жорий қилган умумий ҳуқуқий тартибот амал қилишини назарда тутиш керак. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг давлат солиқ органлари тўғрисидаги Низомнинг 6-банди "и" кичик бандига мувофиқ мазкур корхона, муассаса, ташкилот ва фуқаролар қонунсиз битимлардан ва қонунда белгиланмаган асослар буйича олган маблагларини давлат даромадига ундириш ҳақида тегишли судларга даъво билан мурожаат қилиш ҳуқуқи берилган. Бундай ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Хужалик процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг нормалари қўлланилиши керак.

Жисмоний шахсларнинг солиқ тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик эса Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс (МЖК) ва Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг тегишли моддаларида назарда тутилган.

Маъмурий жавобгарлик - солиқ тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарликнинг ҳаммадан кўп қўлланиладиган туридир. Кўриб чиқилаётган мавзуни ана шу масаладан давом эттириш мақсадга мувофиқдир.

## Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Солиқ тўғрисидаги қонун элементлари нималардан иборат.
2. Солиққа тортиш субъекти нимани англатади.
3. Солиққа тортиш объекти ва предметига таъриф беринг.
4. Солиқ базасини ҳисобга олиш услубларин тушунтириб беринг.
5. Давлат солиқ юрисдикциясининг предметини тушунтиринг.

## Таянч иборалар

солиққа тортиш субъекти,

солиқ объекти,

солиққа тортиш предмети,

солиқ кўлами,

солиқ муддати

## Фойдаланилган адабиётлар:

Асосий адабиётлар:2,4,6,7,9,11.

Қўшимча адабиётлар: 17,19,22,23.

**5-Мавзу: Соликда ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хослиги, соликнинг ҳуқуқий принциплари.**

Режа:

1. Давлатнинг молиявий фаолияти ва молия ҳуқуқи.
2. Молиявий фаолиятни амалга оширувчи органлар.
3. Давлат даромадларини ҳуқуқий тартибга солиш.

**1. Давлатнинг молиявий фаолияти ва молия ҳуқуқи.**

Мамлакат иқтисодий жиҳатдан ривожланган сари, солиққа тортиш услублари ҳам ўзгариб боради, солиқ объектларини аниқлаш, солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш ишлари доимо назорат сифатини ривожланиши талаб қилиб келади.

Биз юқорида айтиб ўтканимиздек солиқ қонунлари бузилганлиги учун қонун асосида тегишли жарима ва бошқа жазо чоралари белгиланган.

Жарима ва жазо чоралари, солиқ идоралари томонидан қонунда белгиланган моддаларга биноан амалга оширилади.

Солиқ тўловчиларнинг қилган хато ва камчиликларини нафақат жазолаш, балки солиқ қонунларини улар томонидан бузилиш сабабларини, қонунларни уларга бўлган таъсирларини ўрганиш ҳамда шу орқали келиб чиқиши мумкин бўлган камчиликларни ҳам таҳлил қилиш лозимдир.

Ҳеч ким фақат солиқ тўлаш учун ишламайди, бу ҳақиқат. Корхона ва ташкилотлар аввало ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчидир, сўнгра эса солиқ тўловчилар бўлиб ҳисобланадилар.

Давлат ўзининг фискал сиёсатни амалга оширишда асосий бир қийинчилик солиқ тўловчилар томонидан турли хил йўллар билан солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларига рўбарў бўлади

Солиқ тўлашдан бўйин товлаш дейилганда кенг маънода қуйидагилар тушунилади.

- олинган даромад ва фойдани яшириш,

- ҳисобланган солиқларни ўз вақтида тўламаслик ёки умуман тўламаслик,
- имтиёзлардан нотўғри фойдаланиш,
- тегишли ҳисоботларни ўз вақтида тўламаслик ва умуман топширмаслик,
- бошқа қоидалардан ва тақиқланган методлардан бевосита ва билвосита фойдаланиш кабилардир.

Солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг ижтимоий ва иқтисодий барқарорликка таъсири жуда ҳам салбийки, унинг натижасида қуйидагиларни келиб чиқаради.

- давлат бюджети дефицити пайдо бўлади,
- давлат солиқ ставкаларини кўтара бошлайди, давлат бюджетини тўлдириш мақсадида янги солиқ ва тўловлар ўйлаб чиқилади,
- инфляция даражаси кўтарила бошлайди,
- давлатнинг ички ва ташқи қарзлари орта бошлайди,
- бозор иқтисодиётининг ричаглари издан чиқа бошлайди.

Юқорида қайд қилинган сабабларни инобатга олиб, солиқ тўловчиларнинг солиқ тўлашдан бўйин товлаш ва уни келтириб чиқарадиган сабабларни солиқ хизмати ходимлари доимий равишда ўрганишлари ва бундай ҳолатларга олиб келмаслик учун тегишли ташкилий ишлар, чора ва тадбирларни кўриб боришлари лозим.

Солиқ тўлашдан бўйин товлаш каби муносабатларнинг келиб чиқиш сабабларини қуйидаги факторлар таъсирида дейиш мумкин.

**Маънавий омиллар –** бу факторлар солиқ қонунларининг ижтимоийлик, доимийлик ва даҳлсизлик принципларига тўғри келмаслиги бўлиб, қонунларнинг обрўсини ва таъсирини пасайтиради.

Бундан ташқари солиқ ставкаларининг юқори бўлиши ўз навбатида солиқ тўловчилар томонидан унга нисбатан ички қаршилик ҳиссини уйғотади ва солиқ тўлашдан бўйин товлаш тўғрисидаги турли хил фикрларга олиб келади.

Масалан; фойда солиғининг ставкасини юқорилиги, корхонани фойда олишга бўлган иштиёқини пасайтириб юборади ёки қандайдир йўллар билан солиққа тортиладиган фойда ҳажмини камайтиришга ҳаракат қилади, ёки бўлмаса, бизнинг қонунларимизга асосан, солиқларни реализация қилинган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун эмас, балки юклаб жўнатилган ва ҳали пули тўланмаган пайтдан бошлаб ҳисобга олиниши.

**Иқтисодий омиллар -** бунда солиқ тўловчилар солдиқ тўлашдан бўйин товлаш натижасида унга бўладиган таъсирларни ўрганадилар.

Агарда, солиқ ставкаси қанчалик юқори ва қўлланиладиган жарима суммалари қанчалик паст бўлса, солиқ тўловчи учун шунчалик солиқ тўлашдан бўйин товлаш натижаси самарали бўлади.

Албатта, бундай ҳолатларда солиқ тўловчилар солиқ тўламасликка ҳар қандай йўллар билан ҳаракат қилишади, чунки биринчи томондан жорий этилган барча турдаги солиқ ва тўловларни тўланиши солиқ тўловчининг иқтисодий ҳолатига катта таъсир қилиб, уни аҳволини оғирлаштиришига олиб келишига таъсир қилса, солиқ тўламаслик эса унга ўз иқтисодий потенциалини сақлаб қолиш учун ягона иқтисодий йўл бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Иккинчи томондан молиявий жарималарни иқтисодий жиҳатдан кучсиз бўлган субъектларга қўлланилиши, нафақат уни ривожланишдан балки ундан кейин умуман фаолият кўрсата- олмасликка олиб келиши мумкин. Чунки барча фойдасини қарзларни тўлашга сарфламаса, унга ҳисобланаётган устама фоиз суммалар ҳам тобора ошиб бораверади.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг барча формалари, иқтисодий ўсиш суръати пасаяётган, ҳамда таназзулга учраётган мамлакатларда юқори даражада бўлади. Чунки бундай шароитларда солиқ тўловчиларнинг моддий шароитининг ёмонлашувига мамлакат миқиёсида маҳсулот, товар ва хизматларга бўлган талабларнинг пасайиши ҳам катта таъсир қилади.

Албатта, тўлов қобилиятининг пасайиши натижасида товар оборот ҳажми қисқаради, ҳамда корхона ўзига тегишли фойдасини, давлат эса бюджетга

тегишли солиқларини ололмай қолади. Натижада корхона ўз қобилиятини сақлаб қолиш мақсадида солиқ қонунчилигида таъкидланган турли йўлларни излашга тушади.

Масалан: солиқ органлари томонидан солиқ тўловчиларни тўла ҳисобга ола-олмаслик, хўжалик операцияларига тааллуқли ҳужжатларни барчасини текширишдан тўла ўтказа олмаслик, текширишларни сифатли ўтказиш даражаси, текширувчиларнинг билим даражаси, коорупция ва шунга ўхшаш ҳолатларнинг мавжудлигидир.

Кўпгина мамлакатларда, айниқса §арбда, солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларини халқ хўжалигининг тармоқлари ва фаолият турларидан келиб чиқиб тақиқ этадилар. Афсуски, биз мамлакатимиз бўйича ана шундай маълумотларга эга эмасмиз. Бизда ҳам хеч бўлмаганда, комплекс текширувлар якунлари бўйича солиқларни тўлашдан бўйин товлашга доир маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Қайси тармоқларда ва қандай солиқ турлари бўйича бўйин товлашлар мавжудлигини, уларнинг сабаблари, солиқ қонунлари ёки йўриқномавий ҳужжатларнинг заиф томонларини аниқлаш жоиз.

Жаҳон амалиётида солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳамда солиқдан қочиш деган тушунча мавжуд бўлиб, уларнинг амалиётда қўлланилиши турличадир. Уларнинг бир-биридан фарқи шундаки, солиқ тўлашдан бўйин товлаш деганда мамлакатнинг мавжуд бўлган қонун қоидаларига амал қилмаган ҳолда ёки унга зид равишда айрим пайтларда очиқдан-очиқ бўйсинмасдан фаолият кўрсатиш натижасида олган даромадларни яшириш тушунилади.

Солиқдан қочиш ёки солиқларни айланиб ўтиш деганда эса, мавжуд барча қонун қоидаларни тўла ўзлаштирган ҳолда, солиқ тўловчи учун тегишли бўлган имтиёз ва вақтинчалик енгилликлардан фойдаланиб, ўзининг давлат олдидаги мажбуриятларни энг минимум ҳолатга келтириш тушунилади.

Солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг турли формаларини юқорида санаб ўтган бўлсак, солиқдан қочишнинг қуйидаги формалари мавжуд:

- солиқ қонунларининг такомиллашмаганидан ёки қонун, қарор, йўриқнома ва кўрсатмаларнинг айрим томонларини бир-бирига зид келишидан фойдаланиш;

- маълум муддатга солиқ тўлашдан имтиёз берилган мамлакатлар билан қўшма корхоналар тўзиш;

- солиқ ставкалари паст бўлган мамлакатлар билан турли хил шартнома ва схемалар орқали ёки маблағларни айлантириш ёки жалб қилиш;

- мамлакатлар ўртасида икки ёқлама солиқ солиш тўғрисидаги шартномаларнинг йўқлигидан фойдаланиш;

- филиаллар ташкил қилиш ва солиқ солинмайдиган товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш кабилардир.

Умуман олганда солиқ тўлашдан қонуний йўл билан қочиш ёки солиқларни айланиб ўтиш, бу солиқ тўловчиларнинг билимдонлиги, ижодкорлиги ва солиқ маслаҳатгўйларининг юқори даражадаги прфессионаллигидан далолат беради.

Бу тўғрида 1935 йил Америкалик судя Ж. Сандерланд шундай деган эди «солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқи қонун билан рухсат этилган барча йўллар билан солиқларни камайтиришдир, бундай фаолиятни ҳеч ким тақиқлай олмайди».

Жазо, жавобгарликка тортиш, жиноят содир этган шахснинг қонунларга риоя этган ҳолда қўлланиладиган маъмурий чорадир. У фуқароларни қоннунни ҳурмат қилиш руҳида тарбия қилиш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишини олдини олиш мақсадида қўлланилади. Уларнинг бир тури маъмурий ва молиявий жарималардир.

**2. Молиявий фаолиятни амалга оширувчи органлар.**

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда давлат солиқ органлари кўришга вакил қилинган ҳуқуқбузарлик объектлари асосан солиқ солиниш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидир. Шунингдек тадбиркорлик соҳасидаги муносабатлардир.

Кодекснинг 264-моддасида кўрсатиб ўтилган айрим маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги моддалар ва уларнинг тегишли қисимлар, Давлат солиқ идораларига таъаллуқлиги эканлиги таъкидланган бўлиб, ушбу идораларнинг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари учун қўллаш ҳуқуқи берилган, жумладан, уларга мазкур моддаларда кўзда тутилган ҳуқуқбузарликлар киради:

- 164-модданинг I-III қисмлар – Савдо ёки ҳизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш;
- 164-модданинг I қисми – Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш;
- 164-модда – Харидорни ёки буюртмачини алдаш;
- 168- модда – Бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузиш;
- 171- модда – Валюта ва экспорт-импорт операцияларини амалга оширишни тартибини бузиш;
- 172- модда - ғнилғи-мойлаш материалларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, олиш қоидаларин бузиш;
- 174- модда – Солиқлар ва бошқа тўловлар тўлашдан бўйин товлаш;
- 175- модда Солиқ солинадиган объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёки касса операцияларини юритиш тартибини, шунингдек, тўлов тизимини бузиш;
- 176- модданинг I қисми – Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланниш тартибини бузиш;
- 176 модданинг II қисми – Хўжалик юритувчи субъектларнинг манзили ёки банк реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаслик ёки ёлғон маълумотларни тақдим этиш;

Юқорида кўрсатиб ўтилган моддаларнинг қўлланилишини таҳлил қилишдан олдин, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги айрим умумий қоидаларга тўхталиб ўтамиз.

Жумладан:

Амалдаги қонунларга мувофиқ давлат солиқ органлари маъмурий хажо сифарида фақат жарима солишга ҳақли бўлиб. Унинг миқдори маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақдаги, давомли ҳуқуқбузарлик учун эса у маълум бўлган пайтдаги энг кам ойлик иш ҳақига қараб белгиланади.

Маъмурий жазонинг қўлланилиши судланишга ва ишдан бўшатишга олиб бормайди. Башарти маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланади.

Шуни назарда тутиш керакки, маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом эьаётган ҳуқуқликлар учун эса, ҳуқуқликлар аниқланган кундан бошлаб икки ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин. Озми – кўрми ўзоқ вақт мобайнида ўзлуксиз амалга ошириб келнаётган ҳуқуқбузарликлар давом этаётган ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланади. У янога ҳуқуққа ҳилоф ҳаракатнинг ягона тартибини ўзлуксиз амалга ошириш билан ажралиб туради. Масалан; фойда ёки солиқ солинадиган бошқа объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёҳуд бундай ҳисобни белгиланган тартибни бузган ҳолда олиб бориш двом этаётга ҳуқуқбузарликдир (МЖК 175-моддасининг 1-қисми). Бунда 2 ойлик муддатнинг ўтиши давлат солиқ ёки бошқа ваколатли органнинг мансабдо шахси ҳодисани аниқлаган кундан бошланади.

Маъмурий жавобгарликка маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтда 16 ёшга тўлган ақли расо шахслар тортилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ажнабий фуқаролар (имунитетга эга бўлганларидан ташқари) ва фуқаролиги бўлмаган шахслар умумий асосларда маъмурий жавогарликка тортилишлари лозим.

Энди давлат солиқ органларига кўриб чиқиш учун ваколат берилган маъмурий ҳуқуқбузарлик объектларининг турлари, яъни а) солиқ солиш; б) савдо ва хизмат кўрсатиш; в) тадбиркорлик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар билан танишиб чиқамиз.

«Солиқлар ва бошқа тўловлар тўлашдан бўйин товлаш» деб аталадиган 174-модда икки қисмдан иборат. Модданинг I-қисмда солиқ солинадиган фойдани ёки бошқа объектларнинг қасддан яширганлик ёҳуд солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан бўйин товлаганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган.

Маъмурий ҳуқуқбузарликда «қасддан бўйин товлаш» деган сўзнинг маъноси МЖК нинг 11-моддасида қуйидагича изоҳланган;

«Башарти маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ғайриҳуқуқий эканлигин билган бўлса, унинг зарарли оқибатларига кўзи этган, юз беришини истаган бўлса ёки бу оқибатларнинг келиб чиқишига онгли равишда йўл қўйган бўлса, бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик қасддан содир этилган деб ҳисобланади».

Бу модда бўйича мулкчилик шаклидан қатъий назар, солиқ олинадиган фойдани (даромадни) ёки бошқа объектларни яширишга ёки солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан бўйин товлаш кўринишида хатти-ҳаракатларга йўл қўйган фуқаролар, тадбиркорлар, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ёки бошқа мансабдор шахслар ҳуқуқбузарлик субъектлари бўлиб ҳисобланадилар ҳамда текширув натижалари бўйича ҳуқуқбузарлик аниқланганда маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Мансабдор шахслар деганда, солиқ солиш соҳасида белгиланган қоидаларга риоя этиш вазифаси зиммасига юклатилган раҳбарлар, бош бухгалтерлар ва бошқа жавобгар шахслар тушунилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 174-моддасининг I қисмига кўра анча миқдорда (энг кам ойлик иш ҳақининг 30 баробарига қадар) зарар етказувчи ҳатти-ҳаракатлар содир этган субъектлар жавобгарликка тортилади. Бундай миқдорда зарар етказган фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг уч баробаридан беш баробаригача, мансабдор шахсларга эса беш баробаридан етти баробаригача миқдорда жарима солинади.

Модданинг II қисмига мувофиқ, энг кам иш ҳақининг бир бароборидан уч бароборигача миқдордаги жарима даромадлар тўғрисида декларация тақдим этишлан бўйин товлаганлик, декларацияни ўз вақтида тақдим этмаслик ёки атайин нотўғри маълумотларни тақдим этганлик учун солинади.

Маълумки, солиқ кодекснинг 62-моддасида икки ва ундан ортиқ даромадлар манбаига эга бўлган фуқаролар ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмасдан жами йиллик даромад ҳақида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар эса, даромад пайдо бўлган кундан бошлаб биринчи ой ўтгандан сўнг 5 кун ичида, ҳамда ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 январигача даромадлар ва қилинган харажатлар тўғрисида декларация тақдим этилиши кўрсатилган[2]. Шунга мувофиқ модданинг ушбу қисми диспозициясида санаб ўтиладиган қуйидаги уч ҳуқуқбузарлик:

даромадлар тўғрисида декларация тақдим этишдан бўйин товлаш;

декларацияни ўз вақтида тақдим этмаслик;

декларацияда атайин нотўғри маълумотлар тақдим этиш каби ҳолларидан ҳар қандайи содир этилганда қўлланилади.

Биринчи ва учинчи ҳуқуқбузарлик ҳамма вақт атайин, иккинчиси – ҳам атайин, ҳам эҳтиётсизлик орқасида содир этилиши мумкин.

Декларацияни ўз вақтида тақдим этмаслик декларция белгиланган муддат тамом бўлганидан кейин тақдим этилишида ифодаланади. Декларацияга атайин нотўғри маълумотларни киритиш ҳақиқий даромадларни камайтириб кўсатадиган, масалан; мавжуд бўлмаган харажатларни кўрсатадиган ва бошқача тарзда маълумотларни беришдан иборат бўлади.

Агар мавжуд ҳуқуқбузарлик солиқ солинадиган объектларни яшириш мақсадида қилинса, уларнинг миқдорига қараб, МЖКнинг 174 моддасининг I қисми билан, ёки МЖКнинг 184-моддасининг тегишли қисмлари билан баҳоланади.

---

[2] **И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» Т.: «Ўзбекистон» 1999 йил 47 бет. 26-28 бетлар**

«Солиқ солинадиган объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёки касса операцияларини юритиш тартибини бузиш» деб аталадиган 175-модда 4 қисмдан иборат. Ушбу модданинг 1-қисмига мувофиқ, фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларнинг ҳисобни олиб бормаслик ёҳуд дундай ҳисобни белгиланган тартибни бузган ҳолда олиб бориш, шунингдек солиқларни, бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга бошқа мажбурий тўловларни ёисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур бўлган солиқ ҳисоботларини, ҳисоб-китобларини ва бошқа ҳужжатларни тақдим этмаслик, ёки белгиланган шаклда тақдим этиш, башарти бу харажатлар тўланиши лозим бўлган солиқ ёки бошқа тўловларнинг миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Кимга бўйсинишидан ва мулк шаклидан қатъий назар юридик шахс бўлган корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек асосий фаолияти бюджет маблағлари ҳисобидан молиявий таъминланадиган уассаса ва ташкилотлар учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бухгалтурия ҳисоби ва ҳисоботининг ягона услубий асослари Ўзбекистон Республкасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги Низом билан белгиланган. Ушбу Низом, шунингдеккорхоналар молиявий хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоботининг ҳисоб варақлар режаси ҳам Ўзбекистон Республкаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 мартдаги қарори билан тасдиқланган. Низомга мувофиқ бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот бўйича норматив ҳужжатлар  Республика ҳудудида ҳамма корхоналар, муассасалар томонидан бажарилиши шарт.

Солиқ ҳисоботлари, ҳисоб-китобларининг ва солиқларни, бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга, бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларнинг шакллари, масалан; маҳсулот ишлаб чиқариш ва уларни реализация қилиш бўйича амалга ошириладиган  ва маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига қўшиладиган харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни чиқариш тартиби тўғрисидаги 1995 йил 27 январдаги Низом, Молия вазирлиги ва

Давлат солиқ қўмитасининг 1994 йил 22 декабрдаги «Корхоналар фойдаси (даромади) дан бюджетга олинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби тўғрисида» ги йўриқномаси каби ҳужжатлар билан тасдиқланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, МЖК 175-моддасининг 1-қисмида санаб ўтилган ҳуқуқбузарликлар, башарти бу ҳаракатлар тўланиши лозим бўлган солиқ ёки бошқа тўловларнинг миқдорини камайтиришга олиб келса, ушбу моддага мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Агар худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, МЖК 175-модданинг 2-қисмида назрда тутилган жавобгарлик қўлланилиб, энг кам иш ҳақининг уч бароборидан беш бароборигача миқдорида жарима солинади.

175-модданинг 3-қисми «касса операцияларини юритиш тартибини ва тўлов интизомини бузиш, шу жумладан; қарздор корхоналардан тўловларни ундириш бўйича солиқ органларининг инкасса топшириқларини бажармаслик, шунингдек дебиторлик ва кредиторлик қарзи муддатларини ўтказиб юбориш ҳамда корхоналарнинг ҳисоб варағларида тегишли маблағлар бўлгани ҳолда тўловларнинг амалга оширишнинг белгиланган муддатларини бузиш, шунингдек пул маблағларини ҳисобдан чиқариш навбатини бузиш», мансабдор шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бароборидан ўн беш бароборигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Касса операциялари деганда корхона, муассаса ва ташкилотлар кассаларининг накд пулларни қабул қилиш, сақлаш ва бериш билан боғлиқ операциялар тушунилади. Тегишли қоидалар кўпроқ аҳоли ва кредит муассасалари билан пул ҳисоб-китобларига таъллуқли бўлади. Касса операцияларини юритиш тартибини бузишнинг энг кўп тарқалган турлари касса тушумини белгиланган нормалардан ортиқча сарфлаш, тушумни кредит муассасасига ўз вақтида топширмаслик, кассадаги пул қолдиғини лимитдан ошириб юбориш, кредит муассасасидан олинган накд пулларни ноўрин сарфлаш, иш ҳақи, нафақалар, стипендиялар, пенсия ва мукофотлар

тўлаш учун олинган ва ишлатилмаган пул маблағларини кредит муассасасига ўз вақтида қайтармаслик, накд пул қоидаларини бузиш ва бошқалардан иборатдир.

Касса операцияларини юритиш тартибини бузганлик учун корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари, бош бухгалтерлари, шартнома асосида ишлайдиган бухгалтерлари, молиявий бўлинмаларнинг раҳбарлари ва кассирлари жавобгар бўладилар.

**3. Давлат даромадларини ҳуқуқий тартибга солиш.**

Тўлов интизоми, хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз тўлов мажбуриятлари бўйича тўловларнинг муддатлари ва тартибига аниқ риоя этишидан иборатдир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг маъсулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги N1154 сонли Фармони тўлов интизомини мустаҳкамлашга қаратилган. Фармонда мулкчиликнинг ҳамма шаклларига мансуб хўжалик юритувчи субъектларга етказиб берилаётган маҳсулот (бажарилаётган ишлар, хизматлар) қийматининг камида 15 фоизини олдиндан тўламасдан туриб, истеъмолчилар ва буюртмачиларга маҳсулот сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш тақиқланган.

Етказиб берилган товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар учун маблағлар товарлар амалда жўнатилган ва ишлар бажарилган кундан бошлаб 60 кун ўтгандан кейин келиб тушмаганлиги, муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзи дейилади.

Тўлов интизоми такомиллаштириш мамлакатимиз иктисодиётида катта роль ўйнаётганлигидан юқоридаги Фармонга қўшимча тарзда шу йилнинг 19 июлида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзлар пайдо бўлганлиги учун вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-

тадбирлар тўғрисида» ги Қарори қабул қилинди. Қарорда хўжалик юритувчи субъектлар тўлов муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ҳар чоракда ўзаро солиштириб чиқишга мажбурийлиги ва бунга шахсан жавобгар эканликлари, товар олгандан сўнг 90 кун мобайнида етказиб берилган маҳсулотнинг тўлиқ қиймати хўжалик юритувчи субъект томонидан тўланмаган ҳолларда татибни бўзувчи корхоналарга маҳсулот етказиб бериш, илгари берилган маҳсулотнинг барча қийматини олишга қадар тўхтаталиб қўйилиши ва бундай корхоналарга кейинчалик маҳсулот бериш аккредитив (олдиндан пулини тўлаш шарти билан) шакли воситаси билан амалга оширилиши товар берувчиларнинг шахсан зиммасига юклатилди.

Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларни ундириш юзасидан чора-тадбирлар кўрмаганлик, шу жумладан судда даъво қўзғатмаганлик маҳсулот етказиб берувчи корхоналарнинг раҳбар ва мансабдор шахсларини белгиланган жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзининг мавжудлиги, тўловга қобилиятсиз истеъмолчиларга маҳсулот етказиб бериш билан боғлиқ бўлиб, уни тўлов интизомини бузиш деб ҳисоблаш мумкин. Корхоналарнинг ҳисоб варақларида тегишли маблағлар бўла туриб тўловларни ўтказишнинг белгиланган муддатларига риоя этмасликни ҳам ана шундай тўлов интизомини бузиш деб ҳисобланади.

Модданинг ушбу қисми бўйича ҳуқуқбузарлик субъектлари мулкчиликнинг ҳамма шаклларига мансуб корхона ва ташкилотларнинг, тижорат банклари филиалларининг раҳбарлари, шунингдек мазкур ташкилотларнинг бош бухгалтерлари бўлиши мумкин.

Амалиётда касса операцияларини олиб бориш тартиби ва тўлов интизомини теширишда қуйидагиларга эътибор бериш лозим;

- қайдноманинг мавжудлиги, унинг тўғри тузилганлиги;
- касса операцияларини юритиш ҳолатига;

- ортиқча пул маблағларини банкка топшириш депозитларини расмийлаштириш кассадаги пул маблағларини, қимматли қоғозларни йўқламадан ўтказиш ўз вақтида амалга оширилаётганлигига;
- белгиланган лимитга риоя қилинаётганлигига;
- корхона, муассаса, ташкилот кассаси бўйича кундалик кундалик ҳисоботлар топширилишига;
- кассир ҳисоботларидаги тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлигига;
- кирим-чиқим ордерларининг ҳисобот даврига мослигига;
- вақтинчалик ордерлар бўйича маблағлари беришга кредитлар бошқарувчиси розилигининг мавжудлигига ва ҳужжатларни тўғри тўлдирилганлигига;
- етказиб берилган товарлар, қилинган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида таъминланганлигига;

Модданинг 4 қисмида «солиқ органларида рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи маълумотномасиз корхона ва ташкилотларга ҳисоб-китоб ёки бошқа ҳисоб варақларини очиш» тўғрисидаги ҳуқуқбузарлик қайд этилиб, бундай ҳуқуқбузарликка йўл қўйган мансабдор шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг беш баробаридан ўн баробаригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Бундай жиҳатларни келиб чиқиши асосан, банк муассасаларига тааллуқли бўлиб, солиқ органларидан тегишли рўйхатга олинганлиги ёки олинмаганлиги тўғрисидаги маълумотларсиз, субъектларнинг фаолият кўрсатишларига йўл очиб беришларида намоён бўлади.

Бундан ташқари қуйидаги ҳуқуқбузарликлар учун ҳам тегишли маъмурий жазо чоралари белгиланган.

Модданинг 5 қисми «бюджетга тўловлар бўйича қарзи бўлган корхоналарга ўз вақтида инкасса топшириқномаси тақдим этмаслик»,

мансабдор шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг беш барбаридан ўн бароборигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Солиқ органлари ушбу ҳуқуқбузарликлар бўйича далолатномаларни, хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлардан ташқари бюджет ташкилотларига ҳам тузадилар.

Чунки бу муассасаларнинг ҳисобига солиқ органлари томонидан инкасса тўлов талабномаларини қўйиш мумкин эмас. Улар ўзларининг солиқлардан бўлган қарзларини ҳисоб-китобларидан келиб чиқиб, белгиланганмуддатларда инкасса топшириқларига асосан ўказиб беришлари керак. Тузилган далолатномалар маъмурий ишлар бўйича судяларга тегишли чоралар кўриш учун топширилади.

«Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари тартибини бузган ҳолда олиб бериш», мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш баробаридан ўн бароборигача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

«Худди шу ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида такроран содир этилга бўлса», мансабдор шахсларга нисбатан энг кам иш ҳақининг ўн баробаридан ўн беш бароборигача белгиланиши кўрсатиб ўтилган. Бундай қоидабузишлар учун ҳам чоралар кўришни маъмурий судяларга берилган.

Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар.

«Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш» деб аталадиган 164-модда уч қисмдан иборат. Модданинг 1-қисми савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликкни назарда тутади.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 февралдаги «Савдони эркинлаштириш ва истеъмол бозорини товралар билан тўлдириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги N 621 сонли Қарорларида, кимга бўйсинишидан ва мулк шаклидан қатъий назар ҳамма савдо корхоналаридаги товарлар, нархлар ва сотиш хажмини қайд этувчи савдо касса аппаратлари орқали сотилади, деб белгилаб қўйилган. Шуни эътиборда тутиш жоизки, товарлар сотиш ва хизматлар кўрсатишлар аҳоли

билан пул ҳисоб-китобларини амалга ошириш пайтида назорат-касса машиналарини мажбурий тарзда қўллаш талабларига риоя қилмаслик деганда, мазкур ҳисоб-китобларини назорат-касса аппаратлари (машиналари) ни қўлламасдан, чек ёки квитанция бермаслик ёҳуд чек ёки квитанцияда оширилган ёки камайтирилган суммани кўрсатиш тушунилади.

Ушбу талабга риоя этмаслик МЖК 164-моддаси I-қисмида кўрсатилгандек, савдо қилиш қоидаларини сўзсиз бузишдир.

Носоз касса машиналари ва аппаратларидан фойдаланиш ҳам касса операциялари юритишни бузишга киради. Агар касса аппаратлари кассадан шикастлангани исботланса, субъект даромадни кассадан яширганлиги учун жавобгарликка тортилади.

Юқорида эслатиб ўтилган қоидаларга қўшимча, савдо зали ва ёрдамчи биноларни жойлаштириш, витриналарни жиҳозлаш, товарларни сақлаш ва бериш, пул ҳисоб-китоби, тарози ўлчов асбобларини сақлаш ва улардан фойдаланиш, савдо ҳамда ҳизмат кўрсатиш корхоналарнинг иш тартиби, нархномалар, таомномалар, шикоят ва таклиф дафтарининг мавжудлиги, умумий овқатланиш, маиший ва коммунал хизматнинг белгиланган разряд ва категорияларга мувофиқлиги ҳам киради.

164-модданинг I-қисми бўйича савдо хизмат кўрсатиш корхоналарнинг зиммасига тегишли қоидаларга риоя этиш вазифаси юклатилган ва бу қоидаларнинг бузилишига йўл қўйган ходимлар жавобгарлик субъекти ҳисобланади. Бунда мансабдор шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баробаридан 7 баробаригача, фуқароларга эса 1 баробардан 5 баробаригача жарима солинади.

Давлат солиқ органлари МЖКнинг 164-моддасини III-қисми бўйича, дори-дармон воситалари ёки тиббий буюмлар ёҳуд ёнилғи-мойлаш материаллари сотиш қоидаларини бузиш ҳақидаги ишларни ҳам кўрадилар.

Ўзбекистон Президентининг 1994 йил 14 июлдаги «Республикада дори-дармонларини сотишни тартибга солиш тўғрисида»ги фармони билан

мазкур воситалар тиббий буюмларни махсус рухсатномалар, яъни дори-дармонлар сотиш учун лицензияларга эга бўлмаган жисмоний ва юридик шахслар томонидан сотилиши таъқиқлаб қўйилган.

Ҳуқуқбузарликлар жумласига ёнилғи-мойлаш материалларини нефт омборларидан, транспорт воситаларидан, автомобил корхоналари, шаҳар ташқарисидаги автомобил йўлларида ва бошқа ноқонуний жойлларда сотиш ҳам киритилади.

Давлат солиқ органларининг тегишли ваколатга эга бўлган мансабдор шахслари 164-модданинг III-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар, яъни ёнилғи-мойлаш материаллари билан, дори-дармон воситалари ёки тиббий буюмлари билан шаҳарларда белгиланмаган жойларда қўлда савдо қилиш тўғрисида ҳам баённомалар тузадилар. Бироқ, бу ҳуқуқбузарликларнинг давлат солиқ органларнинг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари эмас, балки маъмурий ишлар бўйича судялар кўриб чиқадилар, чунки МЖК мусодарани (164-модданинг II-қисми санкцияси бу маъмурий жазони жаримага қўшимча сифатида назарда тутади) қўллаш ҳуқуқини фақат уларга беради.

164-модданинг III-қисми бўйича жавобгарлик масаласига келганда, фуқароларга энг кам иш ҳақининг 5 баробаридан 10 баробаригача, мансабдор шахсларга эса 10 баробаридан 15 баробаригача жарима суммалари белгиланган.

«Харидорнинг ёки буюртмачини алдаш» деб аталадиган 165-модда мулкчилик шаклидан қатъий назар, аҳолига товарлар сотишни амалга ошираётган ёки хизматлар кўсатаётган корхоналарда, шунингдек савдо ёки хизматлар кўрсатиш соҳасида якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг 1\10 қисмидан ошмаган миқдорда ўлчовда, тарозидан, пулдан уриб қолганлиги ёхуд харидорни ёки буюртмачини ўзгача тарзда алдаганлиги учун жавобгарликни белгилайди.

Харидор ёки буюртмачини, умуман истеъмолчини алдашни бевосита объекти деб савдо қилиш, хизматлар кўрсатиш тартибини инобатга олиш керакки, шу тартибга мувофиқ товарлар тўлиқ оғирликда ва тўлиқ ўлчовда, тегишли сифат билан, белгиланган нархларда ва ҳисоб-китобларнинг тўғрилигига амал қилган ҳолда сотилиши, бундан ташқари прейскурантлар ва тарифлар бўйича кўрсатилиши керак.

Ўлчовдан ва тарозидан уриб қолиш шунда ифодаланадики, харидор сотувчининг турли қинғир ишлари ва бошқа алдов ҳаракатлари натижасида ўзи ҳақини тўлаганига қараганда камроқ миқдорда товар олади. Бунинг усуллари жуда хилма-хил, масалан; нотўғри ўлчов асбобларидан фойдаланиш, ортиқча ўров қоғози ишлатиш, товарни тарозига ташлаб юбориш, ўлчаш чоғида газламани ва бошқалар.

Пулдан уриб қолиш деганда истеъмолчиларни алдаб, улар товар (иш, хизмат) учун тўлашлари керак бўлганидан кўра кўпроқ пул олиб қолиш тушунилади.

Харидорлар ва буюртмачиларни «ўзгача тарзда алдаш» деганда, айбдорнинг истеъмолчилардан кўрсатилган хизмат ёки сотиб олинган товар қийматидан ортиқча пул олишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлари тушунилади.

Ҳуқуқбузарлик содир бўлиши учун юқорида санаб ўтилган ҳаракатлардан биттасини қилиш, етарли, ҳолбуки, амалиётда уларнинг қўшилиб кетиш ҳоллари ҳам учрайди, масалан; харидорни сотувчи бир вақтнинг ўзида ҳам тарозидан, ҳам пулдан уриб қолиши.

Ушбу моддада субъектларнинг ҳаммасига қўлланиладиган санкция суммаси умумий бўлиб, энг кам иш ҳақининг икки баробаридан беш баробаригача миқдорда маъмурий жарима солиш жазоси кўзда тутилган.

Қўлланиладиган маъмурий жазонинг критерияси яъни энг кам иш ҳақининг ундан бир қисмича миқдорда алдаш, бу катта сумма бўлиб, унга қўлланилаётган жарима суммаси эса жуда оз. Жазо чорасини кучсизлигидан субъектлар шу чегара доирасида харидор ҳақига ҳиёнат қиладилар, шунинг

учун ҳам хозирги кунда ҳуқуқбузарликни ушбу моддаси бўйича қоида бузишликлар кўп учрамоқда. Ҳуқуқбузарликни яна бир ҳусусиятишундан иборатки, текшириш вақтида аниқланган харидор ёки буюрмачини алдаш ҳолати субъект томонидан фақатгина текширилган вақтда билмасдан содир этилмайди. Харидор ёки буютмачини алдаган субъект бу қилмишини билиб туриб доимий равишда содир этиб келадики, текширишдагина аниқланади.

Юқоридагиларга асосланиб, жарима солиш критериясини энг кам ойлик иш ҳақининг ундан бир қисмигача миқдорда эмас балки, ҳеч бўлмаганда йиғимданбир қисмигача миқдорда ва шу билан биргаликда жарима суммасини ҳам энг кам иш ҳақининг икки баробаридан беш баробаригача эмас балки, беш баробаридан ўн баробаригачакучайтириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

«бозорлар савдо қилиш қоидаларини бузиш» МЖК 168-моддасига мувофиқ фуўароларга энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисми, мансабдор шахсларга эса иккидан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Бозорларда савдо қилиш қоидаларини жорий этиш Қорақалпоғистон Республикаси ва жойлардаги Давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқ доирасига киради.

Бозорларда, хусусан,. Қуйидагилар ҳаракатларни қилишга руҳсат берилмайди.

Жумладан; касса патталарини ёки бир марта олинадиган йиғимни тўлаганлик ёки хизматлар учун ҳақ тўлаганлик патталарни бозорда савдо қилаётган бошқа шахсларга бериш, савдо қилувчиларнинг шахсий санитария кийимларидан ўзларига крашли тарози-ўлчов асбобларидан фойдаланиш, озиқ-овқат маҳсулотларининг яроқлилигини текширмасдан ва тегишли маълумотномасиз шунингдек санитария-ветеринария қоидаларини бузган ҳолда сотиш, сабзовот экинлари ва уруғларини уруғ текширувчи лабораториянинг хулосаси бўлмай туриб сотиш, аҳолининг герметик ёпилган консеваланган маҳсулотларни, гўшт ва балиқ, кремли қандолат

маҳсулотларини, зарарли ёввойи ўтларнинг уруғлари аралашган дон ва крупа маҳсулотларини, доривор ўсимликларни, дала гулларини, қайта ишланган қўзиқоринлар ва улардан тайёрлаган маҳсулотларни сотишлари, н беш ёшга этмаган ўсмирларнинг товарларла сотиш билан шуғулланишлари кабилардир. Ушуб тақақланганларга амал қилмаслик, ушбу моддадаги ҳуқуқбузарликни келтириб чиқаради ва жарима солишга асос бўлади.

Аммо, ўз фаолиятини бозор ҳудудида олиб бораётган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарига, садо ва хизмат кўрсатишнинг умумий қоидалари бўйича яъни МЖКнинг 164, 165 моддалари ёки ЖК нинг тегишил моддалари бўйича жавобгарликка тортиладилар.

«ғқилғи-мойлаш материалларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш, олиш қоидаларини бузиш» деб аталадиган

172-модда ушбу ҳуқуқбузарлик учун маъмурий санкция сифатида фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш баробаригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан ўн баробаригача миқдорда жарима солишни назарда тутади.

Мазкур қоидаларни бузиш корхона, ташкилот ва муассасаларнинг нормал хўжалик фаолиятини издан чиқаради, ёнилғи-мойлаш маткериалларини унумсиз сарфланишига, улардан ноўрин фойдаланишига, қонунсиз сотишга, ўзлаштириб юбориш ва уларнинг сифатининг бузилишига олиб келади.

МЖК 172-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик объекти ёнилғи-мойлаш материалларини қабул қилиб олиш, ҳисобга олиш, сақлаш бериш сотиб олиш бўйича белгиланган тартибдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган 240-сон қарори талабларини ва мазкур қарор билан тасдиқланган «Автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларининг ишлаш қоидалари»ни бузиш, маъмурий жавобгарликка тортиш учун асос ҳисобланади.

Турли маркадаги бензин, керосин, дизель ёнилғиси, трансмиссия мойлари, мойлаш ёғлари, ҳар хил қадоқланган нефт маҳсулотлари, консистент суркамалар, тормоз суюқлиги ва бошқлар ҳуқуқбузарлик нарсаси бўлади.

Нефт маҳсулотларини нефт омборларида қонунсиз равишда сотиш, ишлаб чиқариш харажатларга, нормадан ортиқ бўлган табиий камайиш ҳажмларини асоссиз чиқариш, маҳсулотларни белгилаб қўйилган лимитлар, фондлар ва тақсимлаш режаларидан ортиқча сотиш, ушбу маҳсулотларни етказиб берувчи ва ташкилотларнинг, шунингдек бу маҳсулотларини ишлатувчиларнинг маҳсулотлари сифатини бузиши, нефт маҳсулотларини етказиб берувчилардан пломбасиз ёки пломбаси бузилган вагон цистерналарда қабул қилиш ва ташиш, нефт маҳсулотларини етказиб берадиган корхона ва ташкилотларнинг автоцистерналарни пломбаламасандан нефт маҳсулотларини етказиб бериши ва сотиши, мақлаш ва бериш чоғида технология тартибларига риоя этмаслиги каби фаолиятлар тақиқланган.

Ҳуқуқбузарликни 172-модда бўйича баҳолаш учун модданинг диспозициясида санаб ўтилган ҳаракатлардан ҳеч бўлмаганда биттасини қилиш кифоя.

Кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарлик субъектларини икки гуруҳга бўлиш мумкин:

- ёнилғи-мойлаш материалларни қабул қилиш, ҳисобга олиб бориш, сақлаш ва бериш қоидаларини бўзувчи шахслар;
- Бу материалларни қонунсиз равишда сотиб олувчи шахслар

Биринчи гуруҳга нефт базалари ва АЕКТларнинг мансабдор шахслари ва ўзга моддий жавобгар ходимлари мансуб бўлиб, улар зиммасига тегишли қоидаларга риоя этилиши учун жавобгарлик юклатилган. Шу гуруҳга бензинни хусусий шахсларга сотаётган Давлат транспорт воситаларнинг ҳайдовчиларини ҳам киритиш мумкин.

Иккинчи гуруҳга мазкур материалларни қонунсиз равишда сотиб оладиган ҳар қандай шахслар фуқаролар ҳам, мулкчиликнинг ҳамма шаклларига мансуб корхоналарга қарашли транспорт воситаларининг ҳайдовчиларини ҳам киритиш мумкин.

**Тадбиркорлик соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар.**

Бу соҳада Давлат солиқ органлари «Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузиш» деб аталадиган 176-модданинг 1-қисмига доир ишларни кўришга вакил қилинган.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуни билан, Ўзбекистон Президентининг 1995 йил 5 январдаги **«Тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»** ги Фармони, 1995 йил 14 февралда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида хусусий Тадбиркорлик тўғрисидаги Низом, айрим бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

Қонун тадбиркорларни иқтисодий ва юридик мустақиллигини кафолатлаб, уларнинг ҳуқуқларини белгилабгина қолмасдан, жавобгарликни ҳам жорий этади.

Тадбиркорлик ташкилотлари ҳамда қонун рухсат берган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган жисмоний шахслар туман, шаҳар, шаҳарларда туман ҳокимиятларида давлат рўйхатидан ўтишлари керак. Бунда ўз фаолиятини юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширмоқчи бўлган хусусий тадбиркорга рўйхатга олинганлик ҳақида нувоҳнома берилиб, унда асосий ва бошқа фаолият турлари кўрсатилади. Жисмоний шахслар, шу жумладан хўжалик ширкати қатнашчилари, тадбиркорни рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган фаолият турларинигина амалга ошири мумкин. Акс ҳолда тадбиркор 176-модданинг 1-моддаси бўйича маъмурий жавобгарликка тортилади.

Ҳусусий тадбиркор ишлаб чиқарадиган буюмлар мажбурий равишда маркировка қилиб, фирма белгиси ёки ишлаб чиқарувчининг фамилияси, буюм номи ва рамзи, буюмни таърифлайдиган бошқа маълумотларни кўрсатиш шарт. Бу талабни бажармаслик ҳам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузиш бўлади.

Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш, ваколат қилинган органлар томонидан бериладиган махсус лицензиялар олингандан сўнг амалга оширилади.

Лицензия, шунингдек хусусий тадбиркорни рўйхатга олиш ҳақидаги гувоҳнома муддати тамом бўлгандан кейин ҳам фаолиятни давом эттириши ушбу модданинг 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик субъектлари, тадбиркорлик ташкилотларининг мансабдор шахслари, шунингдек якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ҳам, чет эллик фуқаролар ҳам, фуқаролиги бўлмаган шахслар ана шундай субъектлар бўладилар.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишнинг белгиланган тартибини бузиш фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш баробаридан етти баробаригача, мансабдор шахсларга эса ўн баробаридан ўн беш баробаригача жарима солишга сабаб бўлади.

Субъектларнинг фаолиятларида қуйидагилар белгиланган тартибни бузишга киради:

- давлат рўйхатидан ўтказмай туриб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш;
- тадбиркорни рўйхатдан ўказиш ҳақидаги гувоҳномада кўрсатилмаган тадбиркорлик фаолияти тури билан шуғулланиш;
- рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси ёки ордерни бошқа шахсга бериш;
- маҳаллий ҳокимият органлари белгиламаган жойларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш.

МЖК 176-моддаси 2-қисмида рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлаган ҳолда савдо-сотиқ ёки воситачилик фаолиятини амалга оширганлик учун жавобгарлик кўзда тутилган. Унда ҳуқуқбузарнинг ашёлари мусодара қилиниб, энг кам иш ҳақининг беш баробаридан ўн баробаригача миқдорда жарима солинади.

Рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлаган  ҳолда савдо-сотиқ ёки востиачилик фаолиятини амалга оширганлик деганда, шундай ҳуқуқбузарлик кўзда тутиладики, бунда тадбиркор тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузган ҳолда рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси ёки ордери олмай туриб бундай фаолият билан шуғулланади. Бундай ҳуқуқбузарликни кўриб чиқиш маъмурий ишлар бўйича судья ваколатига киради.

Бундан ташқари модданинг «Шартнома интизомини бузиш» деб номланувчи қисми ҳам мавжуд бўлиб, унда «Шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик оқибатида хўжалик юритувчи субъектларга мулкий зарар етказиш», деб баён этилган. Бундай ҳуқуқбузарликлар учун мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн баробаридан ўн беш баробаригача миқдорда жарима солинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 29 мартидаги «Янги ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан банк ва солиқ назоратини кучайтириш тўғрисида»ги Фармонига асосан, ушбу моддага «Хўжалик юритувчи субъектларнинг манзили ёки банк реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаслик ёки ёлғон маълумотларни тақдим этиш» деб аталувчи янги қисми жорий этилиб, унга асосан хўжалик юритувчи субъект тмонидан манзили ёки банк реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотларни ваколатли Давлат органларига тақдим этмаслик ёки ёлғон маълумотларни тақдим этиш, мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн баробаридан ўн беш баробаригача миқдорда жарима солинишига олиб келиши кўрсатилган.

## Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Молиявий фаолиятнинг асосий хусусияти нимадан иборат.
2. Молиявий фаолиятни амалга оширувчи органларни санаб беринг.
3. Молиявий ҳуқуқ нима.
4. Молия ҳуқуқида манбалар тушунчасини таърифланг.

## мавзу бўйича қўйилаётган муаммолар:

-соликда ҳуқуқий муносабатлар алоҳида ҳуқуқий соҳани ташкил эта олиши муаммоси;

-молия ҳуқуқининг таркибий қисмлари ва солиқ ҳуқуқини ажратувчи белгилар;

-солиқ ҳуқуқи тамойилларини аниқловчи ва белгиловчи омиллар;

-солиқ ҳуқуқи манбаларини гуруҳлаштириш муаммоси.

## Таянч иборалар

молиявий муносабатлар,

молиявий фаолият,

солиқ ҳуқуқи,

хусусий назарияси,

молиявий ҳуқуқ тамойиллари,

давлат даромадлари таркиби,

солиқ ҳуқуқи тамойиллари

## Фойдаланилган адабиётлар:

**1,2,5,7,8,10,14,16.19,21,24.**

## 6-Мавзу: Солиқ қонунчилиги тизимида молиявий ва маъмурий жазо чоралари.

**Режа:**

1. Солиққа тортиш жараёнида солиқ қонунчилигининг бузилиши турлари.
2. Солиқ амалиётида молиявий ва маъмурий жазо чоралари ҳамда уларнинг қўлланилиши.
1. Солиқ қонунчилигида молиявий санкциялар.

### 1. Солиққа тортиш жараёнида солиқ қонунчилигининг бузилиши турлари.

Солиққа тортиш ва солиқ сиёсатини амалиётга тадбиқ қилиш йўлида ўрнатилган тартибини назорат қилиш, давлат солиқ идоралари зиммасига юклатилган.

Ушбу тартиб ва қонун – қоидалар бузилган тақдирда, солиқ тўловчиларга нисбатан тегишли жарима ва жазо чоралари қўлланилиши кўзда тутилган.

Солиқ қонунларини бузилишида қўлланиладиган жарималарнинг турли мамлакатларда турли хил (оғиррoқ ва енгилрoқ) бўлиши, аввало ўша мамлакатнинг ривожланиш даражасига, даромадларнинг тақсимланиши ва қайта тақсимланишига, пул инфляциясига, ишсизлик даражаси ва бошқа иқтисодий элементларга боғлиқдир.

Лекин мамлакатни ривожланиш даражасидан қатъи назар, унинг иқтисодий кўрсаткичларига қарамасдан, уларнинг ҳаммасида давлат манфаатларини сақлаш ҳамда уни ҳимоя қилиш муаммолари мавжуддир.

Солиқлардан қочиш, уларни яшириш ва тўламаслик каби масалалар бўйича ҳар бир мамлакатнинг ўзига яраша ҳимояси, унга қарши кураш олиб бориш ва қонунбузарликни олдини олиш стратегияси мавжуд.

Солиқларни тўлашдан бўйин товлаш деганда юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқ идораларида рўйхатдан ўтмай ва солиқ тўлашдан бўйин товлайдиган фаолиятлари тушунилади. Бундай фаолиятлар очиқ ошкор тусда ҳам бўлиши мумкин. Бунда солиқ тўловчилар солиқ идораларидан рўйхатдан

ўтадилар, тегишли ҳисоб-китоб ва солиқ ҳисоботларини топширадилар, лекин олган даромадларини ҳисоботларда тўлиқ кўрсатмасдан бир қисмини яширадилар.

Солиқ тўловчилар умуман тегишли идоралардан рўйхатдан ўтмай, ҳеч қандай солиқ тўламасдан яширин фаолият олиб боришлари ҳам мумкин.

ғарб экспертларининг маълумотларига қараганда, ялпи миллий маҳсулотда ҳуфия иқтисодиётнинг ҳажми Белоруссияда 18-25, Болгарияда 29-32, Қозоғистонда 35-40,Россияда 40-45, Украинада 45-48, Озарбойжонда 58-68, Грўзияда 64-69 фоизга тенг.

Ривожланган мамлакатларнинг солиқ тизимларини ва уларнинг меъёрий ҳужжатларини таҳлиллари шуни кўрсатадики, ҳар бир мамлакатда солиқ ва тўловларни тўлашдан бўйин товлаш ва уларни яшириш учун бир қатор усуллар ишлатилади. Уларни олдини олиш, бундай фаолиятлар натижасида давлат бюджетига келтирилаётган зарарларни қоплаш ва келгусида бундай фаолият юргизмасликка қарши курашда қўлланиладиган жарималар ҳам муҳим ўрин тутади.

Мамлакатда барча коорпорациялар даромад олган ёки олмаганликларидан қатъий назар тегишли формадаги декларацияларни тўлдиришлари шарт. Декларацияда кўрсатилган солиқ суммаларини муддатида камида 90 фоизини тўламаган солиқ тўловчиларга нисбатан жарима суммалари белгиланади.

Декларация топшириш муддатини узрли сабабларга кўра узайтирилиши ҳам мумкин, лекин кечиктирилган вақт учун тегишли фоизлар ҳисобида устамалар ҳисобланади. Одатда коорпорациялар солиқ суммаларини йил давомида тахминий баҳолаш усули билан бюджетга ўтказиб борадилар. Тўлов муддатлари эса йилига 4га бўлинган ҳолатда ҳисоб-китоб қилинади. Жарима суммалари қуйидаги ҳолларда ҳисобланмайди:

-солиқ ставкалари тўғри қўлланилиб ҳисобланмаган бўлса;

-ўтган йил учун декларацияда кўрсатилган тахминий ҳисобланган солиқ суммалари ўз муддатларида тегишли бюджетга ўтказилса;

-жорий йиллик тўланадиган сумманинг камида 90 фоизи тўланган бўлса ва ҳ.к.

Фуқаролар учун жарималар асосан декларацияларни топширмаганликлари ёки декларацияда кўрсатилган солиқ суммалари тўламаганликлари учун қўлланилади. Фуқароларни декларацияларни тўлдиришда криминал ишларни амалга оширганликлари аниқланса, декларация тўлдирилган вақтдан бошлаб 3 йил муддат давомида жиноий иш қўзғатишга ҳуқуқ берилган.

Агар солиқ декларациялари фирибгарлик йўли билан тўлдирилганлиги аниқланса, ҳамда унда кўрсатилган солиқ суммасини кўпи билан 25 фоизигина тўланган бўлса жиноий иш қўзғатиш муддати 3 йилдан 6 йилгача қилиб ўзайтирилади.

Бу муддатга солиқ декларацияларини умуман топширмаган, олган даромадларида жиноят аломати бор бўлган фуқаролар ҳам киради. Мамлакатда декларацияда кўрсатилган суммани тўлаш муддати жорий йил учун кейинги йилнинг 15 апрелигача қилиб белгиланган бўлиб, тўланган солиқ суммаси декларацияда кўрсатилган сумманинг 10 фоизидан кам бўлса, автоматик тарзда жаримага тортилади.

Ҳар йили ўртача 100 миллиондан кўпроқ декларацияларни ҳисоб – китоб қилувчи ички даромадлар бюросининг фаолиятига кейинги йилларда анча ўзгаришлар киритилган бўлиб, у ўзгаришлар асосан солиқ тўловчиларнингманфаатлари ҳимоя қилинган.

Масалан; йиллик солиқ суммаларини бирданига эмас тегишли муддатларда бўлиб тўлаш, мол – мулкини мусодара қилиш тўғрисида 30 кун аввал хабардор қилиш кабилардир.

Давлатнинг бундай йўл тутишига сабаб, ўрта ва кичиқ корхоналарни банкротликка, фуқароларни эса уй – жойларидан маҳрум бўлиши каби негатив ҳолатларнинг кўпайиб кетганлигидадир.

Агарда солиқ суммалари қасддан яширганлиги аниқланса, у ҳолда аниқланган сумма 100 фоиз миқдорда жаримаси билан бюджетга ҳисобланиб, жавобгарликка тортилади.

Агар солиқ тўловчи ўз мажбуриятларини бажармаса, қонун юридик жавогарликни назарда тутади. Чунончи, солиқ тўлашдан бош тортиш дегани алдов, яшириш ёки бошқа усуллар билан солиқ тўлашдан қочиш учун қонун ёки бошқа меъёрий ҳужжатларни бузиш мақсадларида солиқ тўловчиларнинг атайин содир қиладиган ғайриқонуний фаолияти англанилади. «Осон пул топиш»ни кўзлаган ноинсоф солиқ тўловчилар молиявий ҳисоботга оид бухгалтерия ҳужжатларини қалбакилаштириш ёки йўқ қилиш, солиққа тортиш обеъктларини пасайтириш ва яшириш, ишлаб чиқариш чиқимларини ошириб кўрсатиш, кейин учинчи бир шахслардан олиш билан бошқа шахсларга даромадларини беришга ҳам урунадилар.

Солиқ интизоми, солиқ тўланганлиги тўғрилигини текшириш якунлари бўйича тегишли ҳужжатлар нашрида молиявий чораларни қўллаш ҳам назарда тутилган.

Солиқ идораларига тўлов муддатини кечиктириб тўлаган шахслар эса солиқ миқдоридан ташқари, кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,07 фоиз миқдорида пеня тўлайдилар.

Солиқ идоралари, шунингдек, қонун бузувчиларнинг банк ҳисоб варақларидан маблағларни акцептсиз ҳисобдан чиқариш, квитанцияларни тортиб олиш, берилган лицензияларни бекор қилиш чораларини кўришга хақлидирлар. Шу билан бирга, қонунни бузган солиқ тўловчиларга нисбатан судга тортиш чоралари ҳам қўлланилиши мумкин.

**2. Солиқ амалиётида молиявий ва маъмурий жазо чоралари ҳамда уларнинг қўлланилиши.**

Молиявий жарималар – солиқ органлари томонидан солиққа тортиш тўғрисида амалдаги қонунларга риоя қилмайдиган солиқ тўловчилар ва мансабдор шахсларга давлат йўли билан иқтисодий таъсир ўтказиш қуроли бўлиб, фойда ва даромаларни яширганлик учун, солиқ суммаларини ўз вақтида

ўтказмаганлик, бухгалтерия ҳисоб – китобларини олиб бормаганлик ва тегишли ҳисоботларни муддатларида топширмаганликлари учун бюджетга ундириладиган молиявий маблағлар.

Жарималар тўловчиларга қонуний тарзда юклатилган мажбуриятларини бажармаганликлари учун қўлланилади. Солиқ қонунларини бўзувчиларга нисбатан давлат мажбур қилиш чораларини қўллаши ҳам мумкиндир.

Юридик жавобгарлик мураккаб ҳуқуқий ҳодиса бўлиб, унинг моҳияти, тушунаси ва мазмуни ҳақида кўп баҳслар бормоқда ю бу баҳсларнинг моҳиятига чуўурлашмаган ҳолда юридик жавобгарлик – жисмоний ёки юридик шахснинг ҳуқуқий норма санкциясида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун муайян шахсий ёки мулкий номақбул оқибатларни бошдан кечиришга мажбурлигидир.

Юридик жавобгарлик қуйидаги белгилари ва жиҳатлари билан ажралиб туради;

- Жиноий жавогарлик,
- Маъмурий жавобгарлик,
- Интизомий ва фуқаровий жавобгарлик,
- Мулкий ёки фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик.

Юридик жавобгарлик ҳамма вақт қонунбузарларга нисбатан муайян салбий оқибатлар келтириш билан боғлиқ бўлиб, салбий оқибатлар деганда ҳар қандай ноқулай натижа, масалан, лицензия ёки эркинликдан маҳрум қилиш, жарима ёки ишдан бўшатиш кадбилартушунилади.

Солиқ тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун солиқ (хўжалик юритувчи субъктлар, уларнинг мансабдор шахслари, фуқаролар) ҳам давлат солиқ органлари (уларнинг мансабдор шахслари) ҳам юридик жавобгар бўлишлари мумкин.

Маъмурий жавогарлик – солиқ тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарликнинг ҳаммадан кўп қўлланиладиган туридир.

Маъмурий жавобгарлик – юридик жавобгарлик тури бўлиб, вакил қилинган орган ёки мансабдор шахснинг қонунбузарлик қилган шахсга нисбатан маъмурий жазо чорасини қўллашда ифодаланади.

Солиқ муносабатлари соҳасида қўлланиладиган давлат мажбурловчи қуйидаги ўзига хос ҳусусиятларга эга бўлади:

- Улар ҳуқуқий шахсларга ҳам, жисмоний шахсларга ҳам бирдек қўлланилади;
- Солиқ соҳасида қонунчиликни таъминлаш, солиқларни тўлаш қоидаларига риоя этилишини таъминлашга қаратилган бўлади;
- Молиявий чоралари жазо чоралари, маъмурий мажбурлов ва жиноий жазо чораларини солиққа мажбурлаш чораси сифатида қўлланиладиган механизмларни тегишлича молия ҳуқуқи, маъмурий ва жинои қонунчилик ҳуқуқий қонунчилик соҳаларида назарда тутилади;
- Қоида тариқасида солиққа оид мажбурлов чораларининг махсус органлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан судсиз тартибда қўлланилади;
- Солиқ соҳасидаги мажбурлов чоралар тизими аҳамияти, таъсир кучи ва миқиёслари бўйича турли-туман жазоларни назарда тутади;
- Солиқ соҳасидаги давлат мажбурловининг асосий мақсади солиқ қонунларга қатъий амал қилинганликни, солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ давлат бюджетига келиб тушишини таъминлашдан иборат бўлади;
- Солиқ соҳасидаги мажбурлов чораларини қўллаш тартиби молиявий қонун ҳужжатларда маъмурий процессуар нормаларда белгилаб қўйилади, яъни маъмурий ҳуқуқ рамкасида қўлланилади;
- Солиқ соҳасидаги мажбурлов чоралари соддалаштирилган тартибда (ҳуқуқбузарлик аниқланади- қайд этилади, баённома ёки далолатнома воситасида-жазо қўлланилади) тадбиқ этилади;
- Солиқлар билан боғлиқ давлат зўрлиги ишлатилиши чоғида таъсирчан прокурор назоратини амалга ошириши, солиқ органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ҳатти-ҳаракатлар устидан судга шикоят қилиш

ҳуқуқини таъминлаш орқали ва бошқа воситалар билан қонунчилик режими таъминланиши, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя этилиши лозим.

Маъмурий ҳуқуқий жавобгарлик солиқ қонунларни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик ҳақидаги кодексда ҳамда молиявий ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган тартибда ва миқдорда молиявий-ҳуқуқий жазо чораларини кўриш йўли билан қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 13-бобида(164-179 моддалар) солиқ ва тадбиркорликка оид қонунларни бузганлик учун маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлик чоралари кўзда тутилган.

Бундан ташқари жиноят кодексининг 184, 187, 189 моддалари ҳам мавжудки, бу моддалар бевосита маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс доирасидан чиқиб, жиноий жавогарлик ҳолатлари борлиги учун солиқ органлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар зиммасига ўтказади.

Солиқ органларининг мансабдор шахсларга ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ ҳизмати» тўғрисидаги қонуннинг 5-моддасини 9-бандига асосан солиққа оид қонунбузарликлар ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш ва юридик ҳамда жисмоний шахсларга нисбатан молиявий жазо қўллаш;

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазолар қўллаш каби ҳуқуқлари берилган

**3. Солиқ қонунчилигида молиявий санкциялар.**

Молиявий санкциялар сифатида жисмоний ва ҳуқуқий шахсларга нисбатан қуйидаги жазолар қўлланилиши мумкин.

Жумладан:

- Солиқдан яширилган даромадни, тегишли ҳолларда унинг икки баробар миқдоридаги суммани давлат даромадига тортиб олиш;
- Жарималар солиш;
- Пенялар ундириш;

- Солиқ қонунчилигини бузилишига сабаб бўлган предметларни мусодара қилиш.

Молиявий санкцияларни қўллаш тартиблари ва муддатлари солиқ кодексининг «молиявий жазо чоралари» деб номланувчи 135-моддасида кўрсатиб ўтилган.

Молиявий санкцияларни қўллаш, қилинган қонунбузарликларга нисбатан турли ҳил бўлади.

Жумладан:

1. Юридик шахсларнинг солиқ органида рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаши қуйидаги миқдорида жарима солишга олиб келади;

- агар фаолият 30 кунгача амалга оширилган бўлса – энгкам иш ҳақининг 50 баробари миқдорида, лекин бундай фаолият натижасида олган даромаднинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорида;
- агар фаолият 30 кундан ортиқ муддатда амалга оширилган бўлса – энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдорида, лекин бундай фаолият натижасида олинган даромаднинг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорида;

2. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахсларнинг солиқ органида рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаши энг кам иш ҳақининг 5 баробари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

3. Даромад яширилган тақдирда солиқ тўловчидан яширилган даромаднинг бутун суммаси ва яна шунда миқдорида жарима ундирилади.Солиқ солинадиган бошқа объектлар яширилган тақдирда солиқ тўловчидан яширилган солиқ солиш объекти учун олинадиган солиқ суммаси ва яна шунча сумма миқдорида жарима ундирилади. Солиқ тўловчи юқоридаги хатти ҳаракатларни молиявий чораси қўлланилгандан кейин бир йил ичида такроран содир этган тақдирда ундан тегишли сумма ва яна шу сумманинг икки баробари миқдорида жарима ундирилади;

4. Солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш зарур бўлган декларациялар, ҳисоб-китоблар ва ҳисоботлар тақдим этмаганлик, ўз вақтида

тақдим этмаганлик ёки белгиланмаганлик шаклда тақдим этганлик учун солиқ тўловчидан тўлов муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун тегишли сумманинг бир фоизи миқдорида , бироқ тегишлиҳисобор даври учун илгари ҳисобланиб чиқарилган тўловлар чегирилиб ташланган ҳолда белгиланган тўлов муддатига тегишли тўлов суммасининг ўн фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима ундирилади;

5. Бухгалтерия ҳисобининг йўқлиги ёки уни белгиланган тартибни солиқлар ва йиғимлар бўйича ҳисоб-китобларнинг бузилишига олиб келадигантарзда бузган ҳолда юритганлик учун солиқ тўловчидан ғқшимча ҳисоблаб чиқарилган сумманинг ўн фоизи миқдорида жарима ундирилади;

6. Фаолият билан лицензиясиз шуғулланганлик учун шу фаолиятда олган бутун даромад (фойда) ва яна шу миқдода жарима ундирилади;

7. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар ҳисоб – китоб акс эттирмаган ҳолда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш операцияларини ўтказгалиги учун улардан ана шу товарлар қиймати миқдорида жарима ундирилади.

8. Солиқлар ва йиғимлар бўйича тўлов муддати ўтказиб юборган ҳар ҳил кун учун 0,15 фоиз миқдорда пеня ундирилади, тўлов куни ҳам шунга киради. Пеня ундириш солиқ мажбуриятларини бажаришдан озод қилмади.

9. Счет-фактуралар белгиланган тартибда расмийлаштирилганлиги учун реализация қилинган товарлар суммасидан 10 фоиз миқдорида мол етказиб берувчи ҳисобидан ундириб олинади.

Солиқ тўловчи солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бир неча бор бузган тақдирда ҳар бир қонунбузарликка нисбатан алоҳида молиявий жазо чоралари қўлланилади.

Агар солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун молиявий жазога тортилган шахс жазони ижро этиш тугаган кундан эътиборан бир йил мобайнида солиқ бўйича такроран қоидабузарлик содир этмаган бўлса, у жазога тортилмаган ҳисобланади.

Жисмоний шахслардан бюджет олдидаги қарзлари ва молиявий санкция тариқасида қўлланилган жарима ёки бошқа тўловлар фақат суд тартибида ундириб олиниши мумкин.

Юридик шахслардан эса солиқ бўйича қарзлар ва бошқа мажбурий тўловларни, жарималар ҳамда бошқа молиявий жазо сифатидаги суммаларни низосиз тартибда ундириб олиниши белгилаб қўйилган.

Ушбу масалалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 8 ноябрдаги 387 сонли «Корхона ва ташкилотларнинг солиқлар носолиқ тўловлар бўйича бюджет олдидаги қарзлари юзасидан уларнинг мол-мулкларидан ҳақ ундириш тартиби тўғрисидаги Низомда» ҳам назарда тутилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, солиқ муносабатларида қонун ва қоидаларни ҳурмат қилиш ва унга амал қилиш ҳар бир субъектнинг ҳам маъмурий ҳам молиявий жарималардан ҳоли қилади ва янада ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

XXIчи аср бўсағасида, иқтисодиётнинг солиқ қонунчилигида қўлланилаётган мажбуриятлар ривож топаётган бир пайтда, давлат ва тўловчилар мажбуриятлари мувозанати деган ибора ишлатилмоқда. Шу борада ўйлаймизки, солиқ интизомига риоя қилиш йўналишида альтернатив усулларни ҳам кенг қўлланилиши лозимдир

Солиқ қонунчилигига риоя қилиш мақсадида, солиқ идоралари махсус режа ва чора – тадбирлар ишлаб чиқишлари мақсадга мувофиқдир[3]. Бунда, айниқса наст поғонадаги инспекцияларида, уларни мақомини ва ташкилий тузилишни қайта кўриб чиқилишига эътибор бериш керак. Шу билан бирга, Давлат солиқ Қўмитаси ўз ваколати доирасида солиқлардан бўйин товлашга қарши ўз методларини ишлаб чиқариши лозимдир.

Қўмита тизимида мавжуд бўлган, яширин ишлаб чиқариш ҳажмларини аниқлаш бўйича бошқарма ва унинг тизимидаги солиқ тўловчилар фаолияти

---

[3] И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида; хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» Тошкент «Ўзбекистон» 1997 йил 325 бет. 86-87 ва 158-159 бетлар.

маниторинги бўлими кучайтирилиб, хатти –ҳаракатни фаоллаштириш лозим. Бундан ташқари, криминал фойда хизматини ҳам ташкил қилиш керак.

## Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1.Молиявий жазо чоралари қандай ҳолатларда қўлланилади.

2.Маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда нима тушунилади.

3.Солиқ тўғрисидаги қонун соҳаларида маъмурий ҳуқуқбузарлик нима.

4.Тадбиркорлик фаолияти билан солиқ қонунчилигининг боғлиқ жойи нимада.

-қонунчилик тизимида солиқ қонунлари.

## Таянч иборалар

солиқ тўлашдан бош тортиш,молиявий жазо,солиқ махфийлиги,маъмурий жазо,тенг ҳуқуқлилик,маъмурий жавобгарлик

ҳуқуқбузарликнинг умумий таркиби

## Фойдаланилган адабиётлар:

Асосий адабиётлар:3,4,6,9,10,12.

Қўшимча адабиётлар: 17,19,20,24.

**7-Мавзу: Солиқ қонунларининг замон ва макон нуқтаи-назаридан шахслар ўртасидаги ҳаракати. (4 соат)**

**Режа:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитасининг ташкил этилиши.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитасининг ҳуқуқий базаси, таркиби.
3. Давлат Солиқ Қўмитасининг ҳуқуқи ва вазифалари.

**1. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитасининг ташкил этилиши.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ хизмати ўз ваколати доирасида солиқ солишнинг субъективлари ва объективлари, солиқ базасини белгилаш, солиқ имтиёзларини қўллаш, солиқ қонун ҳужжатларининг айрим қоидаларини тушунтириш билан боғлиқ масалалар бўйича умумий мажбурий тусда қабул қиладиган меъёрий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишиб олиниши ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Давлат бошқаруви вазифаларининг мураккаблашуви солиқ органлари тизими фаолиятининг самарадорлигига нисбатан талабнинг оширилиши Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонунни ва Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 12 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси» фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисидаги 14-сонли қарорга асосланади.

«Давлат солиқ хизмати тўғрисида» ги қонуннинг 8-моддасига мувофиқ давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслари хизмат вазифаларини бажариш пайтида давлат ҳокимиятининг вакиллари ҳисобланади.

Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг солиқ қонунчилигига риоя этиш хусусидаги талаблари  барча юридик ва жисмоний шахслар ижро этилиш учун мажбурийдир.

Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг қонуний фаолиятига ҳеч кимнинг аралашувига ҳаққи йўқ. Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг ўз хизмат бурчларини бажаришларига тўсқинлик қилиш, уларнинг шаъни ва ор - номусини ҳақоратлаш, улар хизмат бурчларини бажараётганида қаршилик кўрсатиш, таҳдид солиш, зўравонлик қилиш қонун ҳужжатларида кўрсатилган жавобгарликка олиб келади.

«Давлат солиқ хизмати тўғрисида» ги қонуннинг 10-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг раиси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва кейин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиснинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри давлат солиқ бошқармаларининг, вилоятлар давлат солиқ бошқармаларининг бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

10-модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида санаб ўтилган давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслари солиқ хизмати тегишли органларининг раҳбари томонидан тайинланади.

«Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасига мувофиқ давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахсларига улар эгаллаб турган мансаблар ва иш стажига мувофиқ қуйидаги махсус унвонлар берилади:

- солиқ хизматининг бош давлат маслаҳатчиси;
- солиқ хизматининг I даражали давлат маслаҳатчиси;
- солиқ хизматининг II даражали давлат маслаҳатчиси;
- солиқ хизматининг III даражали давлат маслаҳатчиси;

- солиқ хизматининг I даражали маслаҳатчиси;
- солиқ хизматининг II даражали маслаҳатчиси;
- солиқ хизматининг III даражали маслаҳатчиси;
- солиқ хизматининг I даражали инспектори;
- солиқ хизматининг II даражали инспектори;
- солиқ хизматининг III даражали инспектори;
- солиқ хизмати инспектори.

Махсус унвонларни бериш ва улардан маҳрум этиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Солиқ ишларини юритишда давлат ҳокимияти, бошқарув идоралари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан муносабатлари.

Давлат солиқ идоралари ўз олдиларига қўйиладиган вазифаларни бажариш ва ўз функцияларини амалга ошириш давомида давлат бошқарув идоралари билан доимий ҳамкорлик қиладилар. Давлатнинг бошқарув идоралари билан ўзаро муносабатларда аниқ солиқ идораларининг мазкур вазифа ва функцияларини қандай даражада бажаришини ҳам белгилаб беради.

Давлат идоралари тизими умумий ваколатли, функционал ва тармоқ идораларининг бир бутун ҳолда ўзаро ҳамкорлик қилувчи тизимини ифодалайди. Шу сабабли давлат солиқ идораларининг давлатнинг бошқа тизимлари билан ўзаро алоқалари характерини ўрганиш мустақил таҳлил ва доимий тармоқланиш объекти сифатида қаралиши керак. Солиқ идораларининг Республика иқисодиётига таьсирининг кенглиги мазкур идоралар иш шакллари ва фаолият мазмунининг ўзига хослигини ҳисобга олсак, ушбу муаммога катта эътибор бериш жуда муҳимлиги тўғрисида хулоса келиб чиқади.

Солиқ қонунлари сўзсиз равишда ўзгартиришларга муҳтож бўлган бир шароитда давлатда таркиб топаётган солиқ вазияти, солиқларнинг тўғри ҳисобланиши ва уларнинг бюджетга тўлиқ миқдорда киритилиши солиқ идораларини ташкил этиш пайтида улар олдига қўйилган мақсадларига

эришиши, солиқ тўловчиларнинг ўзларининг муносабатлари, солиқ қонунларига риоя қилиниши кўп жиҳатдан Республикадаги солиқ, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа органларининг мувофиқлаштирилган тарздаги, амалий, оператив равишдаги баҳамжиҳат характерга боғлиқ бўлади.

**2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитасининг ҳуқуқий базаси, таркиби.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси давлат органлари билан биргаликда солиқ қонунларининг қўлланилиши амалиётини мунтазам тарзда таҳлил этади ва умумлаштиради, улар асосида амалда меъёрий ҳужжатларга республикадаги иқтисодий вазиятнинг ривожланишини талаб қиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни киритиш юзасидан тегишли таклифларни тайинлайди.

Давлат солиқ қўмитасининг иштирокида вужудга келадиган маъмурий - ҳуқуқий муносабатларни кўриб чиқарканмиз, уларнинг ичида давлат қўмитаси назорат остидаги томон бўладиган ва давлат солиқ қўмитаси намоён бўладиган муносабатларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчи ҳолда бу давлат солиқ қўмитаси билан ижрочилик ҳокимиятининг раҳбар Ўзбекистон Республикаси Президенти, шунингдек ҳокимиятнинг олий вакиллик органи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва республика ижрочилик ҳокимияти органи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўртасида вужудга келадиган муносабатлардир. Давлат солиқ қўмитасининг республикадаги давлат ва ижрочилик ҳокимияти раҳбар республика президенти билан муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Конститутция нормаларида белгилаб берилган.

Конститутциянинг 89-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Преизденти айни вақтда Вазирлар маҳкамасининг раиси ҳисобланади, бунда у ўзига юклатилган ваколатларга мувофиқ равишда ижро этувчиҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади, республика

олий ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади, республика олий хонимият ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси вазирликларини, давлат қўмиталарини ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органлари тузади ва тутади, шу масалаларга доир фармонларни Олий Мажлис тасдиғига киритади. (Конститутциянинг 93-моддаси 8-банди).

Президент, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирла Маҳкамасининг аъзоларини лавозимларга тайинлайди ва бўшатади. (93-модданинг 9-банди),республика бошқарув органларининг қабул қилган ҳужжатларини тўхтатади ва бекор қилади, ниҳоят Ўзбекистон Республикасининг қонунларини имзолайди (93-моддасининг 14-банди).

Президентнинг Республика Конститутцияси ва қонунлари асосида ва уларни ижро этиш юзасидан чиқарадиган фармонлар кўпинча директивлар ва аниқ вазиваларданиборат бўладики, бундан хунуматнинг ва давлат солиқ қўмитасининг ўзаро муносабатлари масаласига келганда қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Бундай ҳуқуқий муносабатлар учун қуйидагила беглиловчи омил ҳисобланади: олий мажлис Ўзбекистон Республикасининг Конститутциясига мувофиқ унинг ваколатларига киритилган ҳар қандай масалани, шу жумладан, масалан, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилишга (Ўзбекистон Республикаси Косннтитутциянинг 78-моддаси 8-банди) доир масалани ўзини кўриб чиқиш учун қабул қилишга ҳақлидир.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси конститутцичсининг 78-моддаси 19-бандига ва «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида» ги Конститутцияси қонуннинг 4-модда 19-бандига мувофиқ Олий Мажлиснинг Президентнинг Вазирлар, Давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини ташкил этиш ва тугатиштўғрисидаги фармонларни тасдиқлайди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг ижро этувчи органларининг тизхимининг ва ваколатларини белгилаш Олий

Мажлиснинг фавқулотда, ваколатларига киритади.агар Республика Президенти Давлат бошқаруви органларининг ҳужжатларига нисбатан уларни тўхтатиб қўйиш ёки бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлса Олий Мажлис бундай юридик ваколатларига эга эмас, бироқ «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис тўғрисида» ги Конститутция қонуннинг 11-моддасига мувофиқ у республика Олий Мажлисининг қонунлар ва бошқ ҳужжатларнинг ижро қилиниши устидан назоратни амалга ошириади ва шубҳасиз, солиққа тортиш соҳасида амал қиладиган қонуний активларни назорат қилиш борасида бу иккала органннинг баҳамжиҳат ҳаракат қилмаслиги мумкин эмас.

Олий Мажлис ўзининг доимий амал қилувчи қўмиталари ва комиссиялари орқали давлат солиқ қўмитасининг фаолиятига жиддий таъсир кўрсатиб туради.

Депутатларнинг сўров билан мурожот қилиши ҳам давлат қўмитаси билан давлат ҳокимиятининг вакиллик органларини баҳамжиҳат ҳаракатини яна бр қирраси бўлиб хизмат қилади.

Олий Мажлис Вазирлар Маҳкамасининг ҳар қандай аъзосининг улар бошқарадиган орган фаолияти масалалари бўйича ҳисоботини эшитиш ва зарур бўлганида унинг истеъфоси ҳақидаги таклифни республика президентининг кўриб чиқиши учун киритиш ҳуқуқига эгадир. Бу Олий Мажлиснинг давлат органлари фаолиятининг назорат қилишнинг амалий шаклидир.

Шундай қилиб, Давлат Солиқ қўмитаси билан Республика вакиллик ҳокимияти олий органининг баҳамжиҳат ҳаракати аввало Олий Мажлиснинг қонунчилик функцияларини амалга ошириш жараёнида намоён бўлади.

Давлат Солиқ қўмитаси билан Республика ҳукумати ўртасида жуда мустаҳкам ўзаро муносабатлар мавжуд. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси ҳукумати республиканинг ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади ва бутун давлат бошқарув органлар тизимига уларнинг

келишилган тарздаги фаолиятини таъминлаган ҳолда раҳбарлик қилади. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонуннинг 1-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг фаолият доирасига тегишли бўлган Ўзбекистон Республикаси конститутциясига ва у тўғрисидаги қонунга биноан маҳкаманинг ваколатларига кирадиган давлат ва хўжалик бошқарувининг ҳамма масалаларини ҳал этишга ҳақлидир.

Айни вақтда Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар ва давлат қўмиталарининг, идоралар ва давлат бошқарувининг бошқа органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб туради ва йўналтирилади, шунингдек вазирликлар давлат қўмиталари тўғрисидаги тегишли низомларни тасдиқлайди, яъни давлат органининг тузилишини ва унинг ваколатларини белгилайди, қонуннинг ушбу нормалари бошқа барча давлат бошқаруви органлари сингари давлат солиқ қўмитаси ҳам Вазирлар Маҳкамасига бўйсуниши ва унинг олдида маъсулиятли эканлигини билдиради.

Ҳукуматнинг давлат солиқ қўмитасига бевосита раҳбарлик қилиш давлат солиқ қўмитаси амал қиладиган меъёрий ҳужжатлар; умумий директивлар ёки аниқ кўрсатмалар чиқариш орқали ҳам намоён бўлади 1994 йил 4 мартдаги 114-сонли қарорига мувофиқ, тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг давлат солиқ қўмитаси тўғрисдаги низомнинг 6-бандига қаралсин. Давлат солиқ қўмитасининг ҳужжатлари ҳусусида шу айтиш мумкинки, агар улар амлдаги қонунларга зид бўладиган бўлса, ҳукумат уларни бекор қилиш мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг давлат солиқ қўмитасининг фаолият устидан амалга оширишга доир функцияси «Ўзбекистон Республикасининг вазирлар маҳкамас тўғрисида» ги қонунда мустаҳкамланган ва у одатда қўмита раҳбариятининг аниқ, масалар юзасидан ахборотининг мунтазам равишда тинглаб турилиши орқали амалга оширилади. Давлат солиқ қўмитаси солиқ ва божҳона қонунларини такомиллаштиришга доир

таклифларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига киритиш бўйича тўлиқ ҳуқуқига эгадир.

Давлат солиқ қўмитаси ўзига юклатилган асосий вазифаларга мувофиқ равишда шунингдек Қорақолпоғистон Республикаси вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига солиқлар ва бошқа тўловларни келиб тушишига доир топшириқларнинг бажарилиши натижаларини таҳлил этиш ва кейинчалик бу тўғрисида вазирлар маҳкамасига ахборот бериш функциясини ҳам ижро этади.

Давлат солиқ қўмитаси хорижий инвесторларнинг инвестиция фаолиятини солиқлар ва божхона воситасида, тартибга солиш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқишда, солиқ ва божхона сиёсатини мувофиқлаштириш масалалари бўйича хорижий давлатлар билан ҳукуматлараро битимлар ва шартномаларни тайёрлаш ва имзолашда, икки ёқлама солиқ солинишини бартараф қилиш юзасидан ҳукуматнинг топшириғига биноан ҳукуматлараро тасдиқлаш ва имзолашда иштирок этади.

Вакиллик ҳокимиятининг маҳаллий органлари давлат бошқаруви органлари билан турли йўналишлар бўйича баҳамжиҳат ҳаракат қилади. Давлат солиқ идораларнинг маҳаллий ҳокимият органлари билан баҳамжиҳат ҳаракати уларнинг Ўзбекистон Республикасида ўтказиладиган ягона солиқ сиёсатини амалга оширишда, Қорақолпоғистон республикаси, вилоятлар ва шаҳарлар бюджетларига солиқлар ва бошқа тўловларни келиб тушишларини таъминлаш борасидаги топшириқларнинг бажариш натижаларини таҳлил этишда қатнашишида намоён бўлади. Бундай назорат қиладига объектлар ҳам тегишли маҳаллий ҳокимият органининг худудида жойлашган бўлади.

**Ўзбекистон Республикаси Солиқ хизматининг таркибий тузилмаси.**

Қорақалпоғистон республикаси ва Тошкент шаҳри давлат солиқ бош бошқармасининг

**ТУЗИЛМАСИ**

**Давлат солиқ бош бошқармаси бошлиғи**

1. Котибият
2. Ташкилий ва кадрлар билан ишлаш бўлими
3. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ қонунчилигига риоя қилинишини текшириш бўйича махсус назорат тафтиш бўлими
4. Назорат қилувчи органларни мувофиқлаштириш бўлими
5. Биринчи бўлим

***Бошлиқнинг биринчи ўринбосари***

6. Ҳисоб, таҳлил ва статистика бўлими
7. Услубият ва даъволар иши бўлими
8. Валюта назорати бўлими
9. Боқимандани мажбурий тарзда ундириш бошқармаси
10. Комньютер маркази
11. Сервис маркази
12. Молия, бухгалтерия ҳисоби ва моддий техника таъминоти бошқармаси

**Бошлиқ ўринбосари**

13. Юридик шахсларни солиққа тортиш бошқармаси
14. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар, табиий ресурсларга ва бошқа даромадларга солинадиган солиқлар бошқармаси

**Бошлиқ ўринбосари**

15.Назорат - тафтиш ва махсус ишлар бошқармаси

**Бошлиқнинг режим бўйича ўринбосари**

16. Ўз хавфсизлиги бўлими
17. Навбатчи қисм

**Вилоят солиқ бошқармасининг**
**ТУЗИЛМАСИ**

**Давлат солиқ бош бошқармаси бошлиғи**

1. ғрдамчи
2. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ қонунчилигига риоя қилинишини текшириш бўйича махсус назорат тафтиш бўлими
3. Назорат қилувчи органларни мувофиқлаштириш бўлими
4. Биринчи бўлим

| |
|---|
| 5. Ташкилий ва кадрлар билан ишлаш бўлими<br>6. Ҳуқуқ бўлими<br>7. Молия, бухгалтерия ҳисоби ва моддий техника таъминоти бошқармаси |
| **Бошлиқнинг биринчи ўринбосари** |
| 8. Ҳисоб, таҳлил ва статистика бўлими<br>9. Валюта назорати бўлими<br>10. Боқимандани мажбурий тарзда ундириш Бошқармаси<br>11. Комньютер маркази<br>12. Сервис маркази |
| **Бошлиқ ўринбосари** |
| 13. Юридик шахсларни солиққа тортиш бўлими<br>14. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар, табиий ресурсларга ва бошқа даромадларга солинадиган солиқлар бўлими<br>15. Табиий ресурсларга солинадиган солиқлар бўлими |
| **Бўлим ўринбосари** |
| 16. Назорат – тафтиш ва махсус ишлар бўлими<br>17. Махсус ишлар бошқармаси<br>18. Савдо ва хизматлар соҳаси устидан назорат қилиш бўлими |

| **Бошлиқнинг режим бўйича ўринбосари** |
|---|
| 19. Ўз хавфсизлиги бўлими<br>20. Навбатчи қис |

| |
|---|
| Туман, шаҳар, шаҳардаги туман давлат солиқ инспекциясининг **ТУЗИЛМАСИ** |

| **Давлат солиқ бош инспекциясининг бошлиғи** |
|---|
| 1. Бухгалтерия<br>2. Махсус назорат тафтиш бўлими<br>3. Савдо ва хизматлар соҳаси устидан назорат қилиш бўлими |

| **Бошлиқнинг ўринбосари** |
|---|
| 4. Юридик шахсларни солиққа тортиш бўлими<br>**5.** Тушумларни ҳисобга олиш ва ҳисоботларни қабул қилиш бўлими |

| **Бошлиқнинг ўринбосари** |
|---|
| 6. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар, табиий ресурсларга ва бошқа даромадларга солинадиган солиқлар бошқармаси<br>7. Участка инспекторлари билан ишлаш |

Давлат солиқ инспекцияларининг тегишли маъмурий-ҳудудий бирликда марказлаштирилган идора усули ва қонунчилик режимида иш олиб бориши ҳам кўриб чиқилаётган органларнинг муносабатларнинг тавсифлаш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Баҳамжиҳат ҳаракатнинг айни шундай даражасида умумдавлат ва ҳудудий маълумотларнинг қўшиб олиб борилиши, маҳаллий ҳокимият органлари ҳудудларини комплекс тарзда ривожлантиришнинг турли ҳилдаги муаммолари вужудга келади. Уларнинг муваффақиятли тарзда ҳал этилиши ҳамкорлик масалаларининг биргаликда муҳокама

қилиниши, вакиллик ҳокимияти маҳаллий органлари вакилларининг иштирокини тақозо этади.

Бундай маҳаллий органлар вакилларининг мустаҳкам ҳаракатлариумуман давлатнинг солиқ сиёсатига оид бўлмаслиги лозим ва мумкин эмас аксинча, маҳаллий ҳокимиятларининг мустақиллигининг кенгайиши минтақавий даражадаги иқтисодий муаммоларни давлат бюджетидан маблағларни жалб қилмасдан ҳал этишига имкон бериб, республика солиқ тизимининг кўпроқ манёврлар қолишига асос бўлади. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларнинг солиқ сиёсати жойлардаги солиқ механизмининг уюшқоқлигидан маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг янги турларини жорий этиш, ставкаларини  ошириш ёки пасайтириш солиқ имтиёзларини қўллаш усулларида фойдаланиб, миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига ва давлат бюджет тақчиллигининг камайишига кўмаклашади.

Солиқ идораларининг ваколатлилиги ва касбий даражаларини ҳисобга олиб, уларга барча даражадаги вакиллик ҳокимиятининг органларига қуйи ҳокимият идораларининг республикада амал қиладиган солиқ қонунларига зид келадиган қарорларни бекор қилиш тўғрисидаги таклифларни киритишдек жуда муҳим ҳуқуқ берилади. Давлат солиқ қўмитаси кундалик фаолият жараёнида давлат бошқарувининг бошқа органлари билан тез – тез муносабатлар давлат назоратининг ушбу марказий органи фаолияти тусини аниқ равишда ажратиб кўрсатади. Бозор иқтисодиёти шароитида солиқлар унинг асосий тартибига солувчи омил бўлади. ҳокимият ва бошқарувнинг деярли барча органлари бу жиҳатини у ёки бу даражада ҳисобга олиши керак бўлади ва айри шу ҳолат Давлат солиқ қўмитасининг ушбу органлар билан кўп турдаги муносабатларининг объектив зарурлигини белгилайди.

Шу жиҳатдан олганда давлат бошқарувининг давлат солиқ қўмитаси ва Молия Вазирлиги сингари органлар тизимининг баҳамжиҳат ҳаракати бир мунча ибратга лойиқдир. Аввало мазкур органлар олдида тўрган вазифа ва мақсадларни умумийлигини таъкидлаб ўтиш керак бўлади.масалан, молия

вазирлиги молия тизими таркибига кирадиган органларни бошқариш жараёнида Ўзбекистон Республикаси молия тизими механизмининг яхлитлигининг, бозор муносабатларининг шаклланиши ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш шароитида нархларни тартибга солишнинг иқтисодий усулларининг аҳамиятини кучайтиришни таъминлай бориб, давлатнинг молиявий, валюта, монополияга қарши нарх-наво сиёсатига мувофиқ келадиган солиқ сиёсатини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ ва молия органларининг корхоналарининг хорижий валютадаги маблағларнинг мажбурий тартибда сотилиши лозим бўлган суммаларининг, шунингдек корхоналарнинг даромадларидан тўлайдиган солиқларнинг тўлиқлиги, тўғрилиги ва ўз вақтида амалга оширилиши устидан назоратни амалга оширадилар. Қайси идорага бўйсунишидан қатъий назар савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарнинг фаолиятини текширишлар фақат давлат солиқ идоралари томонидан Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг молия ва тафтиш органлари билан биргаликда амалга оширилади.

Улар ўтказиладиган валюта операцияларининг амалдаги қонунларга мувофиқлигини ва бунинг учун зарур руҳсатномаларининг мавжудлиги, резидентларнинг бюджетга солиқлар ва бошқа тўловларнинг тўлашга оид мажбуриятларини шунингдек, хорижий валютани Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкига сотишга доир мажбуриятларини бажаришларини, валюта маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни ҳам валютадаги тўловларнинг асосийлигини, ниҳоят валюта операциялари бўйича ҳисоб ва ҳисоботнинг тўлиқлигини ва оперативлигини биргаликда текширишади.

Ўзбекистон Республикасининг ҳамма банк муассаларига солиқ бошқармалари ва инспекцияларини тақдимномаларига биноан корхоналар, муассалар ва ташкилотларнинг ҳисоб варақларидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга оид қарзлар суммасини муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун 0,07 фоиз миқдордаги пенияни ҳисоблаган ҳолда

шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун актларда назарда тутилган жарималар ва бошқа санкциялар суммасини биринчи навбатли тартибда ундириб олиш, фуқаролардан эса суд тартибида ундириб олиш ҳуқуқи берилган.

Банк ёки кредит муассасининг айбига кўра солиқ тўловчининг тўлов топшириқномаси ижро қилинмаган ҳолларда эса ушбу банк ёки кредит муасссадан солиқ тўловчининг ёки солиқ идорасининг топшориқномаси келиб тушган кундан бошлаб тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун солиқнинг тўланмаган суммасининг 0,07 фоиз миқдорида белгиланган тартибда пеня ундириб олинади. Пенянинг  ундирилиши банк ёки кредит муассаларининг солиққа оид топшириқларни бажаришдан озод қилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси асосий вазифани Ўзбекистон Республикасининг қонунларига амалдаги божхона қонунларига риоя қилиниши, давлат солиқлари, йиғимлари, божхона божлари ва бошқа мажбурий тўловларининг тўғри ҳисобланиши ва тўлиқ ҳамда ўз вақтида тўланиши устидан назоратни амалга ошириш жараёнида Республика ҳуқуқини муҳофаза қилиш органлари тизими билан кўпгина аниқ баҳамжиҳат ҳаракат қилиш зарурияти пайдо бўлади.

Давлат солиқ идораларининг Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош Пракуратураси, Ўзбекистон Республикаси миллий ҳавфсизлик бўлинмалари ва уларнинг жойлардаги ҳизматлари билан амалий ҳамкорлиги уларда давлатни иқтисодий мафаатлари ҳимоя қилиш юзасидан қатор умумий вазифаларини мавжудлиги билан боғлиқдир. Уларнинг ҳар бири ўз ваколатлари доирасида тегишли воситалар ва усуллар давлат иқтисодиётига жиноий вазият ҳусусида ахборотларни йиғишни амалга оширади, уларни таҳлил қилади ва аниқланган ҳуқуқбўзарларга нисбатан чоралар кўра бошлайди.

Республиканинг иқтисодий манфаатларини ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш, давлатнинг ягона солиқ ва божхона сиёсатини ўтказишига қаратилган чора тадбирларни амалга

ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси пракуратураси МХХ, ИИВ солиқ ва божхона ҳонунларига риоя қилиниши соҳасидаги жиноятларни зудлик билан ва оператив тергов қилишни ташкил этади. Бундай чора тадбирлар орасида Ўзбекистон Республикаси Пракуратураси бажарадиган чора-тадбирларга катта аҳамият берилади, бу орган солиқ ва божхона идораларидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бериладиган материалларининг кўрилиб чиқилиши устидан амалий назорат юритилишини таъминланиши ва ушбу материаллар юзасидан қўзғатиладиган жиноий ишлар бўйича текширувларнинг бориши, тўлиқлиги, сифати ва муддати устидан қатъий назорат юритиши, судларнинг бундай ишларнинг кўриб чиқишида прокурорларнинг албатта иштирок этишларини таъминлашлари лозим бўлади.

Элатиб ўтилган ҳизматларни солиқлар соҳасидаги ҳуқуқбўзарларга қарши курашдаги куч ғайратларини бирлаштириш, уларнинг кучларни, воситалари ва техник имкониятларини бир жойга тўплаш, кўпроқ сондаги объекларни қидирув ишлари билан қамраб олиши, бу органлардан ҳар бирининг имкониятларидан яхшироқ фойдаланиш учун имкониятлар яратади. Бунда қуйидагилар асосий вазифа ҳисобланади:

- солиқ қонунларига риоя қилиниши тегишли бюджетларга солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши тўлиқ ва ўзвақтида ўтказилиши устидан нахоратни таъминланиши;
- солиқлар соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг огоҳлантирилиши, аниқланиши, очилиши ва тергов қилиниши;
- солиқ жиноятларини содир қилган шахсларнинг маъмурий ёки жиноий жавобгарликка жалб қилиниши ва уларнинг давлатга етказган моддий зарарини тўла қоплашини таъминлаш;
- солиқлар соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;
- солиқ идораларидаги порахўрлик фактларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш солиқ ва божхона идоралари ходимларига нисбатан қилинаётган жиноий ниятларни очиб ташлаш ва ҳуқуқни муҳофаза

қилиш органлари билан биргаликда ҳаракат қилиб уларни бартараф этиш чора-тадбирларни қўллаш йўли билан ушбу ходимлар фаолиятининг хавфсизлигини таъминлаш ;

- солиқ ва божхона идоралари ходимларининг касбий малакаларини ошириш;
- иқтисодий соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни огоҳлантириш ва уларга барҳам бериш масалалари юзасидан ахборотлар билан алмашиниш, солиқ ва божхона қонунларини бузилишлар ҳақидаги ахборотларни умумлаштириш ва таҳлил этиш.

**3. Давлат Солиқ Қўмитасининг ҳуқуқи ва вазифалари.**

Давлат солиқ хизмати органининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- солиқ қонун ҳужжатларига риоя этилиши, Солиқларнинг тўғри ҳисобланиши, солиқлар тўлиқ ва ўз вақтида туланиши устидан назоратни амалга ошириш;
- Солиқ қонун ҳужжатларига ривоя этишда зарур шарт-ларни таъминлаш, Солиқ мажбуриятларини бажаришда Солиқ тўловчиларга ёрдам кўрсатиш;
- Солиқ сиёсатини амалга оширишда бевосита иштирок этиш;
- Солиқ солиш субъектлари ва объектларини тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олишни таъминлаш;
- солиққа доир ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, олдини олиш ва бартараф қилиш:
- назорат қилувчи органлар томонидан хужалик юритувчи субъектлар молия-хужалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилишларнинг ҳаммасини мувофиқлаштириш.

Ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ Давлат солиқ қўмитаси қуйидаги функцияларни бажаради.

1. Қонун ҳужжатларига риоя қилиниши, Солиқлар тўғри ҳисоблангани, тўлиқ ва ўз вақтида туланиши устидан давлат назоратини амалга оширади, ана шу мақсадда:

- Солиқ солиш объектлари ва субъектларини ҳисобланган ва тўланган солиқларни тўлиқ ҳамда ўз вақтида ҳисобга олишни, жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга риоя қилиниши устидан назоратни таъминлашга доир:

- солиқ қонун ҳужжатларини бузиш фактларини туплаш, таҳлил қилиш ва баҳолашга ҳамда Солиққа оид ҳуқуқбузарликларга имкон берувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш буйича таклифлар киритишга доир;

- юридик ва жисмоний шахсларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларни рўйхатга олиш (идентификация) рақамларини берган ҳолда солиқ тўловчилар сифатида уларни ҳисобга қўйиш ҳақида ҳужжатларни беришга доир;

- солиқлар тушишини таъминлаш ишида топширикларни бажариш натижаларини таҳлил қилишга доир;

- жисмоний шахслар даромадларини ялпи декларациялаш тизимини боскичма-боскич жорий этишга доир;

- хорижий инвесторларнинг инвестиция фаолиятини Солиқлар ёрдамида тартибга солиш чораларини ишлаб чи-кишга, ҳукуматлараро битимлар ва шартномаларни тайёрлаш ва тўзишга, Солиқ сиёсатини, шунингдек икки томонлама Солиқ солишни бартараф этиш буйича битимларни мувофиқлаштиришга доир;

- муддатида тўланган Солиқларни ундиришга, мусодара қилинган, эгасиз мол-мулк, хазиналарни, шунингдек мерос колдириш ҳуқуқи буйича давлатга ёки фуқароларнинг ўзни - ўзи бошқариш органларига утган мол-мулкни ҳисобга олиш, баҳолаш ва сотиш устидан на-зорат қилишга доир ишларни ташкил этади.

2. Ягона умумдавлат Солиқ сиёсатини амалга оширишда иштирок этади, ана шу мақсадда:

- солиқ қонун ҳужжатларини такомиллаштириш буйича услубий ишларни олиб боради;

- молия вазирлиги ва Ўзбекистан Республикасининг бошқа вазирлик ҳамда идоралари билан ҳамкорликда Ўзбекистан Республикаси худудида ижро этиш учун мажбурий бўлган Солиқ қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари буйича йўриқнома ва бошқа меъёрий ҳужжатларни белгиланган тартибда эълон қилди;
- бюджетга солиқлар тушиши прогнозини ишлаб чиқишда иштирок этади;
- Солиқларни ҳисоблаб ёзиш ва тўлаш билан боғлиқ ҳисоб-китоблар, декларациялар ва бошқа ҳужжатлар шаклларини ишлаб чиқади;
- Солиқ қонун ҳужжатлари буйича меъёрий ҳужжатлар туланмаларини тайёрлайди ва нашр этади. Ўз қўл остидаги органларни қонун ва йўриқномавий материаллар, Солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш шакллари билан таъминлаш буйича чоралар куради. 3. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонунларида мухофазаланадиган манфаатларини химоя қилади, Солиқ солиш масалалари ва Солиқ қонун ҳужжатларини бу-зишлар бўйича шикоят ва аризаларни белгиланган тартибда кўриб чиқади, ана шу мақсадда:
- солиқ қонун хужжатлари масалалари буйича меъёрий хужжатларни Солиқ тўловчиларга ўз вақтида етකази-лишини;
- солиқ қонун ҳужжатлари тўғрисидаги ахборотни нашр этиш, кўпайтириш ва қўл остидаги ташкилотларга етказиш учун сервис марказлар фаолиятини, Солиқ тўловчиларни Солиқларни тўғри хисоблаш, хисобот ва лекларацияларни тақдим этишга ўргатишни, шунингдек консультация хизматлари кўрсатишни ташкил этади.

4. Ўзбекистон Республикасини иқтисодий ривожлантириш йўналишларидан келиб чиқиб ва давлат солиқ хизмати органлари томонидан Солиқ қонун ҳужжатлари қўлланиши амалиётини ҳисобга олиб, давлат Солиқ хизмати органлари ишининг устун йўналишларини белгилайди, улар фаолия-тини такомиллаштиришга доир комплекс дастурларни иш-лаб чиқади ва амалга оширади, давлат Солиқ хизмати органлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва бошка меъёрий ҳужжатлар лойихаларини ишлаб чиқади ҳамда белгиланган тартибда киритади.

5. Хуқуқни мухофаза қилиш органлари билан ҳамкор-ликда солиққа доир ҳуқуқбузарликларга қарши курашнинг ўзок муддатли ва жорий дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

6. Солиқ қонун ҳужжатларини бузишлар тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни текширади.

7. Хизмат вазифаларини бажараётганида давлат Солиқ хизмати органлари мансабдор шахслари фаолиятининг хавфсизлигини таъминлайди.

8. Қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўловчи тўғрисидаги маълумотлар сир сақланишига доир ишларни ташкил этади.

9. Қўл остидаги булинмалар фаолияти устидан назоратни амалга оширади.

10. Давлат солиқ хизмати худудий органларининг кадрларни танлаш ва жой-жойига кўйиш бўйича ишини ташкил этади, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини оширишни йўлга қўяди, ана шу мақсадда давлат Солиқ хизмати органлари идораларини тайёрлаш, кайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш буйича марказлар ташкил этади.

11. Давлат Солиқ хизмати органлари ходимлари лавозимларининг малакат тавсифномаларини ишлаб чиқади, раҳбарлар ва мутахассисларни аттестациялашни, уларга белгиланган тартибда махсус унвонлар берилишини амалга оширади.

12. Давлат Солиқ хизмати органлари ишининг самарали бўлишини кўзлаб.

- Солиқ, ахборотини қабул қилиш, қайта ишлаш, ўзатиш ва сақлашнинг энг сермехнат жараёнларини автоматлаштириш мақсадида Солиқ, тушумлари, барча солиқ тўловчилар юридик ва жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларга ишлов беришнинг ягона компьютер тизимини яратади ва ундан фойдаланади, Солиқ тўловчилар юридик ва жисмоний шахсларнинг ягона реестрини шакллантиради ва юритади;

- давлат солиқ хизмати органларининг моддий-техника таъминотини, материаллар ва ускуналарга ажратилган фондлардан фойдаланиш устидан назоратни амалга оширади;
- давлат Солиқ хизмати органларининг ижтимоий ривожланиш ва моддий-техника таъминоти махсус фондини тўғри шакллантириш, тақсимлаш ва ишлатиш устидан назорат қилади;
- солиқлар ва солиқ тўловчиларни ҳисобга олишнинг ягона компьютер тизимини яратиш, давлат Солиқ хизмати органларини моддий-техникавий таъминлаш, кадрлар малакасини ошириш ва кайта тайёрлаш мақсадида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширади ва хорижий Солиқ органлари билан ҳамкорликни ривожлантиради.

13. Юридик ва жисмоний шахсларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ҳамда тафтиш қилишни белгиланган тартибда мувофиқлаштиради, назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик субъектлари молия-хужалик фаолияти текширилиши ва тафтиш қилишини тўхтатиш тўғрисида таклифлар киритади. Қонун ҳужжатларида бошқа функциялар ҳам кўзда тутилган.

Давлат солиқ хизмати органлари ўз ваколати доирасида қуйидагиларни амалга ошириш хуқуқига эга:

1) Солиқ тўловчиларнинг (шу жумладан Солиқ тўловчи билан боғланган субъектларнинг мукобил тусдаги) молия ҳужжатлари, шартномалари (контрактлари), режа, сметалари, даромадлар тўғрисидаги декларациялари ҳамда солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш билан борлик, бошқа ҳужжатларини, шунингдек экспорт - импорт операциялари билан боғлиқ ҳужжатларни топшириш, текширишларда пайдо бўладиган масалалар буйича зарур тушунтиришлар, маълумотнома ва ахборотлар олиш;

2) Юридик ва жисмоний шахслардан Солиқ тўловчилар фаолиятига талуқли маълумотномалар, ахборотлар, ҳужжатлар ва улардан кўчирма нусхалар олиш;

3) Белгиланган тартибда:

- Солиқ, қонун ҳужжатларини бузишга йўл қўйган юридик ва жисмоний шахслардан даромад (фойда) ва Солиқ солишнинг бошқа объектлари яширилганидан далолат берувчи ҳужжатларни, шунингдек ҳуқуқбузарлик ашёларини;
- тадбиркорлик фаолияти билан шурулланиш тартибини бузган жисмоний шахслардан кейинчалик мазкур фаолият билан шуғулланиш учун рухсат берган органларга ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги материалларни берган ҳолда лицензиялар, патентлар ёки рўйхат гувоҳномаларини олиб қуйиш;

4) Кассалар ва товар - моддий бойликлар ҳамда ҳужжатлар сақланадиган жойларни мухирлаш, товарлар, махсулотлар, хом ашё материаллар ва ярим тайёр махсулотлар намуналарини, шунингдек ҳужжатларни олиб қўйиш ҳамда уларни таҳлил, тадқиқ ва экспертиза қилиш учун юбориш;

5) Савдо-сотик, товарларни бериш ва хизматлар кўрсатиш коидаларига риоя қилинишини текшириш;

6) юридик (шу жумладан алохида иш режимига эга кор-хоналар) ва жисмоний шахсларнинг даромад (фойда) олиш учун фойдаланиладиган ёки жойлашган еридан қатъий назар солиқ солиш объектларини тутиб туриш билан борлик ишлаб чиқариш. Омбор, савдо ёки бошқа бинолари ҳамда жойларини текшириш, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматларнинг назорат ўлчовларини амалга ошириш ҳамда товар - моддий бойликларни инвентарлаш. Солиқ текширувини амалга ошираётган Солиқ хизматининг мансабдор шахслари мазкур бинолар ёки жойларга киритилмаган тақдирда давлат Солиқ хизмати органлари ўзларида мавжуд бўлган ахборот (шу жумладан Солиқ тўловчининг харажатлари тўғрисидаги ахборот) асосида ёки бошқа шу сингари солиқ тўловчиларга ўхшатиб солиқ суммаларини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга;

7) Юридик ва жисмоний шахслардан аниқланган қонун-бўзарликларни бартараф этишни талаб қилиш;

8) Улар ҳужжатлар асосида (саноқ) текширувни ўтказишдан ёки давлат солиқ хизматининг мансабдор шахсларини даромад (фойда) олиш учун

фойдаланиладиган ёки Солиқ солиш объектини тутиб туриш билан боғланган бинолар ва жойларни текшириш учун киритишдан бош тортган, давлат Солиқ хизмати органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига молиявий ҳисоботлар, ҳисоб-китоблар, декларациялар ва солиқларни ҳисоблаш ҳамда тўлаш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни такдим этмаган (ёки бундан бош тортган) ҳолларда юридик шахсларнинг, шунингдек қонунларда кўзда тутилган ҳолларда жисмоний шахсларнинг банклар ва бошқа молия-кредит ташкилотларидаги ҳисоб-китоб ва бошқа счётлари буйича операцияларини тўхтатиб қўйиш;

9) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда:

* Солиққа доир ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни куриш ва юридик ҳамда жисмоний шахсларга нисбатан молиявий жазо чоралари қўллаш;

* маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қуриш ва маъмурий жазо чоралари қўллаш;

10) Солиққа доир ҳуқуқбузарликларнинг аниқданган фактлари буйича товар-моддий бойликларни қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар ва тартибда мусодара қилиш;

11) Соликлар буйича боқимандаларни, шунингдек жарима санкциялари суммаларини қонун ҳужжатларига мувофиқ, сўзсиз тартибда ундириш;

12) Қонунга хилоф равишда олган маблағларини давлат даромадига ундириш тўғрисида юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан даъво кўзғаб судга мурожаат қилиш;

13) Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахсларнинг молия – хўжалик фаолиятини белгиланган тартибда текшириш ва тафтиш қилишни муво-фиклаштириш, назорат қилувчи органлар утказаётган хужалик субъектларининг молия - хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилишларни тухтатиш тўғрисида таклифлар киритиш;

14) Даромад (фойда)ни ёки Солиқ солиш бошқа объектларини яшириш фактлари аниқланганда суриштирув ўтказиш, жиноий иш кўзғаш ва уларни қонун ҳужжатларига мувофиқ тергов органларига топшириш.

Давлат Солиқ хизмати органлари қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа хуқуқдарга ҳам эга. Давлат Солиқ хизмати органларининг 1 - 7-бандларда кўзда тутилган хуқуқлари давлат Солиқ хизмати органларининг барча мансабдор шахсларига, 8 - 14-бандларда кўзда тутилган ҳуқуқлар эса фақат давлат Солиқ хизмати органларининг бошликлари ва уларнинг ўрин босарларига берилади. Давлат Солиқ хизмати органлари давлат статистика, ахборот, архив, маълумотнома бериш ва бошқа ташкилотлари томонидан Солиқ тўловчилар тўғрисида маълумотларни берганлик учун хизмат (иш) хақи тўлашдан озод этилади.

Давлат Солиқ хизмати органлари ўзларига юклатилган вазифаларни бошқа давлат бошқарув органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, банклар ва бошқа ташкилотлар билан хамкорликда бажаради. Мазкур органлар ва ташкилотлар Солиқ қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширишда ва солиққа оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашда давлат Солиқ хизмати органларига ёрдам бериши шарт.

Давлат Солиқ хизмати органлари, ҳуқуқни мухофаза қилиш, молия органлари, банклар ва бошқа молия-кредит ташкилотлари ўзаро келишиш бўйича белгиланган тартибда Солиқа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги мавжуд материаллар ва уларни бартараф этиш бобида кўрилган чоралар, ўтказилган текширишлар тўғрисида бир-бирларини хабардор қиладилар, шунингдек ўзларига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида бошқа хил маълумот билан алмашинадилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ хизмати ўз ваколати доирасида Солиқ солишнинг субъектлари ва объектлари, солиқ базасини белгилаш, Солиқ имтиёзларини кўллаш, Солиқ қонун ҳужжатларининг айрим қоидаларини тушунтириш билан боғлик масалалар бўйича умумий мажбурий тусда қабул қиладиган меъёрий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишиб олиниши ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилиши керак.

**Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар**

1.Давлат назорати ва бошқарувнинг мустақил соҳа сифатида солиқ идораларининг фаолият кўрсатишига қачон асос солинган.

2.Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитасининг мақоми, асосий вазифалари.

3.Давлат солиқ хизмати ягона умумдавлат солиқ сиёсатини амалга оширишда қандай иштирок этади.

4.Солиқ хизмати органлари солиқ тўловчи ҳақидаги қандай маълумотларни олиш ҳуқуқига эга.

**Таянч иборалар**

Солиқ идоралари тизими,

Молия органлари тизими,

Давлат бошқарувида,

Солиқ тизими,

Солиқ хизмати,

Солиқ органлари функциялари,

Маъмурий ваколатхона

**Фойдаланилган адабиётлар:**

Асосий адабиётлар:3,5,6,12,15.

Қўшимча адабиётлар: 18,20,21,24.

## 8-Мавзу: Ҳозирги даврда солиқ қонунчилиги тизимини кодлаштириш муаммоси.

**Режа:**

1. Солиқ қонунчилиги тизимида кодлаштириш масалаларининг қўлланилиниши.
2. Кодлаштириш ёрдамида солиқ қонунлари бузилишининг олдини олиш.
3. Солиқ қонунларини кодлаштириш орқали қонунбузарликларни бартараф этиш йўллари.

### 1. Солиқ қонунчилиги тизимида кодлаштириш масалаларининг қўлланилиниши.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят процессуал кодексининг (ЖПК) 38-моддасининг 8-бандига мувофиқ давлат солиқ хизмати органлари солиққа доир қонун ҳужжатларини бузганлик билан боғлиқ ишлар бўйича суруштирув органлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодексида солиқлар тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилган битта модда мавжуд бўлиб, у «Солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш» деган 184-моддадир.

Ушбу модданинг 1-қисмига мувофиқ, фойда ёки солиқ тўланадиган бошқа объектларни қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш, шунингдек давлат томонидан белгиланган солиқларни, йиғимларни, бож ёки бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш, башарти, тўланмаган сумма анча миқдорни ташкил қилса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик баробаригача миқдорда жарима ёки икки йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари ёҳуд мол-мулки мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай олти ойгача қамоқ жазоси билан жазоланади.

ЖКда анча миқдор деганда, энг кам иш ҳақининг 30 баробаридан 100 баробаригача бўлган миқдор тушунилади. Борди-ю энг кам иш ҳақининг 30

баробарига етмаса, у ҳолда айбдор МЖК 174-моддасининг 1-қисми бўйича жавобгар бўлади.

Агар 184-модданинг 1-қисмида назарда тутилган қилмишлар такроран ёки кўп миқдорда содир этилган бўлса, бу модданинг 2-қисми бўйича энг кам иш ҳақининг эллик баробаридан беш юз баробаригача миқдорда жарима ёки икки йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари ёҳуд мол-мулки мусодара қилинмай уч йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Такроран деган татама ЖК 32-моддасига асосан, икки ёки бир неча жиноятни шахс вақтлардан содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланмаган бўлса, такроран жиноят содир этиш деб топилади.

184-модданинг 2-қисмида айтилган кўп миқдор энг кам иш ҳақининг 100 баробаридан 300 баробаригача бўлган суммада ифодаланади.

Ниҳоят, худди шундай қилмишлар жуда кўп миқдорда, яъни энг кам иш ҳақининг 300 ва ундан кўп баробарида содир этилган бўлса, модданинг 3-қисмига мувофиқ энг кам иш ҳақининг етмиш беш баробаридан юз баробаригача миқдорда жарима солишга ёки мол-мулки мусодара қилинмай уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилишга сабаб бўлади.

ЖК 184-моддасида назарда тутилган жиноятнинг субъектлари солиқ тўлашлари шарт бўлган ҳар қандай жисмоний ва юридик шахслар, фуқаролар, маъсул ва бошқа мансабдор шахслар бўлиши мумкин.

ЖКда юқорида кўрсатиб ўтилган моддадан ташқари, қуйидаги моддалар ҳам бевосита солиқ органларининг фаолият доирасига кириб, уларни ҳам назорат қилади.

Жумладан:

Маълумки, МЖКнинг «Харидор ва буюртмачиларни алдаш» деб номланган 165-моддасида харидор ва буюртмачиларни энг кам иш ҳақининг ўндан бир миқдоригача алдаш натижасида ҳуқуқбузар маъмурий жаримага тортилар эди. Бир йил давомида худди шу қоидабузарликни содир этилиши ёки харидор ва буюртмачини энг кам иш ҳақининг ўндан

бир миқдоридан, кўпроқ алдаш ва бошқа қоидабузишлар ЖКнинг 187-моддасининг тегишли қисмларида қуйидагича изоҳланади.

«Мулкчилик шаклидан қатъий назар, аҳолига товар сотиш ёки хизмат кўрсатиш корхоналарида» шунингдек савдо ёки аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланадиган шахслар томонидан кам ўлчаш, кам тортиш, ҳақидан уриб қолиш ёҳуд харидор ёки буюртмачини бошқача тарзда алдаш, унча кўп бўлмаган миқдорда содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг эллик баробаригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёҳуд мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай икки йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- анча миқдорда;
- бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг эллик баробаридан етмиш беш баробаригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари ёҳуд мол-мулки мусодара қилиниб ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ЖКнинг «савдо ёки востачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда шуғулланиш» деган 188—моддаси мавжуд бўлиб, унинг 1-қисмида назорат қилинмайдиган фойда олиш мақсадида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, савдо ва воситачилик фаолияти билан шуғулланиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилса, уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, энг кам иш ҳақининг эллик баробаригача миқдорда жарима ёки икки йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари ёҳуд мол-мулки мусодара қилиниб, олти ойгача қамоқ жазоси билан жазоланади.

Агарда рецидивист томонидан анча миқдорда, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, ушбу модданинг

2-қисмига асосан уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум, энг кам иш ҳақининг эллик бароборидан юз бароборигача миқдорда жарима ёки мол-мулки мусодара қилиниб, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазолашга сабаб бўлади. Хавфли рецидивист деганда илгари савдо ёки воситачилик фаолияти учун ҳукм қилингандан кейин ҳам қасддан бундай фаолиятни амалга оширувчи шахс тушунилади.

Ушбу модданинг 3-қисмида уюшган гуруҳ томонидан юқоридаги қоидабузарлик кўп миқдорда содир этилган бўлсагина қўлланилади, бу ҳолда уларнинг мол-мулки мусодара қилиниб,уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум этиш назарда тутилади.

Бу модда ҳам ҳуқуқбузарлик аломатлари билан МЖКнинг 176-моддасидаги ҳуқуқбузарликларни оғирроқ формасини ифодалайди. Шунинг учун ҳам модданинг 1-қисмида, олдин 176-модданинг 2-қисми билан маъмурий тарзда жазо қўлланилгандан кейин ҳам ҳуқуқбузарлик содир этган субъектларга жиноий жавобгарликка тортиш масаласини қўяди.

МЖКнинг 164-моддасини 1-қисми бўйича бир йил давомида ҳуқуқбузарлик такроран содир этилса, бу ҳуқуқбузарлик бўйича ЖКнинг 189-моддаси 1-қисмида жиноий жавобгарликка тортиш назарда тутилган бўлиб, содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг эллик бароборигача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш ёҳуд мол-мулки мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай икки йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Бундан ташқари товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини анча миқдордаги қийматда, шунингдек савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш:

- хавфли рецидивист ёки илгари ушбу кодекснинг 187,188 ва 190-моддалари билан жиноятни содир этган шахслар томонидан;
- бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг эллик бароборидан юз бароборигача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари

ёҳуд мол-мулки мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини кўп миқдордаги қийматда бузиш, олти ойгача қамоқ ёки мол-мулки мусодара қилиниб, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

«Фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш» тўғрисидаги ЖКнинг 190-моддасида, лицензия олиши шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатнома олмасдан шуғулланиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг эллик бабобаригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд мол-мулки мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилгача муддатга аҳлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Лицензия олиниши шарт бўлган фаолияти билан, уни олмасдан шуғулланиш:

- хавфли рецидивист томонидан;
- бир гуруҳ шахслар тмонидан олдиндан тил бириктирилиб содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг эллик баробаридан юз баробаригача миқдорда жарима ёки мол-мулки мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Биз ҳуқуқий жамият барпо этиш йўлидан борар эканмиз, юртбошимиз, **«Мен учун давлат тартиби – аввало қонун тартибларига риоя қилишдан бошланади»**, деб айтган сўзларни чуқурроқ англаб етишимиз лозим.

Ҳуқуқий жамиятда барча шахслар қонун олдида баробар ва қонунни билмаслик эса фуқароларни жавобгарликдан халос қилмайди.

Эркин иқтисодиёт даврида ҳар бир шахс, ҳоҳ у ҳуқуқий бўлсин, ҳоҳ у жисмоний бўлсин биринчи навбатда давлат содир ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширилиши зарурдир. Ана шундай ҳисоб-китоб, солиқ ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлаб боришда намоён бўлади

Солиқ сиёсати ва солиқ қонунлари турли хил қонуний манфаатларни ҳимоя қилиб такомиллашиб бориши натижасида, солиқ қонунбузарларини турлари ҳам ўзгариб боради. Яъни солиқлардан қочишнинг янги формалари ва методлари пайдо бўлиб, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши билан бирга солиқ тўловчилар орасида катта табақаланишларга олиб кела бошлайди. Бунга қарши солиқ идоралари доимо уларни олиш учун курашишлари, кучсиз бўлиб қолган қонунлар ўрнига таъсирчан ва қонунларни оқилона қонунлари қўллашлари талаб қилинади.

Қонун талабларидан чекиниш, қонунийликни бузиш ҳуқуқ тартиботига, пировардида эса давлат томонидан қўриқланадиган манфаатлар ва ўзаро муносабатларга тажовуз қилиш демакдир.

**2. Кодлаштириш ёрдамида солиқ қонунлари бузилишининг олдини олиш.**

Солиқ қонунларини бузилиши олдини олиш, қонун бузилган ҳолларда эса солиқ тўловчиларга нисбатан оқилона ҳамда қонуний жарима ва жазо чораларни қўллаш ёки уни янада такомиллаштириш ҳам мамлакатимизда солиқ сиёсатини амалга оширишда катта рол ўйнаши биланбир қаторда, солиқ субъектларини қонунларга бўйсунишларига, уларни хурмат қилишга ва охир оқибатда иқтисодий ривожланишга катта таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси «Солиқ кодекси»да, солиқ идораларининг жаҳон амалиёти тажрибаси асосида солиқ субъектларининг ўзаро муносабатларини , солиққа тортиш ва жавобгарлик масалалари қонуний белгилаб берилган. Жумладан:

Солиқ тўлашдан бўйин товлаш, солиқ суммаларини тўламаслик, рўҳатдан ўтмасдан фаолият кўрсатиш, бухгалтерия ҳисоб- китобларини тўғри олиб бормаслик ва бошқалардир. Хозирги вақтдаги асосий вазифаларимиздан бири амалиётда қўлланилаётган жарима ва жазо чораларини такомиллаштириб, уларни қўллаш доирасини келиб чиқиш сабабларига

қараб жавобгарлик чораларининг оптимал йўлларини топишимиздан иобратдир.

Чунки, олдинга қўйилган асосий вазифа жарима ва жазо чораларини қонунларимизнинг бузилиш даражасига қараб яъни турли хил йўллар билан солиқ тўлашдан бўйин товловчилар билан бошқа сабабларга кўра хатоликларга йўл қўйган субъектларни бир-биридан ажратиш ва уларга қўлланиладиган санкцияларни йўл қўйилган хато учун жазо берилганлигини онгига етказишдир.

Солиқ қонунчилигига риоя этилишни назорат қилишда давлат солиқ қўмитаси солиқлар ҳамда йиғимлар соҳасидаги муносабатларни тартига соладиган қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланади.

Назорат ишларини амалга ошириш чоғида эътибор бажарилаётган топшириқларни тўлалигига ўз вақтидалиги ва маълумотларнинг ишончлилигига мансабдор шахсларнинг хатти – ҳаракатлари ва ўтказилаётган операцияларнинг қонунийлигига кратилиб, фаолиятни яхшилаш ва ишда йўл қўйилган ҳуқуқбузарлик ва камчиликларни бартараф этиш учун ички резервлар аниқланади.

Давлат солиқ хизмати идоралари томонидан солиқ қонунчилигини бажариш юзасидан назоратларни мувофиқлаштириш режасига асосан, 1999 йилда давлат рўйхатидан ўтган 419605та ҳуқуқий ва жисмоний шахслардан 50,7 фоизини ёки 212680 тасини, 2000 йилда 488488 тадан 199649тасини ёки 40,9 фоизини, 2001 йилда эса 507226 тадан 197038 тасини ёки 38,8 фоиз текширишдан ўтказишга муваффақ бўлишган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 1999 йилда текширишдан ўтказилган 68770 та жисмоний шахслардан 60,3 фоиз ёки 41460 тасида, 143910 та ҳуқуқий шахслардан 54,2 фоизи ёки 78002 тасида жами бўлиб эса,212680 та солиқ тўловчилардан 119462  тасида ёки 56,2 фоизда солиқ қонулари бузилиш ҳолатлари аниқланган. Давлат бюджетига қўшимча 3.437.099.6. минг сўм солиқ ва тўловлар аниқланиб, уларга нисбатан 3.481.127.0 минг сўмлик молиявий жарималар қўлланилган.

2000 йилда эса текширишдан ўтказилган 73401 та жисмоний шахслардан 45477 тасида ёки 62,0 фоиз да, ҳуқуқий шахсларнинг 126248 тасидан 84786 тасида ёки 67,2 фоизда жами бўлиб, 199649 тадан 130263 тасида ёки 65,2 фоизда солиқ қонунлари бузилган. Давлат бюджетига қўшимча ҳисобланган солиқ суммалари ҳам ошиб бориб 5.813.742.6 минг сўмни ташкил қилган ҳолда, унга нисбатан 6.518.712.1 минг сўм молиявий жарималар қўлланилган.

Маъмурий жарималарга эса 153857 та шахслар тортилиб, уларга нисбатан 329.248.2 минг сўм жарималар белгиланган.

Бундай салбий ҳолатлар 2001 йилда ҳам камайгани йўқ. Текширишдан ўтказилган 116276 та жисмоний шахслардан 67,1 фоиз ёки 78036 тасида, 80762 та ҳуқуқий шахслардан 67,4 фоиз ёки 54433 тасида жами бўлиб, 197038 тадан 132469 тасида ёки 67,2 фоизда қонунбузилишлар содир этилган. Ўз навбатида давлат бюджетига қўшимча 11.706.208.9 минг сўм солиқ суммалари аниқланиб, уларга нисбатан 6.881.672.6 минг сўмлик молиявий жарималар қўлланилган. Шу билан бирга 135665 та жавобгар шахсларга 499.811.6 минг сўмлик маъмурий жарималар белгиланиб, солиқ қонунларини қўпол равишда бузилишига йўл қўйган 4116 та ҳолатлар бўйича жиноий иш қўзғатилган. Солиқ тўловчилар сонини йилдан йилга ошиб боришига қарамасдан, текширишлар сони камайиб бормоқда. Текширишдан ўтказилган солиҳқ тўловчиларнинг умумий сонидан, солиқ қонунларини бузилиш салмоғи кўрсатилган. Агар 1999 йилда текширишдан ўтказилган ҳар ўнта солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ қонунларини бузилиш салмоғи 5,6 тани ташкил қилган бўлса, 2000 йилда бу кўрсаткич 6,5 тани, 2001 йилда эса 6,7 тани ташкил қилган. Бундан кўриниб турибдики, йилдан йилга қонунбузилишлар сони ортиб бормоқда. Таҳлилдан кўриниб турибдики, давлат бюджет ҳисобига 2000 йил давомида қўшимча аниқланган суммага нисбатан 2001 аниқланган суммалар крарийиб 2 маротаба ошган. Қўшимча аниқланган суммаларнидавлат бюджетининг умумий тушумига нисбатан ҳисоблаганимизда ҳам 1999 ва

2000 йилларда қўшимча аниқланган суммаларга нисбатан 2001 йилда 1,1 (3,2-2,1) ва 1,0 (3,2-2,2) фоизга ўсган. Қўшимчааниқланаётган суммаларнинг йилдан йилга катта миқдорларда ошиб бориши уларга нисбатан қўлланилаётган молиявий жарималарни талаб даражасида такомиллаштирилганлигидан ёки кучсизлигидандир. Чунки, солиқларни яширишларга нисбатан қанчалик жазо чоралари кучсиз бўлса, солиқ тўлашдан қочиш ҳолатлар шунчалик юқори бўлади.

Қўшимча аниқланган суммаларга нисбатан қўлланилган молиявий жарималарнинг салмоғи кўрсатилган. Кўриниб турибдики, жарималар суммаси 1999 йилга нисбатан 2000 йилда сал кам 2 баробар кўпайган бўлса, 2001 йилда 2000 йилга нисбатан жуда кам миқдорда яъни бор йўғи 4 фоиз кўпайган ҳолос.

Жарима суммаларининг давлат бюджетнинг умумий тушумига нисбатан ҳам таҳлил қилганимизда эса, унинг салмоғи 1999 йилда 2,2 фоизни, 2000 йилда 2,5 фоизни, 2001 йилда эса 1,9 фоизни ташкил қилган.

Агар бу кўрсаткични қўшимча аниқланган суммаларга нисбатан таққосласак, 1999 йилда қўшимча аниқланган солиқ суммаларга нисбатан қўлланилган молиявий жарималар суммаси101,3 фоизни, 2000 йилда эса 112,1 фоизни ташкил қилгани ҳолда 2001 йилда атиги, 58,8 фоизни ташкил қилган ҳолос.

Молиявий жарималар давлат бюджетини тўлдириш билан биргаликда солиқ тўловчиларни солиқ қонунчилиги бўзмасликка тарғиб этувчи қонунларимизнинг тарбиявий чорасидир.

Бундан кўзланган мақсад эса, солиқ ва бошқа тўловларни яширмай, ўз вақтида тўлаб боришга даъват этишдир.

Ўшанда солиқ тўловчилар молиявий бақувват, давлат эса қудратли бўлади.

### 3. Солиқ қонунларини кодлаштириш орқали қонунбузарликларни бартараф этиш йўллари.

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни амалиётда қўллаш жараёни, ҳар доим турли хил қарашлар, баҳслар ва мунозаларни келтириб чиқаради. Чунки, солиқ қонунлари жамиятнинг иқтисодий-сиёсий ҳаётида муҳим рол ўйнаб, барча партиялар, жамоат ташкилотлари, мулкчилик шаклининг барча турларидаги хўжалик юритувчиларнинг ҳамда ҳар бир фуқаронинг ижтимоий ҳаётига, фаолиятига ўз таъсирини кўрсатади. Ўз томонидан субъект ҳам солиқ сиёсатини ва қонунларини шаклланишига ўз таъсирини кўрсатади.

Маълумки мустақил давлатимизда давлат органларининг айрим ваколатларини фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органларига босқичма-босқич бериш масалалари ҳал қилинмоқда. Президентимизнинг И.А.Каримовнинг **«Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари»** деб кўрсатилган дастуридан келиб чиқиб, қуйидагиларни кўрсатишимиз мақсадга мувофиқ:

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг рўйхатдан ўтказиш ваколатини, шу фуқаро яшаб турган фуқаролар йиғинига берилиши керак. Бундай ваколатни берилиши;

- тадбиркорликни ҳокимликка бориб, рўйхатдан ўтиб келиши учун кетадиган бир неча кунлик вақтни ҳамда маблағни тежайди;
- жойларда рўйхатдан ўказиш, фуқаролар йиғинини тадбиркорларга нисбатанжавобгарлик хиссини оширади;
- рўйхатдан ўтказиш учун тўланадиган тўлов суммалари тегишли фуқаролар йиғининг ҳисоб рақамларига тушурилади;
- солиқ қонун ва қоидаларини аҳолига етказиш ва назорат қилишда маҳалла фаолларидан фойдаланиш имконияти катта. Ўз чегара ҳудудларини яхши билганликлари учун бундай фаолият турлари билан қонуний шуғулланувчиларни аниқлашда участка солиқ инспекторига катта ёрдам бўлади.

Бундай тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида кўп микдордаги тадбиркорларни рўйхатга олишга ва бунинг натижасида тадбиркорлар томонидан қоида бузилишларни олдини олишга, уларга нисбатан турли хил жазо ва жарималар қўлланилиши олди олинган бўлар эди.

Солиқ кодексининг 133-моддасига мувофиқ, «агар солиқлар ва йиғимларнинг бирон тури бўйича ортиқча тўланган суммалар бошқа солиқ тури бўйича боқиманбанингўрнини қопламаса, солиқ тўловчи солиқлар ва йиғимларнитўламаганлик ёҳуд тўлқ тўлмаганлик учун жавобгарликдан озод бўлади» дейилган.

Агар бу моддани амалий иш фаолият билан боғланган ҳолда чуқурроқ таҳлил қиладиган бўлсак, айрим тушунмовчиликларни келтириб чиқаради.

Шунинг учун молиявий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш учун асосий критерия бўлиб, бюджетга келтирилган зарар суммаси ўйнар экан, ушбу критерияни ҳақиқатга яқинроқ қилиб, солиқ тўловчилар томонидан бюджетга вақтинчалик ошиқча ўтказилган солиқ ёки тўлов суммаларини эмас, балки улар томонидан бюджетга тегишли бўлган сумма деб топшириладиган хиосботлардаги суммаларни инобатга олишимиз ва унга нисбатан қўшимча ҳисобланган суммаларни назарда тутишимиз керак. Чунки бюджетга ошиқча ўтказилган сумма, бу вақтинчалик сумма бўлиб, бюджет билан хали тўла ҳисоб-китоб қилинмаган ҳамда уни солиқ тўловчилар томонидан ҳоҳлаган пайтларида қайтариб олиб қўйиши мумкин бўлган суммадир. Лекин ҳисоботлардаги солиқ суммалар давлат бюджетига тегишли бўлиб, солиқ тўловчилар билан ора очиқ қилинган сумма.

Солиқ кодекс ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг айрим моддаларидаги жавобгарликларни янада кучайтириш тўғрисида.

1. Солиқ кодексининг 135-моддасининг 1-бандида давлат рўйхатидан ўтиб, солиқ органларида вақтинча рўйхатдан ўтмаган юридик шахсларнинг солиқ тўлашдан бўйин товлаганликлари учун қуйидаги жарималар белгиланган.

- агар фаолият ўттиз кунгача амалга оширилган бўлса, энг кам иш ҳақининг эллик баробари миқдорида, лекин бундай фаолият натижасида олган даромаднинг ўнфоизидан кам бўлмаган миқдорда,
- агар фаолият ўттиз кундан ортиқ муддатда амалга оширилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг юз баробари миқдорида, лекин бундай фаолият натижасида олган даромаднинг эллик фоиздан кам бўлмаган миқдорда молиявий жарима солишга олиб келади деб баён этилган.

Лекин, менимча тегишли жойлардан рўйхатдан ўтмасдан фаолият кўрсатучиларга юқоридаги молиявий жарималарни қўллаб, маълум бир даражада шароит яратиб бераябмиз.

2. молиявий жарималар тўғрисидаги модданинг 2 бандида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахсларнинг солиқ органида рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаши энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баробари миқдорида жаримага тортилиши кўрсатилган.

Агар биз ғонунларимизни оқилона ва таъсирчан бўлиши учун курашаётган эканмиз, ушбу бандга ьуйидаги критерияларни киритиш мақсадга мувофиқдир деб ўйлайман.

Солиқ органидан рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаган жисмоний шахсларнинг умумий товар суммаси 10 минимал иш ҳақи миқдоригача бўлса, 1 минимал иш ҳақи миқдорида, 20 минимал иш ҳақи миқдоригача бўлса, 2 минимал иш ҳақи миқдорида, яъни ҳар 10 минимал иш ҳақи миқдорига тенг товарлар суммасига 1 минимал иш ҳақи миқдорида молиявий жарима қўлланилиши керак. Шундагина жарималарни қўлланлиши талабга жавоб беради.

3. солиқ кодексининг 135-моддаси 4-бандини таҳлил қилар эканмиз, ундаги айрим жумлаларни тагига етишимиз керак. Чунончи, солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур бўлган декларациялар, ҳисоб-китоблар ва ҳисоботларни тақдим этмаганлик учун ҳам 10 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда жарима қўлланилади бейилган.

Менимча, ҳисоботларни топширмаслик муддатларини аниқлаб олишимиз керак. Масалан; ҳисоботларни йил давомида топширмаган тақдирда юқоридаги жаримани қўллаш мумкин, чунки ҳисобот йили якунлангандан кейин фаолият натижаларини йиллик балансида кўрсатиши ва ҳисоботларни топширишлари мумкин.

Лекин йил якуни бўйича ҳам ҳеч қандай ҳисобот ёки маълумот таопширилмаса, уларга нисбатан 100 фоизли жарима чорасини қўллишимиз ва яширилган даромад деб эътироф этишимиз керак.

Чунки ҳисоботларни умуман топширмай юриш, қонунларимизни айрим қисмларини нафақат таъсирини кучсизлигидан, балки улар томонидан қонунларимизни менсимаслигидан ҳам келиб чиқади.

4. Модданинг 5-бандига «бухгалтерия ҳисобининг йўқлиги ёки уни белгиланган тартибни солиқлар ва йиғимлар бўйича ҳисоб-китобларнинг бузилишга олиб келадигантарзда бузган ҳолда юритганлик учун солиқ тўловчидан қўшимча ҳисоблаб чиқилган сумманинг 10 фоиз миқдорида жарима ундирилади» деб уқтирилган.

Бухгалтерия ҳисоботи тўғрисидаги қонунга мувофиқ, хўжалик фаолиятини юритиб, ҳисоб-китобларни амалга оширувчи барча субъектлар бухгалтерия ҳисоб ва ҳисоботини ташкил қилиб, корхоналарнинг моливий ҳисоботларини тайёрлайдилар. Бу ҳисоботлар аввало субъектларнинг ўзлари учун зарур бўлиб, ундан хўжаликни молиявий аҳволини таҳлил қилишгаҳамда тегишли органлар олдида мажбуриятларини бажариш учун асосий манбаа бўлиб хизмат қилади.

Лекин, бухгалтерия ҳисобини умуман юритмаган солиқ тўловчилар учун бу санкцияни қўлланиш тартиби номаълум. Чунки, бухгалтерия ҳисоби юритилмаса маълум бир турдаги солиқни солиққа тортиш учун объектини ўзи ҳам бўлмайди. Шунинг учун қуйидаги тартибда қўшимча изоҳланиши керак.

Агар текширувчи томонидан, текшириш ўтказиладиган объектнинг бухгалтерия ҳисоби юритилмаганлиги аниқланса, у ҳолда бир кунлик

муддат ичида бухгалтерия ҳисоб-китобларининг йўқлиги тўғрисидаги далолатнома тўзи, ушбу камчиликларни тугатиш учун бир хафталик муддат берилиш керак. Берилган муддат тугагандан сўнг текшириш ўтказилиб,унинг натижаси қандай бўлишидан қатъи назар фақат юқоридаги қонун бўйича тегишли солиқ турига 10 фоизли жарима белгиланиши керак. Агар, текшириш натижасида бюджетга солиқ ва тўловлардан қўшимча суммалар ҳисобланса, қонунда ўрсатилган бошқа молиявий ҳамда маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиш керак.

5. «Харидорни ёки буюртмачини алдаш» деб аталадиган 165-модда мулкчилик шаклидан қатъий назар, аҳолига товарлар сотишни амалга ошираётган ёки хизматлар кўрсатаётган корхоналарда, шунингдек савдо ёки хизматлар кўрсатиш соҳасида якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган шахслар энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмиданошмаган миқдорда ўлчовдан, тарозидан пулдан уриб қолганлиги ёҳуд харидорни ёки буюртмачини ўзгача тарзда алдаганлиги учун жавобгарликни белгилайди.

Ушбу моддада субъектларнинг ҳаммасига қўлланиладиган санкция суммаси умумий бўлиб, энг кам иш ҳақининг икки баробаридан беш баробаригача миқдорида маъмурий жарима солиш жазоси кўзда тутилган.

Ҳуқуқбўзарликни яна бир ҳусусияти шундан иборатки, текшириш вақтида аниқланган харидор ёки буюртмачиини алдаш ҳолати субъект томонидан фақатгина теширилган вақтда билмасдан содир этилмайди. Харидор ёки буюрмачини алдаган субъект бу қилмишини бўлиб туриб доимий равишда содир этиб келадики, текширишдагина аниқланади.

Юқоридагиларга асосланиб, жарима солиш категориясини энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмигача миқдорда эмас балки, ҳеч бўлмаганда йигирмадан бир қисмигачамиқдода ва шу билан биргаликда жарима суммасини ҳам энг кам иш ҳақининг икки баробаридан беш баробаригача эмас балки беш баробаридан ўн баробаригача кучайтириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Солиқ кодекси моддасига аниқлик киритиш бўйича.

Солиқ кодексининг 135-моддасининг 9-бандида «солиқ тўловчи солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бир неча марта бузган тақдирда ҳар бир қонунбузарликка алоҳида молиявий жазо чоралари қўлланилади» дейилган.

Ҳақиқатдан ҳам фойда, мол-мулк, ер ва бошқа солиқлар бўйича қонунбузарликлар аниқланса алоҳида тегишли молиявий жарималар қўлланилади.

Лекин, солиқ қоидасини бир маротаба бузиш натижасида бир нечта солиқ турларига таъсир қилиб, улардан ҳам қўшимча солиқ суммаларини ҳисобланишига олиб келса, қандай молиявий жарималар қўлланилади.

**Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар**

1.Солиққа тортиш методларига кўра кодлаштириш нимани англатади.

2.Солиққа тортиш ҳақидаги қонунларда қайси тамойилга кўра кодлаштириш тавсифланган.

3.Солиқ имтиёзлари турларига кодлаштиришнинг таъсири нималарда кўринади.

4.Кодлаштиришни жорий этиш зарурати нимада.

**Таянч иборалар**

текширишларни мувофиқлаштириш,

солиқ қонунчилиги элементларини кодлаштириш,

кодлаштириш бўйича тушунчалар,

солиқ қонунларини ишлаб чиқишда кодлаштириш,

кодлаштириш элементлари

**Фойдаланилган адабиётлар:**

Асосий адабиётлар:1,3,5,6,12,14.

Қўшимча адабиётлар: 16,17,21,24.

## 9- Мавзу: Солиқ ҳуқуқининг, ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари билан муносабати.

**Режа:**

1. Солиқ ҳуқуқи умумий ҳуқуқ доирасида.
2. Солиқ ҳуқуқининг конституциявий ҳуқуқ билан алоқаси.
3. Солиқ ҳуқуқининг идоралар ҳуқуқи билан муносабати.

### 1. Солиқ ҳуқуқи умумий ҳуқуқ доирасида.

Давлат Солиқ идоралари ўз олдиларига қўйилган вазифаларни бажариш ва ўз функцияларини амалга ошириш давомида давлат бошқа идоралари билан доимий ҳамкорлик қиладилар. Давлатнинг бошқа идоралари билан ўзаро муносабатларида аниқ Солиқ идораларининг мазкур вазифа ва функцияларни қандай даражада бажаришини ҳам белгилаб беради.

Давлат идоралари тизими умумий ваколатли, функционал ва тармоқ идораларининг бир бутун ҳолда ўзаро ҳамкорлик қилувчи тизимини ифодалайди. Шу сабабли давлат солиқ идораларининг давлатнинг бошқа тузилмалари билан ўзаро алоқалари характерини ўрганиш мустақил таҳлил ва доимий такомиллашиш объекти сифатида қаралиши керак. Солиқ идораларининг республика иқтисодиётига ҳуқуқий таъсирининг кўлами кенглигини, мазкур идоралар иш шакллари ва фаолият мазмунининг ўзига хослигини ҳисобга олсак, ушбу муаммога катта эътибор бериш жуда муҳимлиги тўғрисида хулоса келиб чиқади.

Солиқ қонунлари сўзсиз равишда ўзгартиришларга муҳтож бўлган бир шароитда давлатда таркиб топаётган солиқ вазияти, солиқларнинг тўғри ҳисобланиши ва уларнинг бюджетга тўлиқ миқдорда киритилиши, солиқ идораларини ташкил этиш пайтида улар олдига қўйилган мақсадларга эришиши, солиқ тўловчиларнинг ўзларининг муносабатлари, Солиқ қонунларига риоя қилиниши кўп жиҳатдан республикадаги солик, ҳуқуқни мухофаза қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа органларининг

мувофиқлаштирилган тарздаги, амалий, оператив равишдаги баҳамжиҳат ҳаракатига боғлиқ бўлади.
Ўзбекистон Республикасининг Давдат Солиқ қўмитаси давлат органлари билан биргаликда Солиқ қонунларининг кўлланилиш амалиётини мунтазам тарзда таҳлил этади ва умумлаштиради, улар асосида амалдаги меъёрий ҳужжатларга республикадаги иқтисодий вазиятнинг ривожланишини талаб қиладиган ўзгартиришлар ва қушимчаларни киритиш юзасидан тегишли таклифларни тайинлайди.

Давлат Солиқ қўмитасининг иштирокида вужудга келадиган маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни кўриб чиқарканмиз, уларнинг ичида давлат солиқ қўмитаси назорат остидаги томон бўлганлигидан ва Давлат Солиқ қўмитаси тенг ҳуқуқли, давлат бошқарувининг мустақил субъекти сифатида намоён бўладиган муносабатларни ажратиб кўрсатиш мумкин.
Биринчи ҳолда бу Давлат Солиқ қўмитаси билан ижрочилик ҳокимиятининг раҳбари Ўзбекистон Республикасининг Президенти, шунингдек ҳокимиятнинг олий вакиллик органи - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва республика ижрочилик ҳокимияти органи - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ўртасида вужудга келадиган муносабатлардир. Давлат Солиқ қўмитасининг республикадаги давлат ва ижрочилик ҳокимияти раҳбари Республика Президенти билан муносабатяари Ўзбекистан Республикасининг Конституияси нормаларида белгилаб берилган.
Конституциянинг 89-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти айни вақтда Вазирлар Махкамасининг Раиси ҳисобланади, бунда у ўзига юкланган ваколатларга мувофиқ равишда ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади. Президент, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси аъзоларини лавозимларга тайинлайди ва бушатади (93-модданинг 9-банди), республика бошқарув органларининг қабул килган ҳужжатларини тасдиклайди ва бекор қилади (шу мод-данинг 13-банди), нихоят, Ўзбекистон Республикасининг қонунларини имзолайди ((93-модданинг 14-банди).

Президентнинг республика Конституцияси ва қонунлари асосида ва уларни ижро этиш юзасидан чиқарадиган Фармонлари кўпинча директивалар ва аниқ вазифалардан иборат бўладики, бунда ҳукуматнинг ва Давлат Солиқ қўмитасининг ҳаракатлари уйғунлиги таъминланган бўлади.

**2. Солиқ ҳуқуқининг конституциявий ҳуқуқ билан алоқаси.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитасининг ўзаро муносабатлари масаласига келганда қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Бундай ҳуқуқий муносабатлар учун қуйидагилар белгиловчи омил ҳисобланади: биринчидан, Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ унинг ваколатларига киритилган хар қандай масалани, шу жумладан, масалан, Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилишга (Ўзбекистон Реснубликаси Конституциясининг 78-моддаси 8-банди) доир масалани ўзининг кўриб чиқиши учун қабул қилишга хаклидир.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси 19-бандига ва "Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида"ги Конституциявий Қонуннинг 4-модда 19 бандига мувофиқ Олий Мажлис Президентнинг вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини ташкил этиш ва тугатиш туғрисидаги Фармонларини тасдиқлайди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Реслубликасининг ижро этувчи ҳокимият органларининг тизимини ва ваколатларини белгилаш Олий Мажлиснинг фавкулодда. ваколатларига киради (Конституцпиянинг 78-моддаси 4-банди).

Агар Республика Президенти давлат бошқаруви органларининг ҳужжатларига нисбатан уларни тухтатиб қуйиш ёки бекор қилиш ҳуқуқига эга булса, Олий Мажлис бундай юридик ваколатларга эга эмас, бирок "Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида"ги Конституциявий Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ у Республика Олий Мажлисининг қонунлари ва бошқа ҳужжатларининг ижро қилиниши устидан назоратни амалга оширади ва, шубхасиз, Солиққа тортиш соҳасида амал қиладиган қонуний актларни назорат

қилиш борасида бу иккала органнинг баҳамжиҳат ҳаракат қилмаслиги мумкин эмас.

Олий Мажлис ўзининг доимий амал қилувчи қўмиталари ва комиссиялари орқали Давлат Солиқ, қўмитасининг фаолиятига жиддий таъсир кўрсатиб туради.

Депутатларнинг сўров билан мурожаат қилиши ҳам давлат қўмитаси билан давлат ҳокимиятининг вакиллик органларининг баҳамжиҳат ҳаракатининг яна бир кирраси бўлиб хизмат қилади (12-"Депутат сўрови" моддаси).

Олий Мажлис Вазирлар Маҳкамасининг ҳар қандай аъзосининг улар бошқарадиган орган фаолияти масалалари буйича ҳисоботини эшитиш ва зарур бўлганида унинг истеъфоси ҳақидаги таклифни Республика Президентининг кўриб чиқиши учун киритиш ҳуқуқига эгадир. Бу Олий Мажлиснинг давлат органлари фаолиятини назорат қилишининг амалий шаклларидир.

Шундай қилиб, Давлат Солиқ қўмитаси билан республика вакиллик ҳокимияти олий органининг баҳамжиҳат ҳаракати аввало Олий Мажлиснинг қонунчилик функцияларини амалга ошириши жараёнида намоён бўлади.

Давлат Солиқ қўмитаси билан республика ҳукумати ўртасида жуда мустаҳкам ўзаро муносабатлар мавжуд.

Вазирлар Маҳкамаси - Ўзбекистон Республикаси ҳукумати республиканинг ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади ва бугун давлат бошқарув органлари тизимига уларнинг келишилган тарздаги фаолиятини таъминлаган ҳолда раҳбарлик қилади. Ўзбекистон Рес-публикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги Қонунининг 1-моддасига мувофиқ ҳукумат Ўзбекистон Республикасининг фаолият доирасига тегишли бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва у тўғрисидаги Қонунга биноан Маҳкаманинг ваколатларига кирадиган давлат ва хужалик бошқарувининг ҳамма масалаларини ҳал этишга ҳақлидир.

Айнан Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар ва давлат солиқ қўмиталарининг,идоралар ва давлат бошқарувининг бошқа органлари-нинг фаолиятини мувофиқлаштириб туради ва йуналтиради, шунингдек вазирликлар

давлат қўмиталари тўғрисидаги тегишли Низомларни тасдиқлайди, яъни давлат органининг тузилишини ва унинг ваколатларини белгилайди. К,онуннинг ушбу нормалари бошқа барча давлат бошқаруви органлари сингари Давлат Солиқ қўмитаси ҳам Вазирлар Маҳкамасига буйсунишини ва унинг олдида масъулиятли эканлигини билдиради. Давлат Солиқ қўмитасига бевосита раҳбарлик қилиши Давлат Солиқ қўмитаси амал қиладиган меъёрий ҳужжатлар; умумий директивалар ёки аниқ (якка тартибдаги) кўрсатмалар чиқариш орқали ҳам намоён бўлади. Давлат солиқ қўмитасининг ҳужжатлари хусусида шуни айтиш мумкинки, агар улар амалдаги қонунларга зид бўладиган булса, ҳукумат уларни бекор қилиши мумкин.

Давлат Солиқ идораларининг маҳаллий ҳокимият органлари билан баҳамжиҳат ҳаракати уларнинг Ўзбекистон Республикасида утказилаётган ягона Солиқ сиёсатини амалга оширишда, Қорақалпоғ истон Республикаси, вилоятлар ва шаҳарлар бюджетларига Солиқлар ва бошқа тўловларнинг келиб тушушини таъминлащ борасидаги топширикларнинг бажарилиши натижаларини таҳлил этишда катнашишида намоён бўлади.

Бунда назорат қилинадиган объектлар тегишли маҳаллий ҳокимият органининг худудида жойлашган бўлади. Давлат Солиқ инспекцияларининг тегишли маъмурий-худудий бирликда марказлаштирилган идора усули ва қонунчилик режимида иш олиб бориши ҳам кўриб чиқилаётган органларнинг муносабатларини тавсифлаш учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Баҳамжиҳат ҳаракатнинг айни шундай даражасида умумдавлат ва худудий манфаатларнинг қўшиб олиб борилишининг, маҳаллий ҳокимият органлари худудларини комплекс тарзда ривожланти ришнинг турли хилдаги муаммолари вужудга келади. Уларнинг муваффақиятли тарзда хал этилиши ҳамкорликни, масалаларнинг биргаликда мухокама қилиниши, вакиллик ҳокимияти маҳаллий ҳокимият органлари вакилларининг иштирокини тақазо этади.

Солиқ идораларининг ваколатлилиги ва касбий даражаларини ҳисобга олиб, уларга барча даражадаги вакиллик ҳокимияти органларига қуйи ҳокимият идораларининг республикада амал қиладиган Солиқ қонунларига зид келадиган

қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги таклифларни киритишдек жуда муҳим хуқуқ берилади.

Давлат Солиқ қўмитаси кундалик фаолият жараёнида давлат бошқарувининг бошқа органлари билан тез-тез муносабатларга киришадики, бундай муносабатлар давлат назоратининг ушбу марказий органи фаолияти тусини аниқ-равшан ажратиб курсатади. Бозор иқтисодиёти шароитида Солиқлар унинг асосий тартибга солувчи омили бўлади. Ҳокимият ва бошқарувнинг деярли барча органлари бу жиҳатни у ёки бу даражада хисобга олиши керак бўлади ва айнан шу ҳолат Давлат Солиқ қўмитасининг ушбу органлар билан кўп турдаги муносабатларининг объектив зарурлигини белгилайди.

**3. Солиқ ҳуқуқининг идоралар ҳуқуқи билан муносабати.**

Ўзбекистон Республикасинянг Солиқ ва молия органлари корхоналарнинг хорижий валютадаги маблағларининг мажбурий тартибда сотилиши лозим бўлган суммаларининг, шунингдек корхоналарнинг даромадлардан тулайдиган солиқларининг тўлиқлиги, тўғрилиги ва ўз вақтида амалга оширилиши устидан назоратни амалга оширадилар. Қайси идорага буйсунишидан катьий назар, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг фаолиятини текширишлар фақат давлат солиқ идоралари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг молия ва тафтиш органлари билан биргаликда амалга оширилади.

Солиқ идоралари билан республиканинг банк тиэими ўртасида ғоят мустаҳкам ҳамкорлик қарор топган.

Улар ўтказиладиган валюта операцияларининг амалдаги қонунларга мувофиқлигини ва бунинг учун зарур рухсатномаларнинг мавжудигини, резидентларнинг бюджетга солиқлар ва бошқа тўловларни тўлашга оид мажбуриятларини, шунингдек хорижий валютани Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкига сотишига доир мажбуриятларини бажаришларини, валюта маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини, хорижий валютадаги тўловларнинг асослилигини, нихоят,

валюта операциялари буйича ҳисоб ва ҳисоботнинг тўлиқлигини ва объективлигини биргаликда текширишади.

Ўзбекистон Республикасининг ҳамма банк муассасаларига Солиқ бошқармалари ва инспекцияларининг тақдимномаларига биноан корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳисобварақларидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга оид қарзлар суммасини муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун 0,07 фоиз микдоридаги пеняни ҳисоблаган ҳолда, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонуний актларида назарда тутилган жарималар ва бошқа санкциялар суммасини биринчи навбатли тартибда (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан ташка-ри) ундириб олиш, фуқаролардан эса суд тартибида ундириб олиш ҳуқуқи берилган.

Банк ёки кредит муассасасининг айбига кўра солиқ тўловчининг тўлов топшириқномаси ижро қилинмаган ҳолларда эса ушбу банк ёки кредит муассасасидан солиқ тўловчининг ёки солиқ идорасининг топшириқномаси келиб тушган кундан кейинги учинчи кундан бошлаб тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун солиқнинг тўланмаган суммасининг 0,07 фоизи миқдорида белгиланган тартибда пеня ундириб олинади. Пенянинг ундирилиши банк ёки кредит муассасасини солиққа оид топшириқларни бажаришдан озод қилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси асосий вазифани Ўзбекистон Республикасининг қонунларига, амалдаги божхона қонунларига риоя қилиниши, давлат солиқлари, йиғимлар, божхона божлари ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши ва тўлиқ ҳамда ўз вақтида тўланиши устидан назоратни амалга ошириш жараёнида республика ҳуқуқни-мухрфаза Қилиш органлари тизими билан кўпинча аниқ баҳамжиҳат ҳаракат қилиш зарурати пайдо бўлади.

Давлат солиқ идораларининг Ўзбекистон Республикаси Ички ипшар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати бўлинмалари ва уларнинг жойлардаги хизматлари билан амалий ҳамкорлиги уларда давлатнинг иқиисодий манфаатларини ҳимоя

қилиш юзасидан қатор умумий вазифаларнинг мавжудлиги билан боғликдир. Уларнинг ҳар бири ўз ваколатлари доирасида тегишли восита ва усуллар ёрдамида иқтисодиётдаги жиноий вазият хусусида зарур ахборотларни йиғишни амалга оширади, уларни таҳлил қилади ва аниқланган ҳуқуқбузарликларга нисбатан чоралар кура бошлайди.

Республиканинг иқтисодий манфаатларини ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш, давлатнинг ягона солиқ ва божхона сиёсатини ўтказишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, МХХ, ИИВ солиқ ва божхона қонунларига риоя қилиниши соҳасидаги жиноятларни зудлик билан ва оператив тергов қилишни ташкил этадилар.

Бундай чора-тадбирлар орасида Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси бажарадиган чора-тадбирларга катта аҳамилт бе-рилади, бу орган Солиқ ва божхона идораларидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бериладиган материалларнинг кўриб чиқилиши устидан амалий назорат юритилишини таъминлаши ва ушбу материаллар юзасидан қўзғатиладиган жиноий ишлар буйича текширувларнинг бориши, тўлиқлиги, сифати ва муддатлари устидан қатьий назорат юритиши, судларнинг бундай ишларни кўриб чиқишида прокурорларнинг албатта иштирок этишларини таъминлашлари лозим бўлади.

Эслатиб ўтилган хизматларнинг солиқлар соҳасидаги ҳуқуқбу-зарликларга қарши курашдаги куч-ғайратларини бирлаштириш уларнинг кучларини, воситалари ва техник имкониятларини бир жойга тўплаш, кўпроқ сондаги объектларни қидирув ишлари билан қамраб олиш, бу органлардан ҳар бирининг имкониятларидан яхшироқ фойдаланиш учун имконият яратади.

Бунда қуйидагилар асосий вазифалар ҳисобланади:

а) Солиқ қонунларига риоя кнлиниши, тегишли бюджетларга солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳи-собланиши, тўлиқ ва ўз ваҳгида ўтказилиши устидан назоратнинг таъминланиши;

б) Солиқлар соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг огоҳлантирилиши, аниқланиши, очилиши ва тергов қилиниши;

в) Солиқ жиноятларини содир қилган шахсларнинг маъмурий ёки жиноий жавобгарликка жалб қилиниши ва уларнинг давлатга етказган моддий зарарини тўла қопланишини таъминлаш;

г) Солиқлар соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;

д) Солиқ идораларидаги порахўрлик фактларини аниқлаш ва уларга барҳам бериш, солиқ ва божхона идоралари ходимларига нисбатан қилинаётган жиноий ниятларни очиб ташлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда ҳаракат килиб уларни бартараф этиш чора-тадбирларини қўллаш йули билан ушбу ходимлар фаолиятининг хавфсизлигини таъминлаш (бундай махсус вазифа солиқ идораларининг назорат-тафтиш булинмаларига юкланади);

е) Солиқ ва божхона идоралари ходимларининг касбий малакаларини ошириш;

ж) иқтисодиёт соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни огоҳлантириш ва уларга барҳам бериш масалалари юзасидан ахборотлар билан алмашиниш, солиқ ва божхона қонунларини бузишлар ҳақидаги ахборотларни умумлаштириш ва таҳлил этиш.

Солиқ идораларининг раҳбарлари ўз хизматлари ва бўлинмаларининг Ўзбекистон Республикасининг Солиқ қонунларини бузишларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга барҳам беришга, шунингдек ўзаро манфаатли бўлган бошқа масалаларни ҳал этишга оид ҳаракатларини доимий равишда мувофиқлаштириб туришлари шарт. Шу мақсадларда ишчи гуруҳлари ташкил этилиши, келишилган ҳаракатлар учун манфаатцор бўлинмалар вакилларининг мунтазам тарздаги учрашувлари ўтказилиши, энг муҳим муаммолар эса хайъатларнинг биргаликдаги йиғилишларида кўриб чиқилиши мумкин.

Биргаликдаги ишлар бўйича ягона далолатнома тузилади ва уни, бир томондан, ушбу текширишни ўтказган ходимлар, иккинчи томондан эса, текширилган корхона, муассаса, ташкилотнинг раҳбари ва бош ҳисобчиси ёки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган фуқаро имзолайди.

Республика солиқ идоралари, солиқ ва божхона органларнинг ваколатларига тегишли бўлган ҳуқуқбузарликлар бўйича суриштиру-рувни амалга оширади, амалдаги қонунларнинг бузилиши фактла-рига доир материалларни тергов ва

суд органларига ўтказади, шу-нингдек айбдорларни жавобгарликка тортиш ҳақидаги масалани ҳал этиш давлат солиқ ва божхона идораларининг ваколатларига. кир-майдиган ҳолларда солиқ ва божхона идораларининг ваколатларига киритилган ҳуқуқбузарликлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси-нинг жиноий ва жиноий-процессуал қонунларига амал қилган ҳолда зарур оператив-қидирув тадбирларини амалга оширади.

Халқ хўжалиги тармоқлари ва объектларидаги иқтисодий жи-ноятларни очишга ихтисослашган оператив ходимларнинг мунтазам -тусдаги учрашувларини ўтказишда ҳуқуқбузарликга қарши фаолият-нинг олдини олиш, унга барҳам бериш ва жиноятларни очиш бўйича куч-ғайратларини мувофиқлаштириш учун одатда солиқларни тўлашдан бўйин товлайдиган корхоналар, ташкилотлар, бир-лашмалар ва бошқа юридик шахслар, кўчалардаги савдогарларни аниқлаш юзасадан келишилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Айни шундай учрашувларда даромадлар (фойда)ни солиқка тортишдан яшириш фактларини аниқлаш учун оператив позициялар ташкил этилиши зарур бўлган жиноий ҳоллар мавжуд объектларнинг рўйхати белгилаб олиниши мақсадга мувофиқдир.

Баҳамжиҳат ҳаракатни амалга оширадиган томонлар учун қизиқарли бўлган ахборотлар билан алмашиниш режали асосда ёки зарур бўлган ҳолларда ташкил қилинади. Ахборот билан алмашиниш ахборотнинг тузилиши ва мазмунига қараб ёзма ёки оғзаки шаклда, ваколатли органнинг сўровига биноан ёки томонлардан бирининг ташаббусига кура органнинг раҳбарияти даражасида амалга оширилади.

Солиқ идоралари тинтув ёки тортиб олишни ўтказиш ҳақидаги қарор мавжуд бўлганида молиявий ёки бошқа ҳужжатларнинг аниқланиши ва тортиб олинишида, ички ишлар органларининг оператив-қидирув фаолияти жараёнида олган материаллар юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Жиноий-процессуал кодексининг 343-моддасига мувофиқ равишда терговчининг қидирув ва тергов ишларини амалга ошириш ҳақидага топшириғини ижро этиш

тартибида молиявий-бухгалтерлик тадқиқотларининг ўтказилишида ёрдам кўрсатади.

Божхона хизматининг суриштирув органлари ҳам божхона қонунларига биноан уларнинг ваколатларига киритилган ишлар юзасидан оператив иш олиб борадилар. К,атор масалалар буйича ушбу органлар манфаатлари бир-бирига мос келади.

Божхона идораларидаги ҳужжатларнинг айланишидан фойдаланиб, ҚҚСни тўлашдан бўйин товлаш мақсадида ўз маҳсулотларини иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлардан ташқарига экспорт қилинган товарлар сифатида расмийлаштирган, аслида эса уларни мамлакат ичкарисида сотган солиқ тўловчиларни ва шу кабиларни аниқлаш имконияти пайдо бўлади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари давлат солиқ идоралари ходимларига уларнинг хизмат вазифаларини ижро этишида кўмаклашишлари ва давлат солиқ идоралари хо-димларининг ўзларига юкланган вазифаларни бажаришига тўсқинлик киладиган мансабдор шахслар ва айрим фуқароларнинг хатти-ҳаракатларига барҳам беришлари шарт.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 августдаги "Метрология тўғрисида"ги Қонуни нормасини солиқ идоралари билан давлатнинг бошқа органлари ўртасидаги ўзаро муносабатлардаги янгилик сифатида кўриб чиқиш зарур. Қонуннинг 14 "Давлат метрология назоратининг соҳаси" моддасида давлат метрология назорати божхона ва солиқ операцияларининг ўтказилишига ҳам тегишли бўлади, деб қайд қилинган.

Давлат солиқ идоралари савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарини мажмуий текширишларда, шунингдек таҳлиллар, тадқиқотлар, экспертизаларни ўтказишда нафақат савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси, соғликни сақлаш мутахассисларини, шу билан бирга стандартлаштириш, метрология мутахассисларини ҳам жалб қиладилар.

Бунда, масалан, товарларнинг қалбакилаштирилганлиги ёки очиқдан-очиқ, ёмон сифатли эканлиги маълум булса, унда солиқ идоралари уларни сотишдан

олиб ташлаш учун дарҳол санитария-эпидимология станцияларига хабар қилишлари шарт.

Давлат солиқ идоралари товарлар, ёнилғи, хомашё ва материал-ларнинг намуналарининг синовлари, таҳлилларини ўтказишни кайси идорага бўйсунишидан қатьий назар, илмий-тадқиқотчилик институтларига, лабораторияларга топшириш ҳуқуқига эгадир.

Давлат Солиқ қўмитаси бошқа идоралар, масалан, Ўзбекистан Республикасининг Фан ва Техника давлат қўмитаси билан бир-галикда ҳам келишилган ишларни амалга оширади.

Жумладан, ушбу давлат қўмитаси ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда 1994 йил 11 январдаги 10/2-83-сонли "Инновация ва илмий-тадқиқотчилик ишларига нисбатан қўшилган қиймат солиғига доир имтиёзларни қўлланиш тартиби тўғрисида"ги ҳужжат ишлаб чиқилди, у инновация ва хўжалик ҳисоби асосидаги илмий-тадқиқотчилик ишларининг қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган турларини ўз ичига олади.

Муайян ишларнинг илмий-тадқиқотчилик ва инновация ишларининг қўшилган қиймат солиғини тўлащдан озод қилиниши лозим бўлган турларига киритилишига доир тушунтиришларни, шунингдек бундай турларнинг рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Фан ва Техника давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг Давлат Солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги билан келишилган тартибга мувофиқ равишда беради ва белгилайди.

Шунга ўхшаган ўзаро муносабатлар бошқа идоралар билан ҳам йўлга қўйилган.

## Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1.Солиқ ҳуқуқининг умумий ҳуқуқ билан муносабатини аниқланг.

2.Солиқ ҳуқуқига таъриф беринг.

3.Конституциявий ҳуқуқ деганда нима тушунилади.

4Олий Мажлис билан солиқ ҳуқуқи ўртасидаги муносабатларни кўрсатинг.

5.Солиқ ҳуқуқи билан шахсий ҳуқуқ ўртасидаги боғлиқлик нималарда намоён бўлади.

## Таянч иборалар

умумий ҳуқуқ доираси, солиқ ҳуқуқининг муносабатлар шакли,ҳуқуқий муносабатларда умумийлик, Конституциявий ҳуқуқ,идоралар ҳуқуқи, шахсий ҳуқуқ, ижтимоий ҳуқуқ

## Фойдаланилган адабиётлар:

Асосий адабиётлар: 3,5,6,9,12,14,15.

Қўшимча адабиётлар: 16,17,21,22,24.

## 10-Мавзу: Солиқ тўғрисидаги қонунларни  бузганлик учун юридик жавобгарлик.

**Режа:**

1. Юридик жавобгарлик тушунчаси.
2. Давлат Солиқ органлари фаолиятида маъмурий жавобгарлик масалалари.
3. Солиқ тўғрисидаги қонунларнинг бузилиши.

### 1. Юридик жавобгарлик тушунчаси.

Қонунийлик демократик давлат тузумининг асосидир. Бу барчанинг қонун олдида тенглиги, жамиятнинг ҳар қандай аъзоси, ижтимоий муносабатлар иштирокчисининг унга бир хил бўйсуниши демакдир.

Ўзбекистан Конституциясига мувофиқ қонунийликнинг асосий жиҳатлари қуйидагилардан иборат.

Юридик ҳужжатлар тизимида қонунларнинг устунлиги, яъни ушбу ҳужжатларнинг қонунларга мувофиқ; бўлиши; давлат бошқаруви органлари қонунлар асосида ва уларни бажариш юзасидан чиқарган қарорларнинг давлатнинг қуйи органлари ва мансабдор шахслар ҳужжатларидан устун бўлиши;

-маҳаллий органлар марказий ҳокимият органларининг ҳуж-жатларини қатиъан бажариши, жойларда қонунларга мувофиқ бораётган оператив фаолиятга марказий органларнинг аралашишига йўл қўйилмаслигига;

-фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини оғишмай амалга ошириш, давлат ва мансабдор шахслар томонидан фуқароларга нисбатан бирон-бир зўравонлик қилинишига йўл қўймаслик;

-фуқарологиинг жамият, давлат ва бошқа фуқаролар олдидаги ўз ҳуқуқий бурчларини қаттиқ туриб бажаришлари.

Қонунийлик жамият нормал фаолиятининг асоси, мустақил давлатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш вазифаларини муваффақиятли

бажаришнинг зарур шарти ва ғоят муҳим шартдир. Унинг яшаши худди ана шунга боғлик, қонунийликнинг жамият хаётидаги реал роли ҳудди ана шундан иборат. У ижтимоий муносабатдага барча иштирокчиларнинг ҳаракат бирлигини, интизом ва ҳуқуқий тартибни таъминлайдики, буларсиз иқтисодиётни шакллантириш ва мустаҳкамлашни тасаввур этиб бўлмайди.

Демократизм қоидаларини (мансабдор шахсларнинг халқ томонидан назорат қилинишини ва х.к.) бузиш қонунсизлик ва ўзбошимчаликка, фуқароларнинг демократик ҳуқуқлари камситилишига уларнинг ташаббускорлиги ва фаоллиги пасайишига олиб келади. Лекин чинакам халқ ҳокимиятини қонунларнинг фуқаролар, уларнинг ташкилотлари ва бирлашмалари томонидан бир хил тушунилиши ва оғишмай бажарилишини ҳам тасаввур этиб бўлмайди. Демократиясиз қонунийлик йўқ, лекин қонунсиз демократия ҳам йўқ;.

Қонунийликни мустаҳкамлашнинг асосий махсус воситалари ишонтириш, оддини олиш, қонунни бузувчиларга бевосита жамоат таъсири кўрсатиш, қонунийликнинг юридик кафолатларини такомиллаштирищдан иборатдир. Қонунийликни бузишларга қарши курашда ҳуқуқ талабларини бажаришга давлат томонидан мажбур қилишдан ҳам зарур даражада фойдаланилади.

Юридик жавобгарлик: - бу талабларнинг энг асосий ифодаси-дир. У тартиббузарларга нисбатан қонуний ҳуқуқий санкцияларни қўллашдан иборатдир. Жиноий жавобгарлик (жиноят содир этганлик учун), маъмурий, интизомий ва фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик (маъмурий ҳуқуқбузарлик учун, хизматда ёки ишда интизомий ножўя ҳаракат, фуқаролик ҳуқуқбузарлиги) фарқланади.

Юридик жавобгарлик-мураккаб ҳуқуқий ҳодиса бўлиб унинг моҳияти тушунчаси ва мазмуни ҳақида ҳуқуқ фанида узоқ ва жўшқин баҳслар бормоқда. Ушбу баҳсларнинг моҳиятига чуқурлашмаган ҳолда юридик жавобгарлик - жисмоний ёки юридик шахснинг ҳуқуқий норма санкциясида назарда тутилган

ҳуқуқбу-зарликни содир этганлик учун муайян шахсий ёки мулкий номақбул оқибатларни бошдан кечиришга мажбурлигидир.

Ҳуқуқшуносликда ҳуқуқнинг бирон-бир соҳасига мансублигига қараб, юридик жавобгарликнинг қуйидаги турларини фарқлаш одат бўлган: а) интизомий жавобгарлик, б) ёлланма меҳнат кишиларининг моддий жавобгарлиги; в) маъмурий; г) жиноий; д) фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик.

Юридик жавобгарлик қуйидаги белгилари ва жиҳатлари билан ажралиб туради.

1. Юридик жавобгарлик давлат томонидан унинг ваколатли органлари орқали тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар - асосан қонунлар, айрим ҳолларда эса - қонун асосидаги ҳужжатларни чиқариш йўли билан жорий этилади;

2. У вакил қилинган органлар ва мансабдор шахслар томонидан қаттиқ белгиланган процессуал тартибда қўлланилади;

3. Юридик жавобгарлик давлат томонидан мажбур қилишнинг бир тури бўлиб, жавобгарлик ҳуқуқий нормаларнинг санкциялари билан жорий этилишида ифодаланади ва давлат, унинг органлари ва мансабдор шахсларнинг ўз ҳукмини ўтказиши, мажбур қилиши воситасидагина амалга оширилиши мумкин. Айбдор ҳатто чиқарилган қарорни ихтиёрий суратда бажарган ёки ўзи келтирган зарарни тўлаган тақдирда ҳам давлат кўрган чораларнинг мажбурийлиги ўзгармайди;

4. Юридик жавобгарликка ҳуқуқбузарлик, яъни содир этганлик учун қонунларда, бошқа норматив ҳужжатларда у ёки бу жавобгарлик тури назарда тутилган айбли, қонунга хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик сабаб бўлади. Интизомий жавобгарликка интизомий ножўя ҳаракат, моддий жавобгарликка моддий зиён етказиш, маъмурий жавобгарликка маъмурий ҳуқуқбузарлик, жиноий жавобгарликка жиноят, фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликка фуқаролик муомаласи соҳасидаги мулкий муносабатларга, шунингдек шахсий номулкий муносабатларга тажовуз қилувчи ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар асос бўлади;

5. Юридик жавобгарлик ҳамма вақт қонунбузарга нисбатан муайян салбий оқибатлар келтириш билан боғлиқ бўлиб, салбий оқибатлар деганда ҳар

қандай ноқулай натижа - масалан лицензия ёки эркинликдан маҳрум қилиш, жарима ёки ишдан бўшатишни ва ҳоказоларни тушунмоқ керак.

Солиқ тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун солиқ тўловчилар (хўжалик юритувчи субъектлар, уларнинг мансабдор шахслари, фуқаролар), ҳам давлат солиқ органлари (уларнинг мансабдор шахслари) ҳам юридик жавобгар бўлишлари мумкин. Бу ҳол Ўзбекистон Республикасининг Давлат Солиқ органлари тўғрисидаги Низомда, Ўзбекистон Республикасининг Давлат Солиқ қўмитаси тўғрисидаги Низомда, республиканинг айрим солиқ турлари тўғрисидаги қонунларда назарда тутилган.

Бироқ юқорида айтилганлардан санаб ўтилган субъектлар жавобгарликнинг барча турларига жалб қилинадилар, деган маъно чиқмайди. Масалан, интизомий ва жиноий жавобгарлик субъектлари фақат жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Маъмурий жавобгарлик субъект фақат жисмоний шахслар (фуқаролар ва мансабдор шахслар) гина эмас, балки корхона, муассаса, ташкилотлар ҳам бўлиши мумкин деб айтиш учун ҳамма асослар мавжуд.

Солиқ тўғрисидаги қонунлар бузилиши муносабати билан интизомий, моддий ва фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик масаласи ҳал қилиш чоғида тегишлича Ўзбекистон Республикасининг Меҳнати кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, баъзи бошқа қонун ҳужжатлари жорий қилган умумий ҳуқуқий тартибот амал қилишини назарда тутиш керак. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг давлат солиқ органлари тўғрисидаги Низомнинг 6-банди "и" кичик бандига мувофиқ мазкур корхона, муассаса, ташкилот ва фуқаролар қонунсиз битимлардан ва қонунда белгиланмаган асослар бўйича олган маблағларини давлат даромадига ундириш ҳақида тегишли судларга даъво билан мурожаат қилиш ҳуқуқи берилган. Бундай ҳол Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг нормалари қўлланилиши керак.

## 2. Давлат Солиқ органлари фаолиятида маъмурий жавобгарлик масалалари.

Маъмурий жавобгарлик - юридик жавобгарлик тури бўлиб, вакил қилинган орган ёки мансабдор шахснинг қонунбузарлик қилган шахсга нисбатан маъмурий жазо чорасини қўллашда ифодаланади.

Маъмурий жавобгарлик умуман юридик жавобгарликка хос бўлган белгиларга эгадир. Шу билан бирга у бир қатор ўзига хос белгиларга эга бўлиб, улар маъмурий жавобгарликни юридик жавобгарликнинг бошқа турларидан ажратиб туради. Давлат Солиқ органлари кўриб чиқадиган қонунбузарлик учун маъмурий жавобгарликнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ана шу белгиларнинг айримларини кўриб чиқамиз:

1) Маъмурий жавобгарлик жиноий жавобгарликдан фаркли уларок фақат Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билангина эмас, балки Қоракалпогистон Республикасининг қонунлари, халк депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорлари билан (жамоат тартибини сақлаш масалалари, агар бу масалалар МЖК билан тартибга солинган бўлмаса, шунингдек табиий офатлар ва эпидемияларга қарши кураш масалаларида - МЖК 56-моддаси) белгиланади. Бу умумий қоида бўлиб, ундан жойлардаги давлат ҳокимияти органлари солиқ солиш масалаларида маъмурий жавобгарлик белгилашга ҳақли эмаслиги келиб чиқади, айни вақтда вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти маҳаллий органлари 1993 йил 7 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида"ги Қонуни 6-моддасига мувофиқ бир катор маҳаллий солиқ ва йиғимларни жорий этишга ҳақли. Бундан ташқари жойлардаги мазкур давлат ҳокимияти органларига айрим савдо қоидаларини белгилаш ҳуқуқи берилган. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлари, шунингдек савдога тааллуқли қоидаларни бузганлик учун аниқ жавобгарлик эса МЖКнинг тегишли моддаларида назарда тутилади.

Амалиётда маъмурий жавобгарликнинг айрим масалалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари билан ҳал қилинади. Масалан,

Президентнинг 1995 йил 12 майдаги "Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг маъсулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида солиқ органлари дебиторлик қарзи муддатида тўланмаганлиги учун мулкчиликнинг ҳамма шаклларига мансуб корхона ва ташкилотларнинг раҳбарларига, шунингдек мазкур корхоналарнинг бош бухгалтерларига ва бундан ташқари, корхоналарнинг ҳисоб-варақларида тегишли маблағлари бўлгани ҳолда тўловларни амалга оширишнинг белгиланган муддатларини бузган тижорат банклари филиалларининг раҳбарлари ва бош бухгалтерларига энг кам иш ҳақининг беш бараваридан то етти бараваригача миқдорда маъмурий жарима солиши белгилаб қўйилган.

2) Маъмурий ҳуқуқбузарлик, яъни шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий жавобгарлик учун амалий асос бўлади (МЖК 10-моддаси). Ушбу таърифда маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг умумий объекти кўрсатилган. Давлат Солиқ органлари кўришга вакил қилинган ҳуқуқбузарлик объекти солиқ солиш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси, шунингдек тадбиркорлик соҳасидаги муносабатлардир.

Муайян шарт-шароитларда маъмурий ҳуқуқбузарлик жиноятига, яъни жиноят кодекси томонидан жазо қўллаш хавфи билан тақиқлаб қўйилган (ЖК 14-моддасининг 1-қисми) айбли, ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)ка айланади, Агар маъмурий ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо бажарилган кундан бошлаб бир йил мобайнида такрор содир этилган бўлса, у жиноятта айланади. Масалан, савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш (МЖК 164-моддасининг 1-қисми) ана шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилса, ЖК 189-моддаси 1-қисми бўйича жиноий жавобгарликка олиб келади.

Етказилган зиённинг миқдори ҳам маъмурий ҳуқуқбузарликни жиноятдан фарқлайдиган белги бўлиши мумкин. Масалан, фойдани (даромадни) ёки бошқа

солиқ солиш объектларини қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш, шунингдек катга миқдордаги белгиланган солиқлар, йиғимлар, божлар ёки бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бошқача бўйин товлаш жиноий тартибда ЖК 184-моддаси 1-қисми бўйича жазоланади. Бу ўринда катта миқдор энг кам иш ҳақининг ўндан то ўттиз баробарини ташкил этади. Сумма бундан кам бўлганида айбдор МЖК 174-моддасининг 1-қисми бўйича маъмурий жавобгарликка тортилиши керак.

3) Маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазолар назарда тугилган. Уларнинг баъзилари жиноий фуқаровий ва меҳнат ҳуқуқининг нормаларида белгиланган санкциялар билан бир хил номланишга эга, лекин миқдори ва қўлланиш тартиби билан ажралиб туради. Масалан, МЖК 25-моддасига мувофиқ, фуқароларга солинадиган жариманинг энг кўп миқдори энг кам иш ҳақининг беш бараваридан, мансабдор шахсларга эса ўн бараваридан ортиқ бўлиши мумкин эмас (умумий қоидага кўра). Жиноят кодексининг 44-моддасида жарима энг кам иш ҳақининг беш бараваридан юз бараваригача қилиб белгиланган. Меҳнат интизомини бузганлик учун корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг кўпи билан йигирма фоизи миқдорида, меҳнат интизомини мунтазам бузганлик, узрли сабабларсиз прогул, ишга маст ҳолда, наркотик ёки токсик сархушлик ҳолатида келганлик учун кўпи билан 40 фоизи миқдорида жарима солиши мумкин.

Амалдаги қонунларга мувофиқ давлат солиқ органлари маъмурий жазо сифатида фақат жарима солишга хақли бўлиб, унинг миқдори маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги, давомли ҳуқуқбузарлик учун эса - у маълум бўлган пайтдаги энг кам ойлик иш ҳақига қараб белгиланади.

4) Маъмурий жазонинг қўлланилиши судланишга ва ищдан бўшатишга олиб бормайди. Башарти, маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланади (МЖК 37-моддаси).

Шуни назарда тутиш керакки, маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса, ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб икки ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин. Озми-кўпми узоқ вақт мобайнида узлуксиз амалга ошириб келинаётган ҳуқуқбузарлик давом этаётган ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланади. У ягона ҳуқуқга хилоф ҳаракатнинг ягона таркибини узлуксиз амалга ошириш билан ажралиб туради. Масалан, фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёхуд бундай ҳисобни белгиланган тартибни бузган ҳолда олиб бориш давом этаётган ҳуқуқбузарликдир (МЖК 175-моддасининг 1-қисми). Бунда икки ойлик муддатнинг ўтиши давлат солиқ ёки бошқа ваколатли органнинг мансабдор шахси ҳодисани аниқлаган кундан бошланади.

Маъмурий жавобгарликни юридик жавобгарликнинг бошқа турларидан ажратиб турадиган айрим фарқлар ана шулардан иборат бўлиб, давлат солиқ органларининг қонунларни қўллаш фаолиятида ҳисобга олиш зарур.

Ўзбекистан Республикасининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги 1985 йилги Кодекси (кейинчалик киритилган ўзгариш ва қўшимчалар билан) давлат солиқ органларининг ҲУҚУҚ доирасига тўртта модда бўйича: дори-дармонлар ёки тиббиёт буюмларини сотиш тартибини бузганлик учун (167-модда 1-қисм); фойдани (даромадни) яшириш (камайтириб кўрсатиш) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни яшириш (ҳисобга олмаслик) ва касса операцияларини юритиш тартибини бузиш (175); тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузиш ёки тадбиркорлик фаолиятининг тақиқланган тури билан шуғулланиш (175 1); давлат солиқ органларининг қонуний талабларини бажармаслик (176) бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни киритган эди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги янги Кодекс давлат солиқ органларига куриш учун ваколат берилган ишлар билан боғлик моддалар сонини еттитага етказиб кенгайтирди. Унда тегишли ҳуқуқбузарликларнинг

таркиби янгича таърифланди, айрим тоифадаги ишларни кўриб чикувчи органлар ўзгартирилди.

Давлат солиқ органларига кўриб чиқиш учун ваколат берилган маъмурий ҳуқуқбузарлик объектларининг турлари: а) солиқ солиш; б) савдо ва хизмат кўрсатиш; в) тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги муносабатлардир. Шунга мувофиқ ҳолда давлат солиқ органлари кўриб чиқадиган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларнинг учта гуруҳини ажратиб кўрсатиш мумкин.

**3. Солиқ тўғрисидаги қонунларнинг бузилиши.**

"Солиқлар ва бошқа тўловлар тўлашдан бўйин товлаш" деб аталадиган 174-модда икки қисмдан иборат. 1-қисмда солиқ солинадиган фойдани (даромадни) ёки бошқа объектларни қасддан яширганлик (камайтириб кўрсатганлик) ёхуд солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан қасддан бўйин товлаганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган.

Кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликнинг юридик таркибини таҳлил қилишга ўтишдан олдин шуни айтиш керакки, солиқ тўғрисидаги қонунлар мутгасил ривожланиб бормоқда. Вақти-вақти билан солиқ солинадиган объектларнинг рўйхати ўзгартирилмоқда ва тўлдирилмоқда, солиқ ставкалари ўзгартирилмоқда. солиқлар тизимининг ўзи ҳам ўзгармоқда - баъзилари жорий этилмоқда, бошқалари бекор қилинмоқда. Ўзбекистан Республикаси Президентнниниг 1994 йил 30 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони бунга мисолдир. Шу муносабат билан давлат солиқ органларининг мансабдор шахслари мазкур ўзгартиш ва қўшимчаларни доимо диққат марказларида тутишлари, солиқ тўғрисидаги қонунларни бузиш ҳолларини баҳолашга доир аниқ масалаларни ҳал қилишда уларни ҳисобга олишлари керак. Солиқ солишдан озод қилишнииг амалдага тартибини, солиқлар соҳасидаги имтиёзлар рўйхатини билиш ҳам муҳимдир.

Холис қаралганида 174-модданинг 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тарзида белгиланган

суммаларни бюджетга ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган расмий ҳужжатларда солиқ солинадиган объектлар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирмаслик ёки тўла акс эттирмасликда намоён бўлади.

Кўриб чиқилаётган ҳолатда даромадлар деганда, масалан, хусусий мулк асосида фаолият олиб борадиган тадбиркорларнинг даромади, мол-мулкни ижарага беришдан келадиган тушумлар, кўрилган зиённи тўлаш тарзида олинган суммалар, корхонага қарашли акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича дивидендлар ва ҳ.к- тушунилади. Бошқа тўловлар деганда турли йиғимлар, шу жумладан рўйхатга олиш ҳақи, божлар, пул-буюм лотереялари ўтказишдан келган даромадлар ва шу каби солиққа тортилмайдиган даромадлар тушунилади. Корхоналар айрим фондларга, шу жумладан ижтимоий суғурта фондига, аҳолининг иш билан бандлигига ёрдамлашувчи давлат фондига, республика йўл фондига, баъзи бошқа фондларга бадаллар тўлашга ҳам мажбурдирлар.

Солиқ солишдан яшириладиган сумманинг миқдори (бу тушунчага йиғимлар, божлар тўлаш, бошқа тўловларни тўлаш ҳам киритилади) алоҳида аҳамиятга эга, чунки агар бу сумма энг кам иш ҳақининг ўн баробаридан ошмаса, маъмурий жавобгарликка тортилади.

МЖК 174-моддасининг 1-қисми бўйича ҳуқуқбузарлик субъектлари фуқаролар ҳам, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳам бўлиши мумкин. Мансабдор шахслар деганда солиқ солиш соҳасида белгиланган қоидаларга риоя этиш вазифаси зиммасига юклатилган раҳбарлар, бош (катга) бухгалтерларни англамок керак. Бунда мулкыинг цикли, хужалик юритувчи субъектнинг камга буйсуниши ҳуқуқбузарликни баҳолаш учун аҳамиятга эга эмас. Шуни ҳам назарда тутиш керакки, бухгалтерия хизматига эга булмаган корхона, муассаса, ташкилотаарда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот ишларини ихтисослашган ташкилот ёки тегишли мутахассис шартнома асосида олиб бориши мумкин.

Ушбу моддани қўллаш пайтида маъмурий жавобгарликка маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтда ўн олти "ёшга тўлган ақли расо шахслар

тортилиши ҳақидаги умумий қоидани ҳисобга олиш керак (МЖК. 14, 20-моддалар), Ўзбекистон Республикаси худудидаги ажнабий фуқаролар (иммунитетта эга бўлганларидан ташқари) ва фуқаролиги булмаган шахслар умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортилишлари лозим(МЖК 17-модда-си). Шундай килиб, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги булмаган шахслар МЖК 174-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик субъекти бўлишлари мумкин. Уни содир, этиш фуқароларга энг кам иш хақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса - беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

174-модданннг иккинчи қисмига мувофиқ энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдордаги жарима даромадлар тўғрисида декларация тақдим этишдан бўйин товлаганлик, декларацияни ўз вақтида тақдим этмаслик ёки унда атайин нотўғри маълумотларни тақдим этганлик учун солинади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунларида даромадлар тўғрисидаги декларадияларни муайян муддатларда фуқаролар ҳам, корхоналар ҳам солиқ органларига такдим этиб туришлари назарда тутилган. Чунончи, республика Вазирлар Махкамасининг "Савдони эркинлаштириш ва истеъмол бозорини товарлар билан тўлдириш тадбирлари тўғрисида"ги қарорида корхоналар, улгуржи ва чакана савдо ташкилотлари, шу жумладан умумий овқатланиш корхоналари, ўз даромадлари тўғрисида ҳар ойда декларация (маълумотнома), топширадилар, деб белгилаб қўйилган.

174-модданинг 2-қисми ушбу қисмнинг диспозициясида санаб кўрсатилган уч ҳуқуқбузарлик:

а) даромадлар тўғрисида декларация тақдим этишдан бўйин товлаш;

б) декларацияни ўз вақтида тақдим этмаслик;

в) декларацияда атайин нотўғри маълумотларни тақдим этиш ҳолларидан ҳар қандай содир этилганида қўлланилади.

Биринчи ва учинчи ҳуқуқбузарлик ҳамма вақт атайин, иккинчиси ҳам атайин, ҳам эҳтиётсизлик орқасида содир этилади.

Декларацияни ўз вақтида тақдим этмаслик декларация белгиланган муддат тамом бўлганидан кейин тақдим этилишида ифодаланади. Декларацияга атайин нотўғри маълумотларни киритиш ҳақиқий даромадларни камайтириб кўрсатадиган, мавжуд бўлмаган харажатларни кўрсатадиган ва х.к. маълумотларни беришдан иборат бўлади.

Агар мазкур ҳуқуқбузарликлар солиқ солинадиган объектларни яшириш мақсадида қилинса, улар миқдорига қараб, МЖК 174-моддасининг 1-қисми билан, ёки ЖК 184-моддаси билан ҳам баҳоланиши керак.

174-модданинг 2-қисми бўйича Солиқ органларига тегишли декларацияларни такдим этишга мажбур бўлган фуқаролар ҳам, мансабдор шахслар ҳам жавобгар бўладилар.

"Солиқ солинадиган объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёки касса операцияларини юритиш тартибини бузиш" деб аталадиган 175-модда уч қисмдан иборат. Ушбу модданинг 1-қисмига мувофиқ фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёхуд бундай ҳисобни белгиланган тартибни бузган ҳолда олиб бориш, шунингдек солиқларни, бюджетта ва бюджетдан ташқари фондларга бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур бўлган солиқ ҳисоботларини, ҳисоб-китобларини ва бошқа ҳужжатларни тақдим этмаслик, ўз вақтида такдим этмаслиги ёки белгиланмаган шаклда тақдим этиш, башарти бу ҳаракатлар тўланиши лозим бўлган солиқ ёки бошқа тўловларнинг миқдорини камайтиришга олиб келса, энг кам иш ҳақининг бир баробаридан уч баробаригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Кимга бўйсунишидан ва мулк шаклидан қатьи назар юридик шахс бўлган корхоналар ва ташкилотлар (шу жумладан чет эл инвестицияси ёрдамида ташкил этилган корхоналар), шунингдек асосий фаолияти бюджет маблағлари ҳисобидан молиявий таъминланадиган муассаса ва ташкилотлар учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ягона услубий (методологик) асослари Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги Низом билан белгиланади. Ушбу Низом,

шунингдек корхоналар молиявий-хужалик фаолияти бухгалтерия ҳисоботининг ҳисобварақлар режаси ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 26 мартдаги қарори билан тасдиқланган. Низомга мувофиқ Молия вазирлиги бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот буйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди. Улар Ўзбекистон худудидага ҳамма корхоналар, муассасалар томонидан бажарилиши шарт.

Солиқ, ҳисоботлари, ҳисоб-китобларининг ва Солиқларни, бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларнинг шакллари, масалан, махсулот ишлаб чиқариш (Ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) ва уларни реализация қилиш буйича амалга ошириладиган ва махсулот (ишлар, хнзмат-л8р) таннархига кушиладиган харажатлар таркиби ва молиявий нахижаларни чиқариш тартиби туррисидаги 1995 йил 27 январда-ги Йизом, Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ, қўмитасининг 1994 йил 22 декабрдаги "Корхоналар фойдаси (даромади)дан бюджетга олинадиган Солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби тўғрисида"ги йурикномаси каби ҳужжатлар билан тасдиқланган.

ўз фаолиятини юридик шахс ташкил этмасдан туриб амалга оширишни хохлаган хусусий тадбиркорга тикиб богланган ва мухр босиб тасдиқланган даромад ва харажатлар дафтари (даромад ва харажатлар деклaрадияси) берилади.

Шуни алохида таъкидлаш керакки, МЖК 175-моддасининг 1-қисмида санаб ўтилган ҳуқуқбузарликлар, башарти бу ҳаракатлар тўланиши лозим бўлган Солиқ ёки бож тўловларнинг миқдорини камайтиришга олиб келса, ушбу моддага мувофиқ, жавобгарликка сабаб бўлади. Агар бундай оқибатлар юз бермаган бўлса, кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарлик таркиби йўқ бўлади, айбдор мансабдор шахслар эса интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Агар худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, МЖК 175-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жавобгарликка тортилиб, энг кам иш хақнинг уч баробаридан беш баробаригача миқдорда жарима солинади.

175-модданинг 3-қисми касса операцияларини юритиш тар-тибини ва тўлов интизомини бузганлик учун мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишни назарда тутади.

Касса операциялари деганда корхона муассаса ва ташкилотлар кассаларининг нақд пулларни қабул қилиш, сақлаш ва бериш билан боғлик, операциялар тушунилади. Тегишли қоидалар кўпроқ аҳоли ва кредит муассасалари билан пул ҳисоб-китобларига тааллуқли бўлади Касса операцияларини юритиш тартибини бузишнинг энг кўп тарқалган турлари касса тушумини белгиланган нормалардан ортиқча сарфлаш, тушумни кредит муассасасига ўз вақтида топширмаслик, кассадага нақд пул қоладигани лимитдан ошириб юбориш, кредит муассасасидан олинган накд пулларни ноурин сарфлаш, иш ҳақи, нафақалар, стипендиялар, пенсия ва мукофотлар тўлаш учун олинган ва ишлатилмаган пул маблағларини кредит муассасасига ўз вақтида қайтармаслик, нақд пул билан ҳисоб-китоб қилиш қоидаларини бузиш ва бошқалардан иборатдир.

Касса операцияларини юритиш тартибини бузганлик учун корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари, бош (катта) бухгалтерлари, шартнома асосида ишлайдиган бухгалтерлари, молиявий бўлинмаларнинг раҳбарлари ва кассирлари жавобгар бўладилар.

Тўлов интизоми хужалик юритувчи субъектларниг ўз тўлов мажбуриятлари буйича тўловдарнинг муддатлари ва тартибига аниқ, риоя этишидан иборатдир.

Ушбу бобда тилга олинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги "Халк, хужалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида утказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора тадбирлар тўғрисидаги Фармони тўлов интизомини мустаҳкамлашга қаратилган. Фармонда мулкчиликнинг ҳамма шаклларига мансуб хўжалик юритувчи субъектларга етказиб берилаётган маҳсулот (бажарилаётган ишлар, хизматлар) қийматининг камида 15%ини олдиндан

тўламасдан туриб, истеъмолчилар ва буютмачиларга махсулот сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш таъқиқланган.

Етказиб берилган товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар учун маблагларнинг товарлар амалда жўнатилган, хизматлар, кўрсатилган, ишлар бажарилган кундан бошлаб олтмиш кун ўтганидан кейин келиб тушмаганлиги муддати утказиб юборилган дебиторлик қарзи дейилади.

Муддати утказиб юборилган дебиторлик қарзининг мавжудлигини, тўловга кобилиятсиз истеъмолчиларга маҳсулот етказиб бериш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш)ни тўлов интизомини бузиш деб ҳисоблаш мумкин. Корхоналарнинг ҳисобваракларида тегишли маблаглар була туриб, тўловларни ўтказишнинг белгиланган муддатларига риоя этмасликни ҳам ана шундай тўлов интизомини бузиш деб ҳисоблаш керак.

175-модданинг 3-қисми буйича ҳуқуқбузарлик субъектлари мулкнинг ҳамма шаклларига мансуб корхона ва ташкилотларнинг, тижорат банклари филиалларининг раҳбарлари, шунингдек мазкур ташкилотларнинг бош бухгалтерлари бўлиши мумкин.

## Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1.Юридик жавобгарлик нима.

2.Юридик жавобгарликнинг қандай белгиларини биласиз.

3.Қандай ҳолатларда солиқ тўғрисидаги қонунлар бузилади.

4.Қонунийликни мустаҳкамлашнинг асосий махсус воситалари нималардан иборат.

5.Давлат солиқ органлари фаолиятида юридик жавобгарлик масалаларининг ўрни қандай.

## Таянч сўз ва иборалар

юридик жавобгарлик,

жисмоний шахс,

юридик шахс,

тенг ҳуқуқлилик,

ҳуқуқбузарликнинг юридик таркиби,

ваколатлар

ҳуқуқий нормалар

**Фойдаланилган адабиётлар:**

Асосий адабиётлар:1,3,4,6,8,12,15.

Қўшимча адабиётлар: 16,17,19,22,23.

## 11-Мавзу: Жаҳон солиқ кодекси.(4 соат)

**Режа:**

1. Солиқ соҳасидаги  халқаро ҳамкорликдан мақсад.
2. Жаҳон солиқ кодексини қабул қилиш зарурати ва аҳамияти.
3. Халқаро миқёсда  икки ёқлама солиққа тортиш муаммоларининг юзага келиши ва уларни бартараф этиш йўллари.

### 1. Солиқ соҳасидаги  халқаро ҳамкорликдан мақсад.

Жаҳон ҳамжамияти  иқтисодий тизимлари интеграцияси ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланиши муқаррар хорижий мамлакатлар солиқ тизимларини ўзаро таъсирига олиб келади. Лекин турли малакатларда солиққа тортишни у ёки бу масалани ечишга бўлган ёндашувларни бир бирига тўғри келмаслиги низоли вазиятларни юзага келишига сабаб бўлади. Масалан, халқаро икки томонлама солиққа тортиш ҳамда антисолиққа  тортиш билан боғлиқ бўлади.

Халқаро икки томонлама солиққа тортиш икки ёки ундан кўп мамлакатда бир солиқ тўловчини бир объектига нисбатан бир ёки ўхшаш солиқ билан бир вақтнинг ўзида солиққа тортишдир.

Шундай қилиб, икки томонлама солиққа тортишни белгиловчи кўрсаткичлар қуйидагилардир:

- солиққа тортиш объектининг ўхшашлиги;
- солиққа тортиш субъектларининг ўхшашлиги;
- солиқ тўлаш муддатининг ўхшашлиги;
- солиқ тўловчининг бир хиллиги.

Халқаро икки томонлама солиққа тортиш асосан юридик ва жисмоний шахслар даромади ва мол-мулкини солиққа тортишда учрайди. Уни пайдо бўлишининг асосий сабаби давлатнинг суверенлик тамойилидан иборат. Бу эса давлатни ўзини чегаралари ичида бажарилиши шарт бўлган қонуний актларни қабул қилишга махсус ҳуқуқга эга эканлигини билдиради. Бунинг оқибатида ҳар бир мамлакат миллай солиқ қонунчилигининг ўзига хос хусусиятларига эга,

бу эса муайян низоларга олиб келади, хусусан бир нечта давлат бир субъектни ўзини солиқ тўловчиси деб ҳисоблашишади ёки бир мамлакат ҳудудида пайдо бўлган солиқ тўлаш объекти бир вақтни ўзида ҳам у, ҳам бу мамлакат қонунчилигига биноан солиқ тўлаш объекти бўлади. Масалан, республикамизда даромад солиғига қаердан олинганидан қатъий назар, доимий яшовчи шахснинг барча даромадлари солиққа тортилади. Шу вақтнинг ўзида бошқа мамлакатда, масалан, Қозоғистонда уни ҳудудида олинадиган барча даромадлар солиқ тўловчининг доимий яшаш жойидан қатъий назар даромад солиғига тортилади. Шунинг учун мамлакатимиз фуқароси, Қозоғистонда китоб чоп қилганлиги учун муаллифлик гонорари олса, расмий равишда ушбу олинган гонорардан икки марта солиқ тўлашга тўғри келади - Ўзбекистон ва Қозоғистон қонунчилиги бўйича.

Халқаро икки томонлама солиққа тортиш солиқ тўловчиларнинг зарарларини кўпайтиради. Бу эса тадбиркорларни ташқи иқтисодий фаолиятида ишбилармонлик фаолиятини ушлаб туришга ёки ололмаган соф фойдасини қоплаш учун нархларни оширишга мажбур бўлади. Ушбу ҳол эса халқаро интеграция, халқаро товар, хизмат, технология алмашинувига, капитал экспорти, жаҳон бозоридаги рақобат даражасига салбий таъсир қилади. Шунинг учун икки томонлама солиққа тортиш ва унинг оқибатларини бартараф қилиш ёки камайтириш муаммосини халқаро иқтисодий жараёнларда иштирок қилишга ҳар бир давлат ҳаракат қилади.

Халқаро икки томонлама солиққа тортишга қарама-қаршиси бўлиб антисолиққа тортиш ҳисобланади. У халқаро икки томонлама солиққа тортиш турли мамлакатлар солиқ тизимларининг мос келмаслиги оқибатида вужудга келади. Бунда давлатлардан бири муайян солиқ тўловчини ёки объектни «ўзиники» сифатида тан олмайди (ўзига хос «солиқ туйнуги»).

Шундай қилиб, антисолиққа тортиш ва халқаро икки томонлама солиққа тортиш учун умумий ҳол – бу уларнинг пайдо бўлиш сабабидир. Яъни айрим мамлакатлардаги бир-бири билан қисман ёки бутунлай моу келмайдиган қонунчилик меъёрларини мавжудлигидир. Фарқи эса қуйидагидан иборат: агар

икки томонлама солиққа тортиш ортиқча солиққа тортишга олиб келса, антисолиққа тортиш эса унинг камайишига олиб келади.

Анти солиққа тортиш базасини солиқ даражаси пастроқ бўлган мамлакатга ўтказиш йўли билан солиқдан қочиш мақсадида ишлатилади. Масалан, Франция компанияси ўз капиталини даромади пастроқ ставка бўйича солиққа тортиладиган мамлакатга кўчирса, фирма солиқ тўлашдан қочиш билан катта иқтисодга эришади. Яна бир мисол сифатида қуйидагини келтириш мукин: компания Буюк Британияда ташкил этилиб, бошқаруви эса бошқа малакатда, масалан АҚШ да олиб борилади. Ушбу вазиятда фирма икки давлатнинг ҳам резиденти ҳисобланмайди, чунки Буюк Британияда резидент бўлиб, ҳақиқий марказига эга бтлган компаниялар ҳисобланади, АҚШ да эса резидентлик мезони билиб, унинг ташкил этилиши жой ҳисобланади. демак, компания фақатгина даромад солиғига тортилади. Шунга мувофиқ компания даромадлар пастроқ ставка бўйича солиққа тортиладиган учинчи бир давлатда даромад топса. Бу ҳолда ҳам кўпгина афзалликларга эга бўлади.

Анти солиққа тортиш ҳам икки томонлама солиққа тортиш сингари ўзининг иқтисодий оқибатларига эга. Анти солиққа тортиш натижасида эришиладиган афзалликлар халқаро битимларнинг рентабеллигини ошишига олиб келади ва халқаро алоқаларга эга корхоналарни анча манфаатли ўринга қўяди. бошқа томондан, мамлакат ичидаги фаолияти анча фойдасиз бтлади, шу билан ўз иқтисодиётида иштирок қилишга бўлган қизиқиши пасаяди.

Халқаро ҳуқуқ доираси икки томонлама солиққа тортишни тақиқлайдиган умумий қоидаларга эга эмас. Давлатлар миллий солиқ қонунчилигига мувофиқ ўзининг ҳудудида солиққа тортишга махсус ҳуқуқга эгадир. Шунинг учун амалиётда икки томонлама солиққа тортишни бартараф қилиш учун ҳам ички солиқ қонунчилигининг мувофиқ меъёрлари билан боғлиқ ва шу мамлакат ҳукумати томонидан бошқа малакатлар билан келишмаган ҳолда бир томонлама чоралар, ҳам халқаро келишув ва конвенциялар ёрдамида амалга ошириладиган кўп томонлама чоралар қўлланилади.

Икки томонлама солиққа тортишни бартараф қилиш қарорларига қуйидагилар киради:

- тақсимлаш усули;

- солиқни ҳисобаг олиш;

- солиқ чегирмаси.

Тақсимлаш усули (эркинлаштириш принципи, кетма-кет эркинлаштириш) давлатларга уларнинг солиқ юрисдикцияси остига тушувчи даромад ва объектларнинг ҳар хил категорияларини ўзаро тақсимлаб олишни таклиф қилади. Бошқача қилиб айтганда, давлат бошқа мамлакатда тортилишда озод даромад ёки бъектларнинг айрим турларини ўз ичига олади.

Солиқни ҳисобга олиш (солиқ кредити, хорижий солиқларга бўлган кредит) – бу ички солиқ мажбуриятлари ҳисобига хорижда тўланган солиқларни ҳисобга олиш, яъни тўловчининг солиққа тортиладиган базаси хориждан олинган даромадлар ҳисоби билан шаклланади., кейин эса ҳисобланган солиқ суммасидан хорижда тўланган солиқлар олиб ташланади.

Солиқ чегирмаси хорижий давлатда тўланган солиқни солиққа тортилиши лозим бўлган даромаддан олиб ташланадиган харажатлар сифатида кўриб чиқади. Солиқ чегирмаси солиқни ўзини эмас, балки солиққа тортиш базасини хорижда тўланган солиқ суммасига камайтирганлиги учун фойдаланиш анча фойдасизроқ солиқни ҳисобга олишдан фойдаланишга қараганда.

Даромадлар ва мол-мулкни икки томонлама солиққа тортишни бартараф қилиш тўғрисидаги келишувлар 1963 ва 1977 йилларда иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИҲРТ) томонидан ишлаб чиқилган намунали конвенция асосида тузилади. Бу конвенцияларнинг низоми тавсиянома характерига эга ва бутунлай миллий солиқ ҳукумати томонидан тан олинишига боғлиқ, лекин кўп мамлакатлар ўзаро тузиладиган келишувларига қатор низомларни деярли сўзма-сўз киритишади. Бу эса ягона терминологияни яратади ва уларнинг маъносини бир хил талқин этишга йўл беради. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти конвенциялари асосан саноати

ривожланган мамлакатларнинг манфаатларини ҳисбга оладилар, айниқса капитал экспортёрларининг. Айнан шунинг учун 1979 йилда БМТ ўхшаш намунавий конвенция ишлаб чиқди. Унинг мақсади – саноати ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни икки томонлама

Икки томонлама солиққа тортишҳақидаги келишувларда эркинлаштиришнинг тақсимлаш усули катта аҳамиятга эга. Бунда бир давлат бошқа давлатда солиққа тортилган даромадни солиққа тортишдан озод қилади. Бу мамлакатлар ўртасида тузиладиган икки томонлама солиққа тортишни бартараф қилиш ҳақидаги битимларда томонлар ҳар бир мамлакатнинг солиқ юрисдикцияси остига даромаднинг қайси турлари тушишини келишиб олишади. Давлатлар солиқ тизимларининг кесишиш жойларини биргаликда келишиб олар эканлар, бунда вужудга келадиган ўзаро солиқ мажбуриятларининг ўзига хос томонларини ҳисобга олар эканлар, икки томонлама солиққа тортиш муаммоси бутун ҳажмда очиляпти. Лекин қандайдир муаммо икки томонлама солиққа тортиш ҳақидаги келишув томонидан тартибга солинмай қолса, бу ҳолда миллий қонунчилик меъёрлари қтлланади.

Ҳозирги кунда Россия собиқ Иттифоқ билан тузилган келишувларни ҳисобга олган ҳолда 30 дан ортиқ давлатлар билан икки томонлама солиқ олмаслик ҳақидаги битимларга эга.

Икки томонлама солиққа тортиш тўғрисидаги келишувларда давлатни даромадлардан солиқ олиш ҳуқуқи тўғрисидаги муаммони ечиш учун асосан доимий ваколатни конвенция қўлланилади. Бу тушунча хорижий юридик шахснинг солиқ мақомига тегишли ва ташкилий ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас. Солиққа тортиш учун доимий ваколатнинг мавжудлиги ёки аккредатация аҳамиятга эга эмас.

**2. Жаҳон солиқ кодексини қабул қилиш зарурати ва аҳамияти.**

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти у ёки бу халқарор дастурлар доирасида бозор ислоҳотларини ўтказаётган ва ўз иқтисодиётини ўзгартираётган мамлакатларга ёрдам ва кўмак кўрсатиш бўйича муайян лойиҳаларни ишлаб

чиқиш ва жорий қилиш тадбирларини амалга оширмоқда. Бундай кўмакнинг йўналишларидан бири - ўз ичига молиявий ва ҳуқуқий ғоянинг ҳамма эришган ютуқларини олиши ҳамда замонавий халқаро иқтисодиё талабларига жавоб бериши мумкин бўлган миллий солиқ тизимини шакллантириш ва ривожлантиришга ёрдам беридир. Буларнинг ҳаммаси жаҳон ҳамжамиятининг бошқа мамлакатлар билан муносабатларни яхшилашга йўл беради.

Айнан шундай чоралардан бирини Халқаро солиқ дастури доирасида амалга ошириш пайтида намунавий халқаро солиқ кодексини тайёрлаш фикри пайдо бўлди. Унинг асосий мақсади ислоҳотлар йўлидаги мамлакатларга солиқ муносабатларни илмий асосда тартибга солишга, ягона терминология ва бир хил талқин қилишни яратишга имкон беришдир.

«Халқаро солиқ кодекси асослари» шаклидаги ҳужжат 1993 йилда тайёрланган ва чоп этилган эди. Унинг муаллифлари – Гарвард университети мутахассилари У.М. хосси ва Д.С. Любик. Ушбу кодекс 300 га яқин бетни эгаллайди ва 591 модда ва уларга изоҳларни ўз ичига олган. Киришда ишлаб чиқувчилар кўп мамлакатлар тажрибасидан ўтган солиқ тизимининг замонавий тушунчасини Кодексда тақдим қилишга ҳаракат қилганликларини ёзадилар. Кодекс намунавий бўлса ҳам унда солиқ тўловчилар, минимумлар ва имтиёзларнинг аниқ ставкалари кўрсатилади. Кодексни тайёрловчилар фикрларига кўра келтирилган кўрсаткичлар шартли бўлгани билан ҳам, барибир ҳақиқатга яқиндир. Бунда муаллифлар қуйидагилардан келиб чиқади: Кодексдан фойдаланишни истаган мамлакат учун матнни ўзи ҳам, ставкалар ҳам мажбурий эмас, балки тавсиянома характерига эга.. Ўзининг миллий солиқ қонунчилигини тайёрлашда давлатларнинг аниқ иқтисодий ва ҳуқуқий шароитлари бу мамлакат мутахассилари томонидан инобатга олиниши керак.

Кодексни тайёрлашда муаллифлар у ёки бу даражада ҳужжатда ўз аксини топган айрим умумий тамойил ва ҳолатлардан келиб чиққанлар.

Давлат солиқ тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий жиҳатлари ҳақида гапирганда, муаллифлар солиқ қонунчилиги тизимини ишлаб чиқишда солиққа тортиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳамма қонунчилик

ҳужжатлари у ёки бу усул билан ягоналаштирилиши мақсадга мувофиқлигини таъкидлашади. Бу шароит давлатга даромдга бўлган эҳтиёжларга умумий нуқтаи назардан баҳо беришга йўл беради. Бу мақсадга ўзгаришлар ва тўлдиришлар киритиладиган ягона доимий  солиқ қонуни амалда бўлса, ҳар сафар ҳукуматга бюджет даромадларини шакллантириш зарур бўлганида янги мустақил қонун қабул қилинмаса эришиш мумкин.

Бундан ташқари, агар давлат хўжалик юритишнинг халқаро тизимига интеграция қилмоқчи бўлса ички ишлаб чиқарувчиларга ёки сармояларга афзаллик  бериладиган протекционистик солиқларни жорий қилишдан ёки солиқлардан вақтинча озод қилиш орқали миллий иқтисодиётнинг айрим тармоқларига  энг яхши шароитларни  яратишдан манфаатдор бўлмайди. Тажрибалар шуни кўрсатадики, ўзоқ истиқболда бу молиявий ва меҳнат ресурсларини тақсимлашда номутаносибликларга олиб келади ва барқарор иқтисодиётнинг ривожланишини тўхтатиб қўяди.

Кодекснинг принципиал моҳияти – бу солиқ тизими орқали иқтисодий субцидияларни таклиф қилиш тўғридан-тўғри субцидиялар беришдан кўра анча самарасиз деган низомдир. Имтиёзларнинг катта сонини мавжудлиги солиқ тизимини мураккаблаштиради ва унинг самарадорлигини муқаррар бўзади. Керакли эгилувчанлигини йўқотади, чунки солиқ имтиёзлари қийин назорат қилнади. Шундан келиб чиққан ҳолда Кодексда солиқлардан имтиёзлар, вақтинча ёки доимий озод қилишлар кўзда тутилмаган.

Ривожланаётган мамлакатлар ривожланишининг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда, кодекс муаллифлари улар даромадларининг асосий қисми божхона тўловлари, ҚҚС, акциз ва корхона ва ташкилотлар фойдасига солиқдан шаклланишидан келиб чиқадилар. Бундай солиқ тизими ишлаб чиқарувчилар фикрига кўра қуйидаги афзалликларга эга: йиғилган солиқларнинг бир бирлигига тўғри келадиган маъмурий харажатлар жисмоний шахслардан даромад солиғини олганга қараганда камроқ бўлади. Кодекс тавсия қилган солиқлар тизимига катта даромадга эга аҳоли қисмига тааллуқли жисмоний шахслардан индивидуал даромад солиғи ҳам киритилган. Бунга

сабаб энди бозор иқтисодиёти шаклланаётган давлатлар – асосан ривожланаётган ва собиқ социалистик мамлакатлар – ривожланган мамлакатларда мавжуд кенг қамровли индивидуал даромад солиғини қўллаш учун етарли маъмурий ва юридик механизмларга эга эмас. Солиқ аппарати ҳам аҳоли ҳам бу солиқн амалиётга жорий қилиш учункеракли солиқ саводхонлиги ва ҳисоблаш техникасига эга эмаслар. Жамғарма қилиш имконига эга бўлмаган аҳолининг кенг қатлами учун муаллифлар фикри бўйича улар солиқни бевосита ёки билвосита солиққа тортиш орқали тўлашлари унчалик катта аҳамиятга эга эмас. Индивидуал даромад солиғи унчалик солиқ тушумлари учун эмас, балки кўпроқ бирлик ҳиссини қондириш учун керак. Кодексда индивидуал даромад солиғи тадбиркорлик фаолиятидан фойда солиғи билан бир қисмда кўриб чиқилади. Бу шунинг учун қилигганки, кўпгина тушунчалар уларда бир хил бўлади, алоҳида баён қилинганида эса ортиқча такрорлашга олиб келган бўларди. Агар қонун чиқарувчи жисмоний шахслар даромад солиғи ва тадбиркорлик фойдаси солиғи тўғрисида алоҳида қонунларга эга бўлишни ҳоҳласа. Ушбу кодекс матнидан осонгина у ёки бу солиққа доир низомларни чиқариб олиши мумкин.

Ҳамма солиқларда кодекс инфляцияни ҳисобга олиш механизмини кўзда тутади. Муаллифлар фикрига кўра инфляция  бозор иқтисодиётга ўтаётган давлатлар учун муқаррардир. Шунинг учун агар қонунчиликда бунга қарши чораларни кўзда тутмаса у энг қонунларни бузишга қодир.

Халқаро солиқ кодексини муаллифлари қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш - солиқ ислоҳотидаги биринчи қадам деб ҳисобланади. муҳими самарали солиқ аппаратини тўзишдир. Ҳалол ва масъулиятли солиқ хизмати муваффақиятининг зарур шартидир.

Кодекс ўз ичига бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда жорий қилинишига  тавсия қилинган солиқларнинг таркиби бўйича беш қисмни олади.

**3.** Айрим иқтисодий ривожланган мамлакатларда мавжуд бўлган юқори солиқ юки солиқ тўловчиларни у ёки бу солиқдан қочиш йўлларини мажбур қилади. Солиқ тўлови ҳажмини камайтиришнинг асосий усулларидан бири – бу

жаҳоннинг турли мамлакатлари солиққа тортиш даражаларидаги фарқлардан фойдаланишдир.

Деярли ҳар бир мамлакатда миллий солиқ қонунчилигининг ўзига хос томони туфайли фаолият турини солиққа тортиш режими анча яхширок. Айрим мамлакатлар эса бутун давлат сиёсатини  ўта юмшоқ режимини ўрнатиш ёки кўплаб солиқ имтиёзларини таклиф этиш орқали ўзининг солиқ юрикдикцияси остига хорижий фирмаларни қизиқтиришга асосланибқуришади. Бундай солиқ бошпоналари деб ном олган мамлакатларга хорижий фирмалар ўзининг капиталини ўзлаштиради ва ўзининг молиявий фаолиятини ўша ерда олиб боришади.

Солиқ бошпонасидан солиқ базисини - солиққа тортишнинг имтиёзли тартиби (доимий ёки вақтинча) амалда бўладиган бир давлат ичидаги ҳудудни фарқлаш лозим. Солиқ базислари бўлиб, одатда, портлар, иқтисодий зоналар, эркин тадбиркорлик зоналари ва бошқалар ҳисобланади. бу зоналарда  чет эл инвестицияларини ва тадбиркорлик фаолиятини жалб қилинишини рағбатлантирадиган солиққа тортишнинг махсус режими амал қилади.

Солиқ бошпаналари ичида қатор мамлакатларни ажратиб олишади.улар асосан саноат ривожининг паст даражасига эгадирлар ва хорижий капитални жалб қилиш мақсадида жудаям кам солиқ ундиришади. ёки уларнинг ундирилишидан умуман воз кечилади. Бу мамлакатлар бутунлай ўз фаравонлиги оффшор режимни таклиф қилиш ва оффшор битимларга хизмат қилиш орқали барпо қилинади. Улардан кўпчилиги оролларда жойлашган, бу ҳам шу ҳолатга ном берди. (инг. Off-shore - қирғоқда, масофада жойлашган, чегара ортида).

«Оффшор» атамаси биринчи марта 50-йиллар охирида АҚШнинг шарқий қирғоғидаги бир рўзномада чиққан. Гап географик ихтиролиги орқали назоратидан молиявий ташкилот ҳақида борарди. Бошқача қилиб айтганда, компания АҚШ ҳукумати назорат қилмоқчи ва тартибга солмоқчи бўлган фаолиятини қулай солиқ иқлимига эга ҳудудга кўчирган. Шунинг учун ҳам

Троценко ва Карманова фикрлари бўйича «оффшор» атамси юридик эмас. Балки иқтисодий-географик тушунчадир.

Оффшор юрисдикцияларининг амал қилишининг асосий шарти қуйидагилардан иборат: шу офшор зонада қайд қилинадиган, лекин шу ҳудудда хўжалик фаолиятини олиб бомайдиган ва маҳаллий ресурслардан фойдаланмайдиган корхоналар имтиёзли ставкалар бўйича солиқ тўлаш ҳуқуқига эга бўлишади. Демак, офшор механизмидан фойдаланишнинг моҳияти солиққа тортиш объектларини солиққа тортишнинг юқори даражали юрисдикциясидан солиққа тортишнинг паст даражали юрисдикциясига юридик кўчирилишидан иборатдир.

Оффшор механизмини қўллаш ва капитални миллий солиқьа тортишдан ҳимоя қилишнинг юридик замини – бу давлатнинг солиқ суверенитетлигининг ҳудудий чегараланганлигидир. Компанияни солиқ бошпанаси бўлган мамлакат қонунчилиги бўйича қайд қилишда солиққа тортишнинг мустақил субъекти пайдо бўлади (оффшор компания). Демак, солиқ бошпонаси резиденти сифатида унда вужудга келадиган бутун фойда ёки даромадлар «имтиёзли» солиқ шартлари билан солиққа тортилиши керак. Субъектни оффшор зонада қайд қилиш орқали солиққа тортишнинг бошқа мамлакатга юридик кўчиши ва оффшор компания таъсисчиси мамлакат назорати остидан кетиши амлга оширилади.

Мамлакатни оффшор зонага айлантиришнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

1. Солиқларни бутунлай олиб ташланиши;
2. Ягона йиллик солиқ тўловини белгиланиши;
3. Паст солиқ ставкаларининг жорий қилиниши;
4. Солиқлар мавжуд бўлмаган ҳолда копанияни ташкил этиш учун ягона тўловнинг жорий қилиниши.
5. Бошқа махсус шартларни жорий қилиниши, солиқлар мавжуд бўлмаган ҳолда (масалан, банк счёти очиш учун тўлов ва бошқ.).

Солиқ бошпаналарига бошқа талаблар ҳам қўлланади, биринчи навбатда банк ва тижорат сирини сақлаш ҳамда бошқа мамлакатлар билан маълумот бериш тўғрисида битимларни йўқлиги. Анча юмшоқ валюта назорати, сиёсий барқарорлик. Тадбиркорликнинг хавфсизлик ва самарадолилик кафолатлари муҳимдир.

Булардан ташқари оффшор зоналарни хорижий инвесторлар учун қуйидаги хусусиятлари қизиқтиради:

- фойда солиғининг мавжуд эмаслиги, олинган фойдани олиб чиқиб кетишда солиқларнинг йўқлиги;
- қайд қилиш тартиби максимал равишда енгиллаштирилганлиги;
- валюта олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш чегараларининг мавжуд эмаслиги;
- фирмани бошқариш тартиби иложи борича осонлаштирилган ва кў ҳолларда шартли;
- солиқ ва божхона қонунчилигини бузилиши жиноят ҳисобланмайди.

Оффшор зоналарнинг амал қилишида уларнинг сиёсий барқарорлиги катта аҳамиятга эга. Айрим Африка давлатлари, собиқ Иттифоқ мамлакатлари, Ливан ва бошқа мамлакатларда солиқ бошпоналари ва базислари мавжуд, лекин доимий ички миллий низолар, кўпгина ҳолларда эса ҳарбий ҳаракатлар бу минтақаларни ривожланишига йўл бермайди.

Солиқ имтиёзларини таклиф қилиш билан офшор ҳудуд ўзига молиявий капитални жалб қилади ва ундан фойдаланиш орқали нисбий иқтисодий ўсишга эришилади. Бундай сиёсат табиий ресурсларга эга бўлмаган ёки кам иқтисодий потенциалга эга кичкина давлатларга лойиқ кун кечиришга имкон беради.

Оффшор зоналарда фаолият кўрсатаётган компаниялар афзалликлари фақат халқаро фаолият олиб борилганида намаён бўлади. Одатда хорижга сохта, лекнин реал фоизлар, дивидендлар, лизинг тўловлари, суғўрта мукофотлари, кўрсатилган хизматлар учун ҳақлар, комиссион тўловлар, роялти ва ҳақозолар остида яширингна маблағлар ўтказилади. Бунинг устига бу

ҳолатда даромаддан солиқ ушлаб қолиш икки ёқлама солиққа тортишни бартараф қилиш тўғрисидаги келишув туфайли амалга оширилади. Шундай қилиб, офшорлардан фойдаланишнинг кўп сонли услублари ҳар доим ташқи иқтисодий  алмашинувда ташкил этилади.

Оффшорларнинг шиддати ривожланишига трансмиллий корпорацияларни пайдо бўлиши ёрдам беради. Ўзларининг ишлаб чиқариш ва сотиш филиаллари тармоғига асосланиб, уларн фойдани солиқ даражаси паст бўлган мамлакатларга кўчириш имконига эга бўлишди. Айнан хорижий филиаллар ва шуъба фирмалар тизимини яратилиши ва улар орасида йирик фирма ичидаги операцияларни ўтказилиши оффшор фаолияти имкониятларидан фойдаланиш учун кенг истиқболларни очиб беради.

Вазифасига А.Горбунов оффшор компанияларнинг қуйидаги стандарт типларини ажратади:

-холдинг типидаги корхоналар:

- оператив ҳолдинг компаниялар;

- инвестицион компаниялар;

- кўчмас мулкка эгалик қилиш компанияси;

- кемаларга эгалик қилиш компанияси;

- интеллектуал мулкка эгалик қилиш компаниялари.

Савдо-воситачилик фирмалари;

- экспорт-импорт фирмалари;

- сотиб олиш ва дистрибьютор фирмалар.

Молиявий йўналиш компаниялари:

- офшор банклар;

- молиявий-воситачилик компаниялари; суғўрта компаниялари.

Оффшор механизмлардан кенг фойдаланганлик натижасида саноати ривожланган мамлакатлар кўп миллиардли тушумлардан маҳрум бўлмоқдалар. Натижада бу маблағлар  офшор марказларида йиғилмоқда, кейин эса янги солиқ имтиёзларига эга бўлиб, «хорижий инвестициялар» сифатида ватанига қайтиб келмоқда. Бу ҳолда ғазна икки томонлама ютқизмоқда. Олдин миллий

даромадлар солиқ тўланмасдан хорижга чиқиб кетаяпти, кейин эса у ёки бу афзалликларга даъво қилган ҳолда қайтиб келаяпти.

Ўзида «солиқ ювилишининг» оқибатларини ҳис қилаётган саноати ривожланган давлатлар капиталнинг чиқиб кетиши билан сиёсий, юридик ва иқтисодий усуллар билан курашишга ҳаракат қилишяпти. Масалан, халқаро офшор зоналарида таъсис этилган фирмалар учун ёмон обрў яратиш. Бундай фирмалар божхона имтиёзларига, арзон кредитлар ёки бошқа давлат ёрдамига яраша олмайди. Айрим ҳолларда улар учун инвестицияларнинг қонунийлигини тасдиқлаш керак бўлади.

Бундан ташқари, миллий солиқ қонунчилигида капитал «резидентлиги» принципи белгиланади. Унга мувофиқ давлатлар ўз солиқ юрисдикциясининг кенгайтиришни мамлакат ҳудудий чегараларидан ўзоққа амлаг оширилади. Капитал олиб чиқиш солиғи. капитал ҳаракати билан боғлиқ операцияларни лицензиялаш ва бошқ амалган оширилади. Давлатларнинг ичида солиқ базислари ва марказлари яратилади.

## Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1.Солиқ соҳасидаги халқаро ҳамкорлик деганда нима тушунилади.

2.Халқаро ҳуқуқ манбалари нималардан иборат.

3.Оффшор зоналар қандай ташкил бўлади.

4.Солиқ бошпаналари қандай аниқланади.

5.Иккиёқлама солиққа тортишни тугатиш чора-тадбирларини айтинг.

## Таянч сўз ва иборалар

Жаҳон солиқ кодекси,

Солиқ соҳасидаги халқаро ҳамкорлик,

Халқаро ҳуқуқ манбалари,

Оффшор зоналар,

Солиқ бошпаналари

Иккиёқлама солиққа тортиш

**Фойдаланилган адабиётлар:**

Асосий адабиётлар:2,3,6,8,12,13,14,15.

Қўшимча адабиётлар: 16,17,19,21,23,24.

## Адабиётлар рўйхати

**Асосий адабиётлар:**


1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Адолат, 1999.

2.Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. -Т.: Адолат, 1999.

3.Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. —Т.: Ўзбекистон, 2000. —6 б.

4.Каримов И.А. ЎЗБЕКИСТОН XXI АСР БЎСА§АСИДА: хавфсиз-ликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997. - 358 б.

5.Каримов И. А. Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт! // Халқ сўзи. 24 декабрь. 1998 йил.

6.Каримов И.А. Ўзбекистон Буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998.

7. В.Беганов, М.Қуролов, Д.Шаулов, У.Кан. Финансовая политика, налоги и налогообложение. -Т.: Мир экономики и право, 1998.

8. Бризгалин А.В. Налоги и налоговое право. -М.: Аналитика пресс, 1999.

9. Йўлдошев М., Турсунов Й. Солиқ ҳуқуқи, -Т.: Меҳнат, 2000.

10. Налоги и налогообложение. Практикум. Учеб. пос. -М.: Аналитика пресс, 2000.

11. Шаулов Д., Кан У. Солиқ қонунчилиги асослари. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000.

12. Хван Л. Солиқ ҳуқуқи. -Т.: Консаудитинформ, 2000.

13. Яҳеёв Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. §.§улом нашриёти, 2003 йил.

14.А.Маманазаров Солиқ сиёсати. “Молия” нашриёти 2003 йил.

**Қўшимча адабиётлар:**

15. Маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом. 1999 йил 5 февраль. -Т.: Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси нашриёт маркази.

16. Ўзбекистон Республикаси Солиқ қонунчилиги бўйича норматив актлар тўплами. 1-2 қисм. -Т.: Ўзбекистон, бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси нашриёт маркази, 2002.

17.“Бюджет тизими тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни //Халқ сўзи газетаси, 2000 йил 27 сентябрь.

18.Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги қонуни. 1998 йил 30 апрель. Ўзбекистон Республикаси (Солиқ тўловчининг журнали 1998 йил 6-сон).

19.Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолати тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. – Т.: Адолат, 1999.

20.Яҳёев Қ. Ўзбекистоннинг солиқли ва солиқсиз тўловлари. - Т., 1999.

21.Налоги. Учеб. пос. (Под. ред. Д. Г. Черника) –М.: Финансы и статистика, 1998.

22.Черник Д. Налоги в рыночной экономике. –М.: Юнити, 2000.

23. Солиқлар ва божхона хабарлари газетаси 2002-2003 й.

23. Солиқ тўловчи журнали 2002-2003 й.

24.Бозор, пул ва кредит журнали 2002-2003 й.